

# ИСЛОМ

ДИН, АМАЛИЁТ, МАДАНИЯТ ВА ДУНЁ ТАРТИБИ  
Исмоил Рожи ал-Форуқий





# ИСЛОМ

*Дин, амалиёт, маданият ва  
дунё тартиби*

---

*ИСМОИЛ РОЖИ АЛ-ФОРУҚИЙ*



Халқаро ислом тафаккури институти

*Бишкек 2023*

УДК 297  
ББК 86.38  
И 87

**Китоб хомийси:**  
**Халқаро ислом тафаккури институти**  
**Херндон Виржиния**  
**Билимлар интеграцияси институти**  
**Гуржистон Тбилиси**

Китоб муаллифи: Исмоил Рожи ал-Форуқий  
Китобни ўзбекчага таржима қилган: Матеев Фархад: – Б.: 2023  
Китоб муҳаррири: Мирзахидова Мияссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига қафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан  
тасдиқланган №086

**Ислом: Дин, амалиёт, маданият ва дунё тартиби (Uzbek)**

*Исмоил Рожи ал-Форуқий*

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)  
1445 АН / 2023 СЕ  
*Paperback* ISBN 987-9967-493-51-3

**Islam, Religion, Practice, Culture and World Order (Uzbek)**

*Ismail Raji al Faruqi*

© The International Institute of Islamic Thought (IIIT)  
1433 АН / 2012 СЕ  
ISBN 978-1-56564-587-5 limp  
ISBN 978-1-56564-588-2 cased  
IIIT  
P.O. Box 669  
Herndon, VA 20172, USA  
www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган

ISBN 978-9967-493-51-3

УДК 297  
ББК 86.38

## МУНДАРИЖА

<i>Кириш</i>	vi
<i>Исмоил Рожи ал-Форуқийнинг қисқача таржимаи ҳоли</i>	ix
<i>Сўзбоши</i>	xi
МУҚАДДИМА	xvii
1-ҚИСМ	1
1. Муслмон ким экан?	2
2. Муслмон бўлиш нимани англатади?	6
3. Муслмон нима учун муслмондир?	12
4. Қачондан бошлаб кимдир ўзини муслмон деб хисоблай бошлади?	21
2-ҚИСМ	30
5. Калимаи шаҳодат (динга эътиқод қилиш)	31
6. Намоз (сиғиниш, ибодат)	36
7. Закот (бойликни бўлишиш)	40
8. Ас-савм (рўза)	44
9. Ҳаж (зиёрат)	49
3-ҚИСМ	53
10. Пайгамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг таваллуд куни	54
11. Ҳижрат	61
12. Исро ва Меърож	65
4-ҚИСМ	69
13. Аёл	70
14. Никоҳ	73
15. Кенгайтирилган оила	76

5-ҚИСМ	79
16. Табиатдан оқилона фойдаланиш	80
17. Бойлик	84
6-ҚИСМ	88
18. Қонунга биноан умумжаҳон биродарлик	89
19. Исломий давлат ва Pax Islamica	93
7-ҚИСМ	100
20. Ислом маданияти	101
21. Ислом тарихи	106

## КИРИШ

*Исломни дин сифатида чинакам тушуниш ... бу яҳудийлик ва насронийликни вужудга келтирган онг ривожланишининг кейинги босқичини англатиши ошкора қилади. Шунингдек, Ислом маданият сифатида қадимги Юнонистон ва Рим билан тенг равишда сўнги минг йилликдаги Ғарб цивилизациясининг манбаи эканлигини фош этади... Бундан ташқари, Исломий антиклерикализм биринчи “протестантлик” инқилоби эканлигини, Исломий мулоҳазакорлик биринчи “маориф” эканлигини, Исломий прагматизм биринчи “технократия” эканлигини, унинг уруш ва тинчлик қонунлари эса Ислом дунёсини “Бирлашган Миллатлар Ташиқлотининг” биринчи намунасига айлантирганлигини ҳам очиб беради.*

Шундай қилиб, фаластинлик-америкалик файласуф, кўрувчи, қиёсий диншунослик бўйича эътиборли одам ва XX асрнинг буюк мусулмон алломаларидан бири, профессор Исмоил Рожи ал-Форуқий ёзади. Ушбу илмий ишда ал-Форуқий бутун дунё ҳамжамиятига Исломнинг маъноси ва хабарини тақдим этмоқда. Иймоннинг асосий ўзаклари умумий мавзу нуқтаи назаридан умумлаштирилади ва тушунтирилади. Китоб етти қисмдан иборат бўлиб, 21 бобни ўз ичига олади. Ушбу китобнинг боблари мусулмон халқлари ва ортодоксал (анъанавий) амалиётларининг оддий тавсифидан кўпроқдир. Ал-Форуқий буюк мутафаккир бўлган ва ҳар қандай турдаги, айниқса, унинг мавзуси Ислом ва бошқа динлар бўлганда, ақлий иштирок этишдан роҳатланган. Бундай ноёб фикрлаш ва мулоҳаза юритиш жараёни ал-Форуқийнинг исломшуносликка қўшган ноёб ҳиссаси бўлган бу асарда акс эттирилган. Ушбу китоб нафақат Исломни руҳий иймон ва амал сифатида тасвирлайди,

балки Исломни ақл бовар қилмайдиган тажриба сифатида ҳам талқин қилади.

Ал-Форуқий 1986-йилда ўлдирилган, аммо унинг фикрлари ва ҳаракатлари Исломий мулоҳазани бойитиш ва таъсир кўрсатишда ҳамда бутун дунё бўйлаб Исломий ислохотлар жараёнига ва унинг институтларига таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Ал-Форуқий *тавҳид* (якка худоилик) ва унинг илм, ҳаёт ва тафаккурга бўлган муносабатини янги талқин қилиш ва таҳлил қилишга ҳам асос солган. Унинг услубий ақлий ёндашуви ва ҳайратда қолдирадиган далиллар мантиғи Ислом ижтимоий фанлари мезонларини янги ва юқори даражага кўтарган. Ал-Форуқий замонавий Ислом университети намунасини ишлаб чиқишда марказий ва мафкуравий роль ўйнаган, қатор мамлакатларда Ислом университетларининг ўқув режалари ва тадқиқот дастурларини ишлаб чиқишда муҳим илмий ҳисса қўшган. Ал-Форуқий Ғарбда Исломий университет дастурларини яратиш учун ҳам янги замин яратган. У, ислохотлар ва илмий саъй-ҳаракатларнинг ажойиб мероси бугунги кунда ҳам акс садо берадиган, ажойиб зиёли бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Ушбу асар 1970-йилларнинг ўрталарида ал-Форуқий томонидан тугалланган кўлёманинг тикланиши бўлиб, унда Исломиймонининг кўплаб асосий жиҳатлари ўрганилади ва тушунтирилади. Кичик матбаа хатоларидан ташқари, асар асосан ўзгартирилмаган ва таҳрир қилинмаган, муаллифнинг асл ғояси ва тақдимоти сақланиб қолган. Бундан ташқари, бобларнинг сарлавҳалари ҳам асл шаклида қолдирилган. Шубҳасиз, бугун Ислом динини “билишга” ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарурати бор, бу китоб эса бизни шундай тўлиқ тушунчага яқинлаштиришга интилиб, ёзилган кундан то бугунга қадар долзарбдир. Ал-Форуқий ўз муқаддимасида қайд этганидек, ўқувчиларга Ислом оламига “ўртоқлик” руҳида кириб, унинг ажралмас таркибий қисмлари ва кундалик ҳаёти билан танишишни таклиф қилади.



Саналар Ислом тақвими (хижрат) бўйича кўрсатилган жойда улар “ҳижрий” деб белгиланади. Акс ҳолда, улар Григорий тақвимига амал қилинади ва заруриятга қараб “милодий” деб белгиланади. Истеъмолда бўлмаган арабча сўзлар курсив билан ёзилади. Диакритик белгилар фақат эскирган арабча номларда ишлатилади. Ал-Форуқийнинг (al Fāgūqī) исми истисно бўлиб, унинг ўз хоҳишига кўра ёзилади.

1981-йилда ташкил этилган Халқаро Ислом Тафаккури институти Исломий қарашлар, кадриятлар ва тамойилларга асосланган жиддий илмий саъй-ҳаракатларни илгари суриш учун йирик марказ бўлиб хизмат қилади. Сўнгги ўттиз йил ичида институтнинг тадқиқот, семинар ва конференция дастурлари натижасида инглиз, араб ва бошқа асосий тилларида тўрт юздан ортиқ асарлар нашр этилди.

ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАФАККУРИ ИНСТИТУТИ ЛОНДОН ОФИСИ  
СЕНТЯБРЬ, 2012

***Исмоил Рожи ал-Форуқийнинг***  
**ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ**  
**(1921-1986)**

ПРОФЕССОР Исмоил Рожи ал-Форуқий Фаластиннинг Яффа шаҳрида туғилган. У буюк замонавий ислом олими бўлиб, унинг билимдонлиги дин, Ислом тафаккури, билимга ёндашувлар, тарих, маданият, таълим, динлараро мулоқот, эстетика, ахлоқ, сиёсат, иқтисод, фан ва аёллар муаммолари каби соҳаларни қамраб олувчи исломшуносликнинг бутун доирасига тарқалган. У ҳақиқатан ҳам кенг маълумотга эга эканлигини ва замонамизнинг мусулмон уламолари орасида беқиёс билимдон шахс эканлиги десак, муболаға бўлмайди.

Ал-Форуқий дастлаб Ливаннинг Байрут шаҳрига кўчиб, Байрутдаги Америка Университетида ўқиган ва кейинги йили Индиана Университети Санъат ва фанлар олий мактабига ўқишга кириб, 1949-йилда фалсафа бўйича магистр даражасини олди. Бундан сўнг у Гарвард Университетининг Фалсафа факультетига қабул қилинди, ўқиб, изланиб 1951-йили март ойида фалсафа бўйича иккинчи магистр даражасини олди. Индиана Университетига қайтгач, Фалсафа факультетида диссертациясини ҳимоя қилди ва 1952-йили сентябр ойида доктор илмий даражасини олди. Олимнинг диссертацияси “Эзгуликни асослаш: Метафизика ва Қиймат Эпистемологияси” (*Justifying the Good: Metaphysics and Epistemology of Value*) деб номланади.

Кейин ал-Форуқий Қоҳирада ва бошқа мусулмон таълим марказларида Исломни, шунингдек, МакГилл университетининг Илоҳиёт факультетида христианликни ўрганган. У МакГилл Университети Ислом Тадқиқотлари институтида, Карачи шаҳридаги Марказий Исломшунослик институтида, Араб

давлатлари уюшмасининг Олий Арабшунослик Тадқиқотлари институтида, Қоҳира Университетида, Ал-Азҳар университетларида дарс берган. Шунингдек, у 1964-1968-йиллари АҚШдаги Сиракуз Университетининг доценти қатори талабаларни ўқитган ва у ерда Исламшунослик дастурини ишлаб чиққан. 1968-йилнинг кузида ал-Форуқий Темпл Университетининг Диншунослик кафедрасида Исламшунослик ва Динлар Тарихи профессори унвонига эга бўлиб, то умрининг охиригача (1986-йилдаги фожиаги ўлимигача) шу лавозимда ишлади.

## СЎЗБОШИ

*Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни ўликлар деб ҳисобламан-  
глар. Балки улар тирик, Роббилари ҳузурида ризқланмоқда-  
лар. (Қуръон 3:169)*

*Аллоҳга ва Унинг Пайгамбарларига иймон келтирганлар,  
ана ўшалар, сиддиқлардир. Ва Роббилари ҳузуридаги шоҳи-  
длардир. Уларнинг ажрлари ва нурлари бор. Қуфр келтир-  
ганлар ва оятларимизни ёлгонга чиқарганлар, ана ўшалар,  
дўзах эгаларидир. (Қуръон 57:19)*

ПРОФЕССОР Исмоил Рожи ал-Форуқий замонавий даврда Исломшунослик ва Исломий ўрганишлар соҳалари асосчиларидан бири бўлган. 1960-йиллардан бошлаб ал-Форуқий, Чикаго Университети профессори Фазлур Раҳмон ва Жорж Вашингтон Университети профессори Сайид Ҳусайн Насрлар Шимолий Америкада Исломшунослик университетлардаги ўқув фани, тадқиқот мавзуси қатори эндигина пайдо бўла бошлаган пайтданоқ Исломшунослик соҳасидаги энг таниқли олимлар эдилар. Бу уламоларнинг ҳар бири: Фазлур Раҳмон – Ислом тафаккурига, Сайид Ҳусайн Наср – Ислом тасаввуфини ўрганишга, Исмоил ал-Форуқий эса академик диншунослик ва билимларни исломлаштириш доирасида Исломни ўрганишга ўз хиссасини қўшганлар.

Ал-Форуқий Ислом ҳақида бир қанча китоб ва мақолалар ёзган, чунончи: Ислом ҳақида боблар (Винг Т. Чан), “*Буюк Осий Динлари: Антология*” китоби (Макмиллан, 1969) ҳамда Дэвид Софер билан биргаликда таҳрир қилинган “*Дунё Динларининг тарихий атласи*” номли китоби (Макмиллан, 1975) кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, у “*Ислом*” номли

китобида Исломга узундан-узоқ муқаддимасини ёзган (Аргус Комьюникейшнз, 1979, жорий нашрлар Амана Пабליкейшнз томонидан чоп этилади) ва вафотидан кейин нашр этилган “*Исломнинг маданий атласи*” асарини тайёрланган. (Макмиллан, 1986)

Мен тўлиқ тугалланган асарни, яъни “Исломга кириш” китоби қўлёзмасини 2010-йилда АҚШнинг Виржиния штати Херндон шаҳридаги Халқаро Ислом Тафаккури институтида Исмоил ал-Форуқий хужжатлари орасидан топдим. 2009-2010 йилларда мен АҚШнинг Вашингтон штатидаги Жоржтаун Университети Ал-Валид бин Талал мусулмон-христиан розилиги марказида Жанубий-Шарқий Осиёдаги мусулмон дини масалалари бўйича Малайзия комиссияси ташриф буюрган доценти ва раиси лавозимларига тайинландим. Бу тайин менга бизнинг ва келажак авлодларимиз учун доимий мерос сифатида ал-Форуқийнинг билим ва хотирасини сақлашга ҳисса қўшиш каби мақсадимни амалга ошириш учун Худо томонидан берилган имконият эди. Халқаро Ислом Тафаккури институтида ал-Форуқийнинг мақолаларини ўрганиш имконига эга бўлганимдан хурсанд бўлдим. Доктор Жамол Барзинжи, доктор Ҳишом Ат-Толиб, доктор Иқбол Юнус ва доктор Абубакар Ас-Сингieti менга рухсат берганликлари ва ал-Форуқий хотирасини тирик меросга айлантиришга ҳисса қўшиш истагимга ишонганликлари учун миннатдорчилик билдираман. Мен унинг 1961-1986-йиллардаги илмий фаолияти билан боғлиқ хужжатларни кўздан кечирдим ва шу тарика буюк Ислом олимларидан бирининг шахсияти, ақл-заковати ва илм-фанга қўшган ҳиссаси ҳақида ноёб билимга эга бўлдим. Ушбу хужжатлар ал-Форуқийнинг нашр этилган ва нашр этилмаган асарлари ва фаолиятини ўз ичига олган, бутун ҳаёти давомида мусулмон зиёлисини қизиқтирган турли мавзулар ва билим, тафаккур ҳамда тадқиқот соҳаларини қамраб олган маълумотлар хазинасидир. Уларни тадқиқот йўналиши сифатида тўлиқ ишлаб чиқиш учун бир умр керак бўлади. Мен фақат илмий тадқиқот қизиқишларим соҳаси бўлган ал-Форуқийнинг диншунослик ва Ислом соҳаси-

даги нашр этилган ва нашр этилмаган асарлари билан шуғулланишга қарор қилдим. *Иншооллоҳ*, умрим давомида бу ишни яқунлайман деган умиддаман.

Исмоил ал-Форуқий билан муносабатларим 1984-йилда, АҚШнинг Филадельфия шаҳридаги Темпл Университети Диншунослик кафедрасида докторантурада ўқишимни давом эттириш учун стипендия таклиф қилганидан бошланди. Мен ал-Форуқийнинг куйидаги курсларида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим: қадимги Яқин Шарқ матнлари, Қуръон, Ислом ва санъат, Абул Аъла Маудуди ва Карл Барт асарлари орқали мусулмон ва насроний илоҳиётига кириш ҳамда динлар тарихи. Ал-Форуқийдан олган билимимиз ҳақиқатан ҳам чуқур эди. Бундан ташқари, у ҳар доим академик таълимнинг юқори мезонларига риоя қилиш ва қатъий услубиятдан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини таъкидлаган, шунингдек, бизда юқори умидларни рўёбга чиқариш ва муносиб ижтимоий маълумот олиш истагини уйғотган. Биз учун ал-Форуқий юрадиган қомус, ақлий куч-қувват ва илм жўшқинликка тўла шахс, Ислом ва дунё динларини чуқур билладиган буюк олим эди. У замонавий мусулмон олими сифатида ажойиб ақл-заковат ва илмий ютуқларнинг нодир бирикмасига эга олим бўлган.

Ал-Форуқий “Исломга кириш” асарини 1975-йилда ёзиб тугатган бўлса керак. Нима учун 1975-йилда? Мен ўзгартиришларимни киритган асл қўлёзманинг “Ҳаж” номли 9 бобида мусулмонлар 1975-йилгача 1395 марта ҳаж қилганликлари кўрсатилган. Шунинг учун қўлёзма 1975-йилга тўғри келади деган хулоса чиқардим.

Ўшандан бери ўттиз олти йил ўтганига қарамай, ушбу китобнинг мазмуни, ёзилган пайтдагидек, ҳозир ҳам долзарбдир. Китобнинг асосий мавзусига ва унинг мазмунига ал-Форуқийнинг қўлёзма ҳошиясида қилган мулоҳазаларига мос келадиган баъзи тузатишлардан ташқари ҳеч қандай ўзгартириш киритмадим. Мен қўлёзмада мавжуд бўлган статистик маълумотларни янгилаб, уни ҳозирги вақтга мослаштирдим.

Ушбу муқаддима Исломни ичкаридан кўриб чиқиш бўлиб, ал-Форуқий томонидан Ислом ва динни ўрганишга унинг услубий ёндашувининг доирасида ёзилган. Ал-Форуқийнинг Исломни ўрганиш ва тақдим этишга бўлган ёндашуви учта усулга асосланади: дин тарихи, Исломга феноменологик муносабат ва Ислом нуқтаи назаридан динлараро мулоқотга махсус “форуқийлик” қараш.

Дин тарихини Яқин Шарқнинг қадимги тарихи ва ўша даврдаги матнларини тарихий танқидий ўрганиш ва билишга асосланган мусулмон нуқтаи назарининг таъсири остида кўриб чиқиб, ал-Форуқий миллатчилик бўлмаган *уруба* (*‘urūbah*)ни яратади, яъни бу якка худолилиқ дунёқараш сифатида ва мусулмон цивилизациясининг манбаи сифатида арабизм тушунчасини беради. Ал-Форуқий учун араблар якка худолилиқ ва *диннинг* яккахудолик тушунчаси асосчиларидир. Бу ўзини яҳудий, насроний ва мусулмон якка худолилиқ шаклларида ифодаланган Араб диний инсонпарварлиги шаклида, яъни Араб онгида динни намоён қилган.

*Уруба* бу Араб онгининг ажралмас қисми, бу динни яккахудолик идрок этиш асосида шаклланган арабларнинг дунёқарашидир. Араб ҳанифлари – яккахудолик ғоясини тарғиб қилган шахслар ва пайғамбарларнинг шеърӣ мулоҳазалари ва диний мушоҳадалари орқали *тавҳиднинг* пайдо бўлиши арабларни қабилавӣ маданиятдан жаҳон диний жамоасига айлантирган. Тавҳид арабларни бирлаштирган.

Ал-Форуқий барча араблар яккахудоликка ишонганлигини таъкидлаган: “Яқин Шарқда доимий ёки вақтинча яшаганларнинг ҳаммаси араблар эди. Уларнинг барчаси араблар ғурур билан ўзлари деб атайдиган меросга ўз хиссаларини қўшганлар”.<sup>1</sup> Ал-Форуқийнинг фикрича, араблар дин тарихида *тавҳид* ҳақидаги илоҳӣ хабарни тарқатувчилар бўлган.

---

1 Исмоил Рожи ал-Форуқий “*Уруба ва Дин*” (Амстердам: Жамбатан, 1962), 9-бет. Асл нусха: Isma’il al-Faruqī, ‘Urubah and Religion (Amsterdam: Djambatan, 1962), p. 9.

Ислом ва унинг цивилизациясини ўрганишда илғор ва замонавий илмий ёндашувдан фойдаланган ҳолда ал-Форукий *тавҳид* илоҳиёти, яъни Худонинг бирлиги билан тарихий ва мафкуравий жиҳатдан тенглаштирган дин тушунчасига мурожаат қилган. Ал-Форукийнинг “*Уруба ва Дин*” каби дастлабки асарлари шундан далолат беради. У ушбу китобда *уруба* араб бўлмаган миллатчилик тушунчаси нуқтаи назаридан талқин қилинган тақдирда, мусулмон диний онгининг ўзаги, унинг эътиқоди ва қадриятларини ўз ичига олади, деб таъкидлайди. Буни эса араблар ва араб бўлмаганлар яҳудийлик, христианлик ва Ислом каби яккахудолик динларга эътиқод қиладиганлар ҳам эътироф этганлар. Ислом дини ва цивилизациясига бўлган бундай ёндашув ушбу китобда қайта-қайта қўлланилган Исломга нисбатан мустаҳкам илмий ва жиддий ёндашувдир. Исломга нисбатан “форукийлик” қараши турли жуғрофий шароитларида тарихий учрашуви, маданий тажрибаси ва диний ижодкорлиги туфайли арабларнинг тавҳидга асосланган дин ҳақидаги қарашларини ўзлаштирган араб бўлмаган миллатчилик хусусиятлари йўқ бўлган мусулмонларни эсанкиратмаслиги керак. Шу тариқа улар Исломнинг бутун дунё бўйлаб умумбашарий цивилизация сифатида гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Дарҳақиқат, Ислом умумбашарий дин бўлиб, *тавҳид* ягона Худога бўлган ишонч эканлигини ва бу эътиқод арабларнинг жуғрофий жамоасининг мулки эмаслигини таъкидлайди. У миллатчилик ёки ирқчилик маъносида арабларга тегишли эмас. Худо *тавҳид* тушунчасини арабларга инсониятнинг ажралмас қисми сифатида тарихдан илгариги даврлардан бери мерос қилган ва улар Исломнинг пайдо бўлиши билан бу тушунчани бошқа барча халқлар билан баҳам кўришган. Исломдан олдин яҳудийлик ҳам, насронийлик ҳам *тавҳид* тушунчасини ўз ичига олган, аммо яҳудийлар уни ўз халқига мос қилиб, якка худолиликни миллатчилик мафкурасига айлантиришган. Христианлар *тавҳид* моҳияти ҳақидаги баҳсларда бўлиниб кетишган, бу Никейгача ва Никейдан



кейинги даврларнинг оталари<sup>2</sup> ҳамда Араб ва Ғарбий христиан жамоалари<sup>3</sup> иштирок этган христологик мунозараларда намоён бўлган.

Исломга феноменологик ёндашувни қабул қилган ҳолда, ал-Форукий Ислом ҳақидаги билимларни мусулмонларнинг маданий хурофотлари ва майллари доирасидан ташқарида кўрингандек тақдим этади. Шу маънода, ал-Форукий ал-Беруний (973-1048) ва ибн Ҳазм (994-1064) асарларида мавжуд бўлган дин феноменологиясининг аввалги мусулмон анъаналарига амал қилган ҳолда, ҳозирги даврдаги диннинг асосий мусулмон феноменологи бўлган, шунингдек, у уларнинг ёзувларига ғоят завқланган.

Ал-Форукий Ғарбда Ислом ва бошқа динлар ўртасидаги мулоқотнинг кашшофи ва фаол иштирокчиси бўлган. Ғарбда истиқомат қилувчи ва унинг фуқароси сифатида ал-Форукий 1960-йилларда Бутунжаҳон черковлар кенгаши ва Иккинчи Ватикан йиғилишининг ҳамкорлик ташаббусларидан кейин ривожланишнинг дастлабки босқичларида бўлган динлараро мулоқот ҳаракатида фаол иштирок этган. Ушбу китобда ал-Форукийнинг ақлий иштирокининг суҳбат тарзидаги жиҳати сезилади, чунки у Исломнинг маъноси ва хабарини кенг дунё ҳамжамиятига тақдим этади. Бу интилишда у мусулмон эпистемологиясини ўзгарувчан замонга мослаштиради.

Ал-Форукий *тавҳиднинг* Исломий диний тамойилининг мағзи ва унинг инсон ҳаёти, тафаккури ва амалиётининг турли жиҳатлари учун аҳамиятини янгича талқин қилиш ва таҳлил қилишга асос солган. Унинг академик билимга қўшган беҳад ҳиссаси сифат жиҳатиданасослаган ва Ислом ҳақидаги

---

2 Александр Робертс “Никейгача Оталар”. 10 жилд. (Хендриксон Паблишерс, 1994) Александр Робертс “Никей ва Никейдан кейинги Оталар”. (Хендриксон Паблишерс, 1994) В. Х. С. Френд “Христианликнинг пайдо бўлиши”. (Фортресс Пресс, 1986) Асл нусха: Alexander Roberts et al., The Ante-Nicene Fathers. 10 volumes (Hendrickson Publishers, 1994) Alexander Roberts et al., Nicene and Post-Nicene Fathers. 14 volumes. (Hendrickson Publishers, 1994) W. H. C. Frend, Rise of Christianity (Fortress Press, 1986)

3 Исмоил Рожи ал-Форукий “Уруба ва Дин”, 101-бет.

маълумотларни бугунги кунда ҳам долзарб бўлган янги ақлий босқичга кўтарган.

Ал-Форуқий дунё бўйлаб бир қанча Ислом университетларида университетдаги таълим даражасида фаолият юритадиган билимларни исломлаштириш мактаби деб номланувчи илмий мактабни қолдирган. Унинг билим мактаби, академик ёндашуви ва амалиёти дунёнинг турли университетларида дарс бераётган ва тадқиқот олиб бораётган юзлаб талабалари томонидан ҳам қўлланилади.

Устозим ал-Форуқий менга сингдирган илҳом шахсий ва илмий ҳаётимни шакллантиришда давом этмоқда. Ушбу китобни таҳрир қилиш ва янгилаш борасидаги кучларимни ўқитувчим ва устозимга бағишлайман. Қўлёзма устида ишлаётганимда ёнимда ал-Форуқийнинг борлиги доимо сезилиб турар эди.

Ҳаётлари ва фожиали вафотлари бизнинг хотирамиз, кундалик ҳаётимиз, фикримиз ва амалиётимизнинг бир қисмига айланган профессор ал-Форуқий ва унинг рафиқаси доктор Лоис Ламия Форуқийни (1926-1986) Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло\* раҳмат қилсин. Мен абадий уларнинг шогирди бўлиб қоламан.

ИМТИЁЗ ЮСУФ

ИСЛОМШУНОСЛИК ВА ДИНШУНОСЛИК ПРОФЕССОРИ

Фалсафа ва Дин олий мактаби.

УСПЕНИЕ УНИВЕРСИТЕТИ. БАНГКОК, ТАИЛАНД. (ASSUMPTION UNIVERSITY)

МАРТ, 2011

---

\* Субҳанаҳу ва таоло - Улуғвор ва олий. Кўпинча Аллоҳнинг исмини зикр қилгандан кейин қўлланилади.

## МУҚАДДИМА

Ислом вилодий VII асрда пайдо бўлганидан сўнг, қитъалар бўйлаб ҳайратланарли тезлик билан тарқалган. Унинг сиёсий қудрати дунёнинг иккита даҳшатли империясини Форс ва Византияни соясида қолдирган ва ағдариб ташлаган. Унинг диний баёноتلарининг ишончли мантиғи, такводорлиги ва ахлоқининг улуғвор иштиёқи, қонунчиликнинг прагматик самарадорлиги, биродарлигининг жозибадор кўп қирралилиги, издошларининг таъсирчан ғайрати ва сахийлиги – буларнинг барчаси миллионлаб одамларни қуролсизлантириб, уларни янги динга қўшилишига ишонтирган. Ислом минг йиллар давомида дунё қудрати сифатида, шунингдек, бойлик, юксак даражадаги цивилизация ва маданият жихатидан ҳам тенгсиз бўлган. Минг йиллар давомида у Европанинг ягона рақиби бўлиб, ушбу қитъани забт этишга деярли муваффақ бўлган. Европа муваффақиятсизлик билан тугаган ўнлаб салиб юришлари билан жавоб берган. Христиан дунёсининг яна бир кампанияси Испанияда бошланган ва муваффақият қозониб, Пиреней ярим оролида етти асрлик Исломий ҳукмронликни тугатган. Фақат ҳозирги замонда, яъни сўнгги икки асрда Европа мусулмон оламини босиб олиб, уни мустамлакачилик бўлиниши ва бошқарувига бўйсундира олган. Бироқ шундан кейин ҳам мустамлакачи ҳокимият томонидан насроний воситачиларни қўллаб-қувватлашига қарамай, Ислом дини Осиё ва Африкада, ҳатто христиан динидан тез суръатларда тарқалишда давом этган.

Қарама-қаршилик ва можароларнинг узоқ тарихи дин ва унинг издошларини ёмон томондан кўрсатиш учун мўлжалланган Ислом ҳақида чексиз миш-мишлар ва уйдирмаларни келтириб чиқарган. Ўзларидан фарқ қиладиган дин ва маданиятни тушунмаслиги билан бир қаторда, душманлик баёнотлари

кутулиш қийин бўлган туғма хурофотларга айланган. Шунинг учун Ислом ўрганувчиси ўз фикрининг очиклиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиши зарур. Бундан ташқари, агар у ўрганилаётган объектини қандай бўлса шундай тушунмоқчи бўлса, унга ҳамдард бўлишга интилиши керак.

Бундай интилишлар учун мукофот каттадир. Исломни дин сифатида чинакам тушуниш унинг ўрганувчисига ушбу яхудийлик ва насронийликни вужудга келтирган онг ривожланишининг кейинги босқичи эканлигини ошкор қилади. Шунингдек, унга Ислом маданият сифатида қадимги Юнонистон ва Рим билан тенг равишда сўнгги минг йилликдаги Ғарб цивилизациясининг манбаи эканлигини фош этади. Ўрганувчи Исломий антиклерикализм биринчи “протенстантлик” инқилоби эканлигини, Исломий мулоҳазакорлик биринчи “маориф” эканлигини, Исломий прагматизм биринчи “технократия” эканлигини, унинг уруш ва тинчлик қонунлари эса Ислом дунёсини “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг” биринчи намунасига айлантирганлигини очади. Исломга шу қадар чуқур назар ташлагандан сўнг, инсониятнинг олтидан бир қисми билан яқинлигини ҳис қилиш анча осонлашади. Бу яқинлик биринчи навбатда ўзаро тушуниш ва ўртоқликда намоён бўлади. Бу эса китобнинг ҳақиқий хабаридир.

Исмоил Рожи ал-Форуқий  
*ТЕМПЛ УНИВЕРСИТЕТИ*  
Филадельфия, Пенсильвания.

ТАХМИНАН 1975 й.

# 1-ҚИСМ

## Мусулмон ким экан?

САЙЁРАМИЗ аҳолиси 6,9 миллиард кишини ташкил этади, шундан 1,3 миллиард одам – мусулмонлардир. Иккала рақам ҳам тахминий, чунки аниқ статистика мавжуд эмас. Бироқ, бу рақамлар мантиқлидир: биринчиси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аниқлашларига асосланган бўлса, иккинчиси дунёнинг ҳар бир мамлакатадаги мусулмон аҳолисининг ҳисоблашларига асосланган. Шундай қилиб, ер юзидаги ҳар олтинчи эркак, аёл ва бола мусулмондир.

Мусулмонлар Ислом Конференцияси ташкилотига мансуб бўлган эллик етти мамлакатда аҳолининг аксарият қисмини тuzмоқда. Бундан ташқари, бошқа кўплаб давлатларда мусулмонлар муҳим озчиликдир. Бу ўлкаларга Ҳиндистон (161 миллион мусулмон), Хитой (22 миллион мусулмон) ва Россия (16 миллион мусулмон) киради. Мусулмон аҳолиси ҳатто камроқ сонларда бўлса-да, дунёнинг деярли барча мамлакатларда мавжуд.

Шимолий Америкада 8 миллионга яқин мусулмон бор, уларнинг аксарияти йирик шаҳарларда истиқомат қилади. Минглаб мусулмонларнинг уйи – Нью-Йорк, Чикаго, Детройт, Торонто, Монреаль, Лос-Анжелес, Филадельфия, Вашингтон ва Бостон. Американинг кўплаб шаҳарларида мусулмонлар Аллоҳга сиғинадиган масжидлар (арабча *масжид*; кўплик сон *масожд*) ёки ибодатхоналар қурилган. Америка масжидларининг энг каттаси ва чиройлиси Массачусетс авенюсида жойлашган Вашингтон Ислом Маркази масжидидир. Унинг қурилиши бир неча

мусулмон ҳукуматларининг ҳомийлигида амалга оширилган ва 1957-йилда яқунланган. Ҳар ҳафта унда олти минг мўмин жума намозини ўқийдилар.

Дунёдаги деярли ҳар бир этник гуруҳида мусулмонлар бор. Араб мусулмонлари (316 миллион киши) сон жиҳатидан рўйхат бошида бўлиб, кейин яваликлар (239 миллион киши), сўнгра бенгаллар (147 миллион киши), ундан кейин эса туронликлар (61 миллион киши), яъни Ўрта Осиё ва Онадўлидаги туркийзабон халқлар эргашдилар. Америкада қора танли одамлар алоҳида этник гуруҳни ташкил этса-да, дунёнинг қолган қисмида улар “этник” кенжа гуруҳларга бўлинган. Шунга қарамасдан, ер юзида 214 миллион африкалик мусулмонлар бор.

Мусулмон дунёси харитаси Африка ва Осиёнинг катта қисмини эгаллаган тўртбурчаклар шаклидаги майдондир. Ушбу ҳудуд Африканинг энг ғарбий нуқтаси Дакардан Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Шинжонгача чўзилади. Бу “тўртбурчакка” учта узун “бармоқ” бириктирилган, улардан бири Африканинг шарқий қирғоқлари бўйлаб, иккинчиси Шимолий Ҳиндистон дарёси текислари ёқалаб Бенгал кўрфазига етиб боради, учинчиси эса бутун Малай архипелаги бўйлаб, шу жумладан, Филиппин ва Янги Гвинеянинг бир қисмига чўзилади. Мусулмон олами майдони бўйича дунёдаги энг йирик давлатлардан бўлган иккитаси – Қозоғистон ва Суданни ўз ичига қамраб олади. Аҳолиси бўйича у дунёдаги энг зич жойлашган мамлакатлардан тўрттасини, яъни Индонезия, Покистон, Бангладеш ва Нигерияни ўз ичига олиб, уларнинг умумий аҳолиси 600 миллиондан ошади.

Мусулмонлар турли тилларда гаплашадилар. Араб тили 316 миллиондан ортиқ мусулмонларнинг она тили ҳисобланади. Иккинчи йирик гуруҳ ява тилида сўзлашувчилардир – тахминан 239 миллион киши. Кейингилари бенгал тили – 147 миллион, турк тили – 70 миллион, форс тили – 69 миллион ва Хауса гуруҳи тиллари – 35 миллион. Араб тили ҳам миллионлаб арабзабон бўлмаган халқлар учун *лингва франка* (хаммабоп аралаш тили) ҳисобланади. Барча мусулмонлар ўз

динларининг тили бўлгани учун маълум даражада араб тилида сўзлашади. Бу тил Ислом тафаккури ва маданиятининг биринчи тили бўлгани туфайли кўпчилик турли даражадаги маҳоратга эришдилар. Фақат араб тилида гапирадиган ва ёзадиган одам Дакардан Минданаогача бўлган мусулмон жамоаларининг узун жуғрофий камарининг ҳар қандай минтақасида ўз уйидагидек ҳис қилиши мумкин.

Мусулмонлар тўпланадиган барча жойларда, айниқса ибодатхоналарда намоён бўладиган араб хаттотлиги ва ислимий мусулмон дунёсининг яна бир муҳим ва сезиларли жиҳатини ташкил этади. Ушбу биноларнинг меъморий хусусиятлари бир хил даражада кенг тарқалган. Бу уларнинг ҳам ички киёфасига, масалан, деворларни Қуръон оятлари билан хаттотлик безашига, ҳам ташқи кўринишига, масалан, *муаззин* мўминларни кунига беш вақт намозга чақирадиган минораларга тааллуқлидир. Ушбу намозга чақириш Қуръонни қироат билан ўқиш билан бир қаторда мусулмон дунёсининг ҳамма жойларида учрайдиган акустик ҳодисадир. Албатта, унчалик кўзга ташланадиган бўлмаса-да, мусулмон дунёсини бирлаштирадиган бошқа хусусиятлар мавжуд. Улар оддий сайёҳ учун эмас, балки тадқиқотчига очилади.

Юқоридаги жиҳатлар мусулмонни тезда аниқлашга имкон берса-да, Ислом дини издошлари ташқи киёфаси билан жуда фарқ қилиши мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз кийимлари, урф-одатлари ва турмуш тарзига эга бўлган кўплаб маданий гуруҳларга бўлинган.

Мусулмон олами халқлари ўтмишда жуда ҳаракатчан бўлган. Ҳаммага нисбатан биродарлик муносабати, ирқий хурофот ва этник камситишнинг йўқлиги, мусулмон дунёсининг кенг тарқалган институтларининг бор эканлиги ва ҳ-золар бўлган. Шу сабабли, империянинг бир чеккасидан бошқасига бегоналашмасдан саёҳат қилиш имконияти пайдо бўлган. Ушбу ҳаракатчанликнинг бевосита натижаси шундаки, шаҳарлик мусулмонлар полиглотлардир. Антропологнинг наздида Работ, Триполи, Қоҳира, Дамашқ, Жидда, Бағдод, Техрон, Лохур,



Дехли ёки Жакартадаги кўча кафеларида ўтиришдан ортиқ завқ йўқ. Яқин атрофдан бир вақтнинг ўзида машиналар ва туялар ўтади. Ҳижобли аёлларни, мини юбка ёки сари, жинси ёки саронг кийган аёлларни кўриш мумкин. Шимолий турдаги кўк кўзли ва оқ танли одамлар, Ғарбий Африканинг ҳамит туридаги қора танли одамлар, хитойлар ва мўғуллар, ўрта бўйли малайлар ва дуркун афғонлар, сочнинг ўртасидан фарқ очиб юрган эркаклар ва ҳожидўппи ёки салла кийган эркаклар, Сэвил Роудан кийинган эркаклар ва узун тўнлардаги эркаклар ҳам бор. Бу одамларнинг ҳаммаси мусулмонлардир.

Худди шу хилма-хиллик Шимолий Америкада мусулмонларнинг мавжудлигини ажратиб туради. Ушбу қитъадаги мусулмонларнинг ярмини қора танлилар, аммо қолган ярмини европеоидлар, шу жумладан, бутун мусулмон дунёсидан келган муҳожирлар (ва уларнинг авлодлари) тузади. Этник ва маданий турларнинг хилма-хиллигини Шимолий Америка қитъасидаги асосий бошқарув мусулмон ташкилоти бўлган Шимолий Америка Ислом жамиятининг (Islamic Society of North America, ISNA) ҳар қандай йиғилишида кузатиш мумкин.

## Мусулмон бўлиш нимани англатади?

“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир” деган онгли равишда ва расман гувоҳлик берган вояга етган ҳар бир эркак ёки аёл ҳар қандай Ислом маҳкамаси томонидан мусулмон деб тан олинади. Шунга кўра, улар ушбу мақом билан боғлиқ бўлган барча имтиёз ва ҳуқуқларга эга бўладилар. Худди шу нарса Ислом қонунининг мусулмонларга нисбатан кўзда тутган мажбуриятларига ҳам тегишлидир. Инсоннинг Исломга мансублигини белгилайдиган ушбу ягона талабни бажариш мусулмонлар жамоасига кўшилиш учун зарур бўлган нарсадир. Қонун, шаҳодатни талаффуз қилган ва иккита ҳақиқатни, яъни Аллоҳ ягона Худо ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам\* унинг пайғамбари эканлигини тан олганига масъулият билан гувоҳлик берган одамдан унинг иймонини ва натижада Ислом қонунларига мувофиқ унга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни исботлаш учун бошқа ҳеч нарса талаб қилмайди.

Исломга мансубликни аниқлаш жуда осон ва унга эришиш жуда осон эканлигининг сабаби шундаки, Ислом на этноцентрик дини, на сирли ибодат динидир. Мусулмон бўлиш учун мусулмон бўлиб туғилиш шарт эмас, мусулмон ота-онаси ёки Ислом динига мансуб васийси ва маълум бир оила ёки этник гуруҳга мансуб бўлиши ҳам шарт эмас. Дунёда яшовчи ҳар қандай одам, агар истаса, фақат ўзи ва шахсий қарори орқали

---

\* Соллаллоҳу алайҳи васаллам (Sallā Allāhu ‘alayhi wa sallam) – Пайғамбаримизга мукамал ва бағамом салавоту дурудлар бўлсин. Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исми зикр қилинганда ҳар доим шундай дейилади.

мусулмон бўлиши мумкин. Исломга кириш ҳеч қандай сирли ибодатга кўшилиш, руҳонийларнинг бирон бир вакилининг иштирок этиши, шунингдек, ҳар қандай ташкилот томонидан ушбу ҳақиқатни тан олишни талаб қилмайди. Демак Исломга мансублик борасида барча кишилар мутлақо тенгдир: ҳар бир киши энг оддий талабларни бажарган ҳолда Ислом умматининг бир қисмига айланиши мумкин. Мусулмон ким эканлиги ва ким эмаслиги деган саволда олтин ўрта, икки маънолилик ёки кийинчиликлар йўқ.

Ҳар қандай кишининг ишончни қабул қилиш қарори Ислом дини учун қанчалик буюк бўлмасин, бу ҳаракатнинг ўзи ҳеч нарсага кафолат бермайди. У ҳеч қандай тарзда Худонинг назарида инсонни оқламайди. Исломда сирли ибодатлар йўқ. Шунинг учун, янги эътиқодни қабул қилган киши, агар унинг ҳаёти, масалан, ўша пайтда бирдан узилиб қолган бўлса, унинг нажотини ҳеч қандай тарзда кафолатлай олмайди. Шу муносабат билан Августиннинг иккита чақалоқ ҳақидаги кўрқинчли фикрлари эсга олинади, улардан бири вафотидан сўнг сувга чўмгани учун жаннатга тушади, иккинчиси эса сувга чўммагани учун дўзахга боради. Бу масалада Ислом учун иккиланиш йўқ. Исломга кўра, Худонинг наздида инсон ҳар қандай сирли ибодатда иштирок этиши билан эмас, балки унинг ишлари ва амаллари билан оқланади. Бироқ, инсоннинг оқланиши унинг Худога бўлган шахсий эътиқодининг оқибатими? Йўқ, деб жавоб беради Ислом. Иймон мусулмон жамоасига кириш учун зарур шартни назарда тутади. Аммо иймон шунчаки статистик хусусият, ижтимоий ўзини ўзи аниқлаш белгиси бўлиши мумкин. Бу эзгу ишлар ва тақводорликни келтириб чиқариши, ёки чиқармаслиги мумкин. Одамни оқлашнинг сабаби фақат бу амаллар бўлиши мумкин.

Кишилар фазилат ва тақводорлик миқёсида турли ўринларни эгаллайдилар. Бу миқёснинг ўзи чексиздир ва мусулмон ўз ҳаётида ўз мақомига мувофиқ унга жаннатни кафолатлайдиган мавқега эриша олмайди. Ҳамма жаннатга интилади, баъзилари эса бошқаларга қараганда кўпроқ ҳаракат қилади. Инсон бажа-

ришга мумкин бўлган амалларининг ҳеч бири Худонинг нажот фойдасига ёки унга қарши қарорини олдиндан белгилай олмайди. Худо энг буюк гуноҳкорни кечирishi мумкин, ёки унда иймони ва жиддий муносабати йўқлиги туфайли яхшилик қилувчига нажотни рад қилиши мумкин. Худди шундай, У ҳар қандай “сирли ибодатда” иштирок этиши туфайли ҳеч кимга ижобий ҳукм чиқаришни ният қилмайди. Бинобарин, мусулмон Ислом динига мансублигини расман тасдиқлаган ва келажак ҳаётини солиҳликка интилишга бағишлаган кишидир. Ислом қонунчилиги Исломга киришни ихтиро қилинган энг осон диний ўтишга айлантириш учун Исломга мансублигини оддий текширишни назарда тутди. Бироқ, бу соддалик дин қабул қилингандан кейин ҳидоятга айланадиган нажот шарти билан тўла мослашади. Бу шарт, табиатан ҳеч қачон тўлиқ қондирилмайди. Шу йўсинда, диний оқланиш мусулмоннинг абадий умидини ташкил қилади ва ҳеч қандай ҳолатда бир лаҳзага ҳам мағрурликка сабаб бўлмайди. Бас, мусулмон бу Илоҳ ягона Аллоҳ эканлигига ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг расули эканлигига ишонган инсондир. Бу унинг тантанали гувоҳлигидан далолат беради. Мусулмон Худо уни бир вақтнинг ўзида энг камтар ва мағрур мавжудотга айлантиради, деб ишонади. Худо олдида камтарликда, у мағрур пешонаси билан ерга тегиб, сажда қилади. Мусулмон учун Аллоҳ ягона Яратувчи, Берувчи, Ҳукмдор, Кечирувчи ва Ҳукм қилувчи, У ҳамма нарсанинг Бош сабаб ва Охири, Олий Зотдир. Аллоҳ иззат-икром ва мақтовга, миннатдорчилик ва сиғинишга сазовор Зот бўлиб, инсон бутун ҳаётини хизмат ва итоаткорликда бағишлайдиган Ягона Раббийдир. Мусулмон Аллоҳга содиқлик туфайли ўзини одамларнинг энг муносиби деб ҳис қилади. Худодан бошқа ҳеч нарса ва ҳеч ким унинг садоқатига, хизматига ва меҳнатига лойиқ эмас. Мусулмон бирон бир ҳукмдорга бўйсунма олмайди ва, албатта, ҳеч бир золимга бўйсунма олмайди, чунки у фақат битта Раббийга итоат қилади. Албатта, Исломнинг баъзи издошлари ҳукмдорлар ва золимларга бўйсундилар, аммо шу билан улар мусулмон бўлишнинг моҳиятини бузадилар. Аллоҳга итоаткор-

ликда мусулмон ўзини бутун инсоният билан тенглаштирадигани, уни ҳамма нарсанинг Яратувчисини бир хил даражада тан олишга мажбур деб ҳисоблайди. Мусулмон илоҳий Ҳокимга бўйсунадиган ҳар қандай одамга нисбатан энг чуқур биродарлик туйғусини ҳис қилади. Яратувчига келсак, инсон учун яратилишдан (махлуқдан) кўра кучлироқ ва кўпроқ мос келадиган нуқтаи назар ёки туркум, ҳеч қандай алоқалар ёки таърифлар бўлиши мумкин эмас. Бу жиҳатдан ҳамма одамлар мутлақо тенгдир.

Худди шундай, Худони Ягона Раббий сифатида тан олиш туфайли мусулмон кишилар орасидан ҳар қандай ҳукмдорларга қарши туриб, инсон эркинлигини ҳимоя қиладиган ўзига хос инқилобчидир. Унинг учун ширкдан ёки Аллоҳнинг тенг келадиган шериги бор деб билишдан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ. Агар бирор киши пулни, сексни, кучни ёки завқни Худодан ташқари Худо сифатида қабул қилса, бу, албатта, ёмон. Аммо Цезар ёки золим ўзини шунчалик баланд кўядики, у фуқаролардан мутлақ садоқатни талаб қилади (ва бундай садоқатга фақат Худо лойиқдир), бундай ҳукмдорга қарши кўзғолон ва унинг ағдарилиши мусулмон учун асосий диний вазифага айланади.

Мусулмон, Аллоҳ Таоло инсонни ва дунёни ҳазил учун эмас ва, шубҳасиз, беҳуда эмас, балки маълум бир мақсад учун яратганига ишонади. Бу мақсад шундаки, инсон ўз ахлоқий бурчини адо қилиши ва эзгу амаллар қилиши мумкин. Муқаддас Ислом битигида инсоннинг дунёдаги ҳаёти иштирокчиларнинг ҳар бири янада муносиб, олижаноб ва улуғвор ишларга интиладиган эркин мусобақа сифатида тасвирланган. Шунинг учун у одамни *халифа* ёки Худонинг ер юзидаги ўринбосари, яъни Худонинг номига ҳаракат қиладиган ва Унинг иродасини бажо келтирадиган деб атайдиган. Дунё Худо томонидан шундай яратилганки, у инсоннинг ушбу ахлоқий тақдирига мос келади. Дунё кишини ҳаракатга кўзғатади: унда яхшилик, ҳақиқат ва гўзаллик гавдаланиши мумкин.

Айнан шу мақсад мусулмоннинг ҳаётига мазмун беради. Бундан ташқари, ер юзида Худонинг иродасини бажарувчи, шу-

нингдек, макон ва замонда эзгулик ва қадрият тимсоли бўлиб хизмат қилишдан кўра муҳимроқ маъно бўлиши мумкин эмас. Бу мусулмоннинг мағрурлиги ва ўз қадрини билиш манбаидир. Аслини олганда, бу мақсад бошқа барча одамлар каби унинг учун ҳам ер юзида ахлоқий яхшилик амалга ошириладиган кўприк бўлиш умумжаҳон мақомни белгилайди. Ахлоқий яхшиликни рўёбга чиқариш мақсадига тўлиқ эркинлик билан, яъни уни амалга ошириш ва ахлоқий талабни бузиш тенг даражада мумкин бўлган шароитларда эришиш керак. Ер юзидаги барча мавжудотлардан фақат инсон бунга қодир.

*Халифа* ёки Худонинг ер юзидаги ўринбосари бўлиш оғир, шу билан бирга маъсулиятли юқдир. Биринчидан, ушбу мансаб томонидан қўйилган вазифа дунё миқёсидаги хусусиятга эга. Яратилишдаги ҳамма нарса такомиллаштириш объектидир. Бу шуни англатадики, вазифа Ернинг ҳар бир бурчагини бўлиши керак бўлган нарсага, яъни Жаннатга айлантиришни ўз ичига олади. Нафақат ўзини, ўз фарзандларини, энг яқин қариндошларини ёки ватандошларини, балки бутун инсониятни тарбиялаш ва ўзгартириш вазифаси ҳам мусулмоннинг зиммасига юкланади, десак тўғри бўлади. Мусулмон ҳар бир кишининг шахсий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун имкон яратиши лозим. Бинобарин, инсониятнинг барча муаммолари мусулмоннинг муаммоларидир. Бу муаммоларни қабул қилиш, уларни ҳал этишнинг маънавий жиҳатдан муносиб усулларини топиш ва уларни тарихда амалга ошириш мусулмон учун унинг бурчи, мақсади ҳамда ғурур талабидир. Ислом инсоннинг бу муаммоларга юзма-юз дуч келишини истайди. Ислом одамни Худо унинг хизматига яраша тақдирлашига инонтиради, шунингдек, У бу ишга ўзини қандай бағишлаганига тўғридан-тўғри муносиб равишда, яратилишнинг илоҳий мақсадига эришишда иштирок этиш ва муваффақиятга эришиш улушига кўра мукофотлайди ва бахт-саодат бахш этади, деб ишонтиради. Мақсад эса барча одамларнинг, халқларнинг, ҳамма нарсанинг умумий ва олий манфаатларидан иборат. Мусулмоннинг бутун ҳаёти Худога хизмат қилиш, яъни мустақил ўқиб билим орттириш ва

Ўзини тута билиш билан ўтиши керак. Унга хизмат қилиш, шунингдек, табиат қонунларидан фойдаланишни мумкин ва содда қилиш учун инсон томонидан очиб беришни ўз ичига олади. Ниҳоят, хизмат Худо томонидан белгиланган намунага кўра, Унинг иродасига мувофиқ яшаш, шунингдек, кишиларнинг ҳар бирига ва барча жонзотларга ушбу тарзда яшаш имкониятини беришдан иборат. Мусулмон ушбу ҳар бир табиий жараёнга инсоннинг эҳтиёжларига хизмат қилдириши ва унга қувонч келтириши учун аралашадиган шахс. Мусулмон ҳар кимга ўз салоҳиятини энг яхши тарзда ривожлантириш, Худонинг ўринбосари сифатида ўзининг олижаноб вазифасини амалга ошириш имкониятини бериш учун ер юзидаги ҳар бир кишининг ҳаётида қатнашади. Шак-шубҳасиз, Ислом йўлига эргашиш – хавф-хатарга тўла ҳаёт кечириш демакдир. Бироқ бу одам қодир бўлган энг юксак кутишлар билан, энг катта умид билан ва энг чуқур қувонч билан яшашни англади.

## Мусулмон нима учун мусулмондир?

АЛЛОҲ дунёнинг ягона Яратувчиси ва Раббийидир, У ҳамма нарсанинг Боши ва Охиридир. Одам Аллоҳнинг бандаси. Инсоннинг хизмати дунёни ва инсонни улар бўлиши керак бўлган нарсага айлантиришга интилишдир. Бу ишда муваффақият қозониш имконияти ҳақиқийдир. Инсоннинг фаровонлиги ва бахт-саодати унинг муваффақиятли яқунланишига боғлиқ. Бу Исломнинг воқеликка бўлган қарашидир. Ушбу нуқтаи назар асос ва далилларга эга, аммо у муаммолардан холи эмас.

Исломнинг биринчи ҳайратда қолдирадиган хусусияти шундаки, унинг қарашлари бутунлай ижобийдир. Афтидан, у яхши ишларни қилишни буюради ва инсон ахлоқий талабга бўйсунушига қодир ва унга риоя қилишига ишонади. Лекин киши табиатан тескари томонга, ёвузликка мойил эмасми? Унинг табиати гуноҳкор эмасми, бу Худонинг кўрсатмаларини эътиборсиз қолдиришдан ва ахлоқ амрларини бузишдан иборат эмасми? Одам яхши амаллар қилишдан олдин қутқарилиш ва нажотга муҳтож бўлган “тубанлашган” мавжудот эмасми?

Ислом бу саволларга қуйидагича жавоб беради: инсон табиатан ҳақиқатан ҳам гуноҳга, Аллоҳга бепарво бўлишга ва итоатсизликка мойилдир. Бироқ, табиатан у Худога бўйсунушига, яхши амалларга ва ахлоқий ҳаракатларга мойил эканлиги ҳам айнан ҳақиқатдир. Иккаласи ҳам мумкин ва инсон улардан бирини танлашга тенг даражада мойил. Киши яхшилик қилиш орқали ёмонлик қилиши ва аксинча, у ёки бу ҳаракатнинг қиймати ва аҳамияти тўғрисида янги ўлчов қўшади. Агар



бирор киши маълум бир йўлдан боришга мажбур бўлганида, танлов эркинлигига эга бўлмаганида, унда унинг ҳаракатлари на ахлоқий, на ахлоқсиз бўлар эди. Бундай ҳолда, ҳаракатлар фақат уларнинг моддий фойдаси ёки зарари билан баҳоланиши мумкин. Ҳеч ким умидсиз равишда бирон бир ҳаракатлар тарзига боғланмаган. Акс ҳолда, ақли расо инсон уни ахлоқ масаласида жавобгар деб ҳисобламайди.

Шундай қилиб, одам энди на “тубанлашган” на “қутқарилган”. У “тубанлашган” бўлмагани сабабли, унга халоскор керак эмас. Аммо у ҳали “қутқарилган” бўлмагани учун, у хоҳлаган “нажотни” қўлга киритиши мумкин бўлган яхши амаллар ва ахлоққа муҳтождир. Бундан ташқари, “нажот” атамаси бу ўринда мос келмайди. “Нажотга” муҳтож бўлиш учун одам бу вазиятдан чиқишга умид қилмасдан мутлақо қийин аҳволда бўлиши зарур. Айнан шу нарса инсонга керак эмас. Ахлоқий нуқтаи назардан инсон сира беқувват эмас, у ҳам яхшиликка, ҳам ёмонликка қобил бўлмаган нотавон қўғирчоқ эмас. У иккаласига ҳам қодир. Унинг мағрурлиги ва шони ўз ҳаракатлари билан ўзини “қутқариш” имкониятидадир. Ушбу имкониятни эътиборсиз қолдириш, ҳар қандай имконларни бой бериш инсон учун ўта ачинарли камчилик бўлади. Вазифадан онгли равишда воз кечиб, ёмонлик қилиш жазо ва лаънатга лойиқ бўлишни англатади.

Ислом инсон беғуноҳ туғилади, деб ўргатади ва у ўз қилмиши билан ўзини айбдор қилмагунча шундай бўлиб қолади. Ислом дини “асл гуноҳга” ишонмайди, унинг Китоби Одам Ато алайҳиссаломнинг итоатсизлигини унинг тавба қилган ва Худо уни кечирган шахсий хатоси, деб изоҳлайди.

Ислом инсонни зарурий ва муқаррар гуноҳ билан туғилган, деб эълон қилиш орқали уни руҳий тушқунликка солмайди. Бунинг ўрнига, Ислом уни Худо беҳуда ҳеч нарса қилмаслигига ва у ер юзидаги Аллоҳ Таолонинг ўринбосари – *халифаси* бўлишга лойиқ яратилганига ишонтиради. Худо кишига кўз ва қулоқларни, ҳис этиш, таъм ва ҳид сезишни, ўтқир юрак ва онгни, тасаввур ва хотирани ато қилди, буларнинг барчасини шахс бу-

тун яратилишдаги илоҳий тасвирни кашф этиш ва уни тушуниш учун берди. Худо одамни қандай бўлса, шундай, қаттиқ ушлайдиган бармоқлари, тез оёқлари, таранг мушаклари ва кучли суяклари билан яратган. Бунинг ёрдамида инсон керакли нарсаларни ишлаб чиқариши, тушуниши ва ихтиро қилиши мумкин. Аллоҳ кишини унинг таъсирига очик бўлган ер юзига жойлаштирдик, бу ерда у ўз мақсадларига эришиши мумкин. Ниҳоят, У инсонга бутун яратилиш устидан ҳокимият берди, чунки дунёдаги ҳамма нарса унга тан беради. Ҳатто Қуёш, Ой ва миллионлаган олисдаги юлдузлар ҳам битта мақсад учун – инсон манфаати учун яратилган. Исломи инсонни ерга оёқ қўймасдан олдин лаънатланган деб ҳисоблашдан бош тартади. Бунинг ўрнига, у инсон бу “мукамалликлар” ва ҳаёт билан ҳамда нарсалар устидан қудрат билан барака топишини ўргатади. Шунинг учун унинг ҳаётида илоҳий иродани рўёбга чиқариш кутилмоқда.

Бинобарин, Исломи Худо қурбонлик қилиш орқали инсон гуноҳларини ювиши керак эди деган фикрни рад этади. Бундай қараш Худога ҳам, одамга ҳам зарар етказадик, биринчисининг трансцендентлигини (яъни, ҳар қандай тажриба доирасидан ташқарида бўлганлик) ва иккинчисининг ахлоқий мақомидан шубҳа туғдиради. Исломи Исо алайҳиссаломни Худонинг пайғамбари деб ҳисоблайди. У бошқа пайғамбарлар сингари бир хил хабарни етказиши ва айнан шу аввалги кўрсатмаларидан адашган яҳудийлар жамоасини ислоҳ қилиши керак эди. Исломи унинг номидан ўргатилган нарсалар учун жавобгарликни Исо алайҳиссаломга эмас, балки насронийларга юклайди. Бироқ, христианлар тўғри йўлда эканликлари, айниқса, одамларни Худога топинишга ва яхши ишлар қилиш орқали Унга хизмат қилишга чақиришлари билан ишонтиришади. Бундан ташқари, Исломи насронийларнинг “хатосини” ваҳийнинг асл ва ҳақиқий матнларини йўқотиш билан тушунтиради. Уларнинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда, Исломи ўзи нозил қилган матнининг мутлақ тўлиқлиги ва ҳақиқийлигини сақлаб қолди, чунки у Аллоҳ томонидан юборилган ва фақат Аллоҳ унинг асровчиси ва васийсидир.

Агар барча пайғамбарлар бир хил хабарни етказишган бўлса, унда тарихдаги барча динлар қаердан пайдо бўлган? Ислом хабарларда ҳеч қандай фарқ бўлиши мумкин эмас, чунки уларнинг ягона манбаи Аллоҳдир, деб жавоб беради. Бундан ташқари, барча одамлар ўз яратилишида, яъни Худога нисбатан бир хилдир. Пайғамбарлар орқали етказилган ваҳий ҳар бир халқ учун унга ишониб топширилган ҳақиқат хазинасини ташкил этади, чунки Худо барча халқларга Ўз иродасини уларнинг тилларида эълон қилган. Асл хабардан четга чиқиш макон ва замон шароитидаги ўзгаришлар, бошқа халқлар маданиятини ўзлаштириш, шунингдек, одамий инжиқликлари ва эҳтирослари натижасида юзага келган. Ушбу жараённинг натижаси кўплаб динларнинг ваҳийнинг асл матнини сақламасдан пайдо бўлишида эди. Барча ваҳийлар худди ўшанинг ўзгинаси бўлиб, бир хил диний ва ахлоқий қоидаларни ўз ичига олган. Агар улар бирон бир маънода фарқ қилсалар, унда фақат ушбу асосий тамойилларни амалий қўллаш усули сифатида таклиф қилинган аниқ қўлланмаларда бўлиши мумкин эди. Уларнинг барчаси “нима” деган саволга бир хил, лекин “қандай қилиб” деган саволга турлича жавоб берадилар. Биринчи жавоб уларнинг моҳияти ва ўзаги бўлиб, ҳар томонлама абадий, иккинчиси эса тасодифий бўлиб, ваҳий нозил қилинган муайян ҳалқнинг тарихий шароитлари ва хусусиятларига боғлиқдир.

Абадий “нима” ҳар бир инсоннинг Худони тан олиш ва Унинг иродасини англаш, яхшилик ва ахлоқий муқаррарликда ифодаланган туғма қобилиятига мос келади. Гап, юқорида айтиб ўтганимиздек, шунчаки одамга сезги аъзолари ва онг бериш ҳақида эмас. Уларга қўшимча тарзда, барча кишиларга хос бўлган олтинчи ҳиссиёт – туғма соғлом фикр (*sensus communis*) ҳам бор, у туфайли кишиларнинг барчаси Худони идрок этишлари мумкин. Илоҳий нарсани тан олиш қобилияти инсонда туғилишидан бўлади. Динсиз одам йўқ, илоҳийсиз дин ҳам йўқ. Агар илоҳий инсонларга турли шаклларда тақдим этилган бўлса, бу уларнинг тарбияси, маданий ва диний мероси натижаси эди. Ҳар бир одамдаги илоҳийлик туйғуси уни

Аллоҳ Таоло борлигидан ва Унинг иродасидан ахлоқий талаб сифатида хабардор қилади. Бас, буларнинг барчаси Худонинг ҳамма инсонларни Унинг олдида тенг жавобгар деб ҳисоблаш учун бир нечта сабаблари борлигини исботлайди.

Бунинг тескариси ҳам тўғри – инсон бошқа одамларни ўзи билан тенг деб ҳисоблаши ва уларга тегишли муносабатда бўлиши керак. Ахлоқий жиҳатдан тўғри йўл тутиш, яъни Худонинг иродасини бажариш бутун инсониятга таъсир қилиши зарур. Албатта, яқинлик ва ҳаракатлар тартиби ҳақидаги мулоҳазалар одамни яхши амалларни уйда ва ўзидан бошлашга мажбур қилади. Аммо инсон бу заруратдан хабардор бўлса, Худонинг баъзи жонзотларини бошқалардан устун қўя олмайди. Кишилар ахлоқий ҳаракатларнинг субъекти бўладими ёки объект бўладими, уларнинг барчаси тенгдир, сабаби, улар Худо томонидан тенг даражада яратилган. Улар Худога хизмат қилишлари шарт бўлганининг сабаби уларнинг яратилиш хусусиятидир. Универсаллик Худо томонидан одамларга тайинлангандек, Худо томонидан берилган.

Ислом пайдо бўлган сомий халқларнинг оиласида яҳудийлар трансцендент ва ягона Худо ҳақидаги нозил қилинган таълимотини ажойиб тарзда сақлаб қолишган. Бироқ, Ислом яҳудийларни ушбу трансцендентликни нотўғри тушуниш учун жавобгар қилади – улар ўз халқи Худо билан Унинг бошқа жонзотлари У билан боғлиқ бўлмаган махсус тарзда боғланган деб ишонишган. Ислом яҳудийларни Худонинг ҳимоясида бўлиш нуктаи назаридан бошқа халқлардан устун қўядиган Худо томонидан танланганлиги ҳақидаги таълимотини қабул қилиб бўлмайдиган деб ҳисоблайди. Яҳудийлар, хатти-ҳаракатларидан қатъий назар, ўзларини Худонинг фарзандлари ва мумтозлар деб ҳисоблашган. Ислом буни қоралаш ва жазога лойиқ деб билган. Ислом ўзини Иброҳим, Яъқуб, Мусо ва Довуд алайҳиссаломнинг дини сифатида кўрган, чунки бу пайғамбарларнинг барчаси одамларга соф ва ҳақиқий шаклда ваҳий етказишган. Бинобарин, мусулмон ўзини яҳудийлар билан бир хил трансцендент Худога топинувчи ва хизматкор сифатида тенглаштир-

ган. Мусулмон ўзининг диний таълимотини этноцентризмдан, хусусан, Худо томонидан танланганлиги ва “саркит” ҳақидаги ақидалардан тозаланган яҳудийлик деб билган. Яҳудий ҳуқуқи ва ахлоқ қоидаларига келсак, Ислом Исо алайҳиссаломнинг ваҳийсини шу даражада тасдиқлаганки, у Мусо Қонуни атрофида яҳудий урф-одатлари билан ўралган харфхўрлик ва қонунийликни рад этган ва раввинлар томонидан унга қўшилган қонунлардан воз кечган.

Исломга мувофиқ диний ҳокимият фақат Худога тегишлидир. Золимлар қаттиқ жазоланади ва ҳар бир инсон истибоддан халос бўлишга мажбурдир. Демак, Худога борадиган йўл Худо томонидан яратилиши керак бўлган ягона талаб билан очик ва эркин йўл бўлиши лозим. Ислом шу билан руҳонийларни ва унинг барча буйруқ ва мансабларини рад этишни ўргатади. Ҳақиқатни ўргатиш, ёшларга раҳбарлик қилиш ва йўлдан озганларга кўрсатма бериш – бу вазифалар инсоният мавжуд экан бор бўлади. Бундан ташқари, улар барча одамларнинг зиммасига бирдек тушадиган умуминсоний бурчдир. Ушбу вазифаларни бажаришда обрў билим чўққисига эришган ҳар қандай одамга тегишли бўлиши мумкин, бу эса ўз навбатида ҳамма учун етиб бўладигандир. Кўп асрлик руҳонийларнинг Худо ва киши ўртасида воситачи сифатида истило қилиши Исломда ўз ниҳоясига етган. Худо кечирувчи, жазоловчи, ҳукм қилувчи Зот ва Раббий, руҳонийлар эса бундай эмаслар. Худо бу ваколатларни бирон бир жонзотга топширмайди, сабаби бу Унинг трансцендентлигини бузар эди, шунингдек, У одамларнинг ягона ҳукмдори ва ҳаками ролини йўқотишига олиб келар эди. Худо яқин ва ҳар бир инсоннинг дуосини эшитади. Унинг инсониятга бўлган раҳм-шафқати ва ғамхўрлиги билан бир қаторда қудратлилиги кишидан Унга бевосита мурожаат қилишни талаб қилмоқда. Худо тўраликка (бюрократияга) муҳтож эмас.

Руҳонийлар одатда сирли ибодатларни бажариш вазифасини рўёбга чиқаради. Ҳолбуки, худди яҳудийлик бундан олдин қилганидек, Ислом сирли ибодатларни инкор этади ва қоралайди. Сирли ибодат бу одамнинг дуоси Худога қаратилган маро-

сим ва руҳоний воситачилиги орқали одам жавобан оладиган илоҳий иноятнинг бир жиҳати. Ислом бу иккита йўлни нотўғри деб ҳисоблайди: инсоннинг дуоси ҳеч қандай воситачиларсиз Худога етиб боради, шунингдек, илоҳий кучнинг ёки илоҳийликнинг ҳеч бир қисми Унинг трансцендентлигига таҳдидсиз бирон жойга кирмайди. Худонинг муқаддаслиги, маҳкамлиги ва қудрати фақат Унга тегишлидир. Уларни бирон бир жонзотга тарқатиш мумкин эмас, чунки Яратувчи ва мавжудот ҳеч қачон аралашмайдиган икки хил зот турини ифодалайди. Фақат ҳаётнинг ўзи ягона сирли ибодат, дейиш жоиз бўлади, чунки Худо ҳаёт манбаидир, инсон ҳаёти эса Худога ҳамду санолар мадҳияси, Унинг буйруқларини адо этиш, Унга “қайтишнинг” бир туридир. Бирок, бу ҳатто сирли ибодатни илоҳийликнинг парчаланиши ва тарқалиши сифатида идрок этишнинг тугашини англатади. Руҳонийларни йўқ қилиш билан диний рутбани бериш сирли ибодати ўз заруриятини йўқотади. Ўз навбатида, сирли ибодатлар бўлмаган тақдирда, руҳонийлар ҳам керак эмас. Агар асл гуноҳ бўлмаса, унда чўкинтириш ҳам керак эмас. Худо одамларнинг ишларини бевосита бошқарар экан, Унга сиғинувчи, Унга шукр қилган, Унга тавба қилувчи, Ундан илтижо қилиб сўраган бандалари тўғридан-тўғри Унинг илоҳий ҳузурига мурожаат қилишлари мумкин.

Дарҳақиқат, фақат Худо Раббийдир ва У ягона Раббийдир. Ҳукм қилувчи фақат Худодир ва У ҳамма нарсани билувчидир – Унинг куч-қудратидан ҳеч нарса қочиб қутула олмайди. Ҳеч бир инсон Унинг куч-қудратини тақсимлашга кодир эмас. Кишининг бутун ҳаёти ёки унинг ҳар қандай қилмишига ҳукм чиқариш одамга берилган эмас, балки Худонинг алоҳида ҳуқуқидир. Қиёмат кунида ҳар кимнинг савоби ёки жазоси ўлчанадиган пайти инсон ҳаётининг натижасидир. Исломнинг фикрига кўра, “бошқа дунё” ёки “бошқа шоҳлик” инсон ҳаётининг фақат шундай яқунланишини англатади. Бу бизнинг дунё-мизни сиқиб чиқариш ва унинг барча камчиликлари ва нуқсонларидан халос бўлиш учун яратилган тубдан фарқ қиладиган дунёни, бошқа макон ва замонни кўзда тутмайди. Яхудийлик

зардуштийликдан бизнинг дунёмизда абадий йўқолган ва эришиб бўлмайдиган мутлақ яхшилик бошқа дунёда ўрнатилади деган қарашни мерос қилиб олган. Бу Довуд Шоҳлиги Худонинг Шоҳлиги бўлганлиги ва охир замонда Худо уни фожиали тарзда қайта тиклаш учун Масихни юборади деган тушунчага асосланади. Христианлик ҳам бу йўлга эргашган, лекин у янада ривожланган. Бу олам абадий кулаб тушган ва бузилган дунё, шунинг учун у мутлақ яхшилик амалга ошириладиган воқелик бўлиши мумкин эмас, деб таъкидланган эди. У бошқа дунёни бизникига беками-кўст ўрнини босувчи сифатида тасаввур қилиб, у ерда “нажот топганлар” ширинлик, қувонч ва бахтдан бошқа ҳеч нарсага дуч келмайди. Ислом инсоннинг ўзига ва бу дунёга бўлган ишончини йўқ қиладиган сифатида иккала фикрни рад этади. Инсон ва дунёнинг беғуборлиги ва эзгулигини яна бир бор таъкидлаган ҳолда, Ислом бу дунёда мутлакни амалга ошириш нафақат мумкин, балки бу ерда ва ҳозирда ҳар бир эркак ва аёлнинг зарурати ва бурчидир, деб ўргатган. Ислом инсониятни бизникидан бошқа дунё йўқлиги, бизникидан бошқа макон ва замон йўқлиги, инсоннинг барча бурчлари ва умидлари умуман амалга ошадиган бўлган тақдирда, бу дунёда амалга ошиши кераклигини огоҳлантирган.

Бизнинг мусулмон дунёмиз Худонинг дунёси, агар инсон ўз бурчини бажарса ва илоҳий даъватга итоаткорлик билан жавоб берса, хомхаёл (утопия) мужассамланиши мумкин бўлган Шоҳлик эканлигига ишонади. Худо кишининг яхши амаллар қилишини хоҳлайди, бу эса, ўз навбатида, бу дунёни беками-кўст оламига айлантиради. Яратилишнинг мақсади бошиданоқ шундай бўлиб, дунё ағдарилиб тушиш ёки бу йўлдан четга чиқиш муҳайё қилиб қўйилмаган эди. Ислом бошқа дунё қандайдир “бошқача дунё” эмас, деб ҳисоблайди. У бизнинг дунёмизга ўрнини олувчи олам эмас, балки биз бу дунёни ўзгартиришга ҳаракат қилдикми ва муваффақиятга эришдикми, деган ҳукм чиқариш. Бошқа дунё бизникидан фарқ қилади ва шунинг учун “бошқача” бўлади. У бизнинг умидсизликларимиз ва маҳрумликларимиз бекор қилингани учун эмас, балки у трансцендент

бўлгани учун, яъни бу макон ва бу замон ташқарида бўлгани учун бошқачадир. Бироқ, бу “дунё” деб аталадиган эмас. Бу янги ўлчов эмас ва қайғулар қувонч билан алмаштириладиган бу дунёнинг нусхаси эмасдир. Бошқа дунё бу инсон устидан хукмини ижро қилишига айланадиган савоб ёки жазо маъносидаги Жаннат ёки Дўзахдир.

Исломга кўра, фақат шундай қараш бу дунёга садоқат билан мос келади. Акс ҳолда, дунё шунчаки кўприк, яъни биз вақтинчалик одамлар бўлган, мақсадлари на бу ердаги ҳаётни ва на қурилишни ўз ичига олган, фақат нариги қирғоққа етиб боришни ўзига қамраб олган кечув бўлар эди. Бундай қараш ушбу дунёни инкор этишни назарда тутаяди. Ислом, аксинча, бу дунё ягона, деб уни қабул қилади. Биз ё тўғри иш қилсак муваффақиятга эришамиз ёки нотўғри иш қилиб, муваффақиятсизликка дуч келамиз. Биз эркин ва масъулмиз, демак, бу дунёда қилган ҳар бир амалимиз охир-оқибат бизнинг фойдамизга ёки бизга қарши бўлади. Бу дунёнинг охири бўладиган Қиёмат кунинда биз ўзимизга муносиб бўлган нарсани – бахт-саодатни ёки абадий азобни оламиз. Тақводорлик ва ахлоқ, яъни Аллоҳга итоаткорлик, бу дунёда икки сабабга кўра бизнинг танловимиз бўлиши зарур: биринчидан, улар бизга бахт келтиради ва ҳаётимиздаги хомхаёлни (утопия) рўёбга чиқадиган сифатида эътироф қилади; иккинчидан, улар Худога бўйсуннишни билдирганлиги сабабли, бизга бир вақтнинг ўзида Қиёмат кунидан кейин бахт-саодатни кафолатлайдилар. Шу боис, мусулмонлар фикрича, Ислом инсонга бирданига икки хил бахтга – бу дунё бахтига ҳам, охиратдаги бахтга ҳам эришиш имконини беради. (Қуръон, 2:201)



## **Қачондан бошлаб кимдир ўзини мусулмон деб ҳисоблай бошлади?**

ИСЛОМ жаҳон диний ҳаракати сифатида милодий VII асрнинг биринчи ўн йиллигида Арабистоннинг Макка шаҳрида пайдо бўлган. Ислом таълимотини Қурайш қабиласидан чиққан Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ваъз этган. У етук ёшида, 40 ёшга кирганида, Худо фаришта Жаброил алайҳиссаломнинг воситачилиги орқали унга туширган ваҳийларни қабул қила бошлади. Бу ваҳий Худо ҳақида ваҳий эмас, балки Худо нозил қилган ваҳий бўлган эди. У араб тилида мукаммал ва бенуқсон шаклда ифодаланган Унинг иродаси ёки буйруқлари ҳақида хабарни ўз ичига олган эди. Ваҳий қисмлаб нозил бўлган эди. Баъзан у қийин вазиятни ҳал этиш ёки бартараф қилиш ёки мазкур шароитларда йўл-йўриқ сифатида нозил қилинган. Баъзида у кофирларнинг, шунингдек, Арабистонда ва қўшни мамлакатларда кўп бўлган яҳудийлар ва насронийларнинг мавжудлиги билан боғлиқ кенг диний мазмун сифатида нозил бўлган. Аввали Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзи бу воқеа юз берганига ишонмади ва уни пуч хаёл, шайтоний васвасага мубтало бўлиш деб ҳисоблади. Бироқ, ваҳийлар давом этди ва У ҳақиқатан ҳам Худо уни янги иймонни воизлик қилишни бошлашга чақираётганига амин бўлди.

Янги динни қабул қилганлардан биринчиси Муҳаммаднинг завжаси бўлган, унинг эрига содиқлиги Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзи Пайғамбар эканлигини англаб етмасдан олдин уни муслима аёл қилган. Кейин бу динни

Муҳаммаднинг бошқа қариндошлари ва унинг дўстлари қабул қилиб, жамиятнинг ўзаги шаклланган. Ўша пайтда Муҳаммаднинг Ислом ҳақидаги сўзлари арабларнинг кулоқларига кирмаганлар. Уларнинг анъанавий эътиқоди Худонинг бирлиги ва трансцендентлиги билан бир қаторда Қиёмат кунини инкор этган, шунингдек, улар ўз ҳаётларини ҳарбий (мардонавор) кадриятларга, материалистик ва гедонизмга оид ғояларга асослаганлар. Аввалига улар шунчаки янги дин ҳақида нафрат билан гапиришган, лекин Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва унинг саҳобалари ўзларининг фикрида қатъий туришгандан кейин муҳолифлар бузғунчилик фаолиятини, оммавий ҳақорат ва таъқибларини бошлаганлар. Ривожланаётган жамият ўз бошига тушган синовларга қатъият ва сабр-тоқат билан дош берган ва ўсишда давом этган. Маккадаги араб маъмурлар тез орада, диний, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ўз мартабаларини ва Макка мавқеини сақлаб қолишни истаб, пайдо бўлган мусулмон жамоасига қарши оммавий урушдан бошқа иложи йўқлигига иқрор бўлишган. Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга катта бойлик, шунингдек, Маккада ҳукмронлик қилиш эвазига, таниқли табиблар томонидан унга “телбалик” берилишини таклиф қилганлар. Лекин у рад этганлар. Кейин улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мансуб бўлган ва мусулмонларнинг хавфсизлиги боғлиқ бўлган Ҳошимийларнинг қабилавий бирлашганлигини йўқ қилишга ҳаракат қилишган. Улар Пайғамбарнинг амакиси ва шахсий ҳимоячиси, Ҳошимийлар оқсоқоли, мусулмон бўлмаган Абу Толибга мурожаат қилиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни уруғдан чиқаришни талаб қилганлар. Кексайган амаки Муҳаммаддан уруғ энди бардош бера олмайдиган зарар етказишни тўхтатишни илтижо қилиб сўраган эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: “Аллоҳга қасам, бу одамлар куёшни ўнг, ойни эса чап қўлимга беришса ҳам, мен бу йўлимдан қайтмайман!” Ушбу уриниш ҳам муваффақиятсиз тугагач, Маккаликлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга суиқасд қилиш учун фитна уюштира бошладилар.

Хавфни сезган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам динни қабул қилган Мадиналик мусулмонлар билан шартнома туздилар. Заруриятга қараб, улар унга ва унинг издошларига хавфсизликни таъминлашлари керак эди. Хавф яқинлашар экан, у душманларига панд бериб, Маккадан Мадинага кўчдилар. Мадина мусулмонлари жамоаси Расулulloҳнинг маслаҳати билан бирин-кетин Мадинага ҳижрат қилган Маккалик муҳожирлар билан кучайиб кетган. Мадинада хавф йўқолгани йўқ, аксинча, у янада кўрқинчлироқ тус олган эди. Макка ва Мадина ўртасида уруш бошланиб, унда атрофдаги барча қабилалар ҳам иштирок этган, чунки иккала томон ҳам уларни ўз томонларига жалб қилишга интилган.

Мадинага келганидан сўнг, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам барча қабилаларнинг мусулмонларини, шу жумладан, Мадина яҳудийларини ҳам ягона жамоага бирлаштирганлар. Биринчи Исломий сиёсий бирлик шу тарзда пайдо бўлган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам унга асосий қонунларни ўрнатиб, бошқариш жиловини ўз қўлига олганлар. Ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишга ёрдам берувчи ваҳийлар унга тушишга давом этган. Макка билан уруш кичик тўқнашувлар билан бошланди, аммо тез орада иккита йирик жанг бўлиб ўтди. Ҳар бир томон битта ғалабани қўлга киритган, лекин на Маккаликлар, на Мадиналиклар душманни тўлиқ мағлуб эта олмаганлар ва можарони тугата олмаганлар. Кейин сулҳ тузилган, унинг давомида Исломи минглаб янги издошларни ўз томонига жалб қилган. Макка иттифоқчилари сулҳни бузгач, мусулмонлар сафарбарлик ҳолатига келиб, Маккани жангсиз эгаллаб олишган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мурувват қилиб, Маккаликларни кечирганлар – улар эса оммавий равишда Исломи қабул қилишган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, Иброҳим ва унинг ўғли Исмоил алайҳиссалом томонидан ягона Аллоҳга сажда қилиш учун қурилган, аммо ўша вақтда бутлар билан тўлиб-тошган зиёратгоҳ, Каъбага кирганлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бутларни ва худоларнинг тасвирларини йўқ қилиб, Ху-

донинг илоҳий уйини тозалаганлар ва қайта муқаддаслаштирганлар.

Бунинг ортидан Арабистоннинг бошқа барча қабилаларига Исломни олиб келиш учун мўлжалланган бирин-кетин кампаниялар бошланган. Кўпчилик ўзларини бутпараст Макка кучидан озод бўлиб, Ислом даъватига виждонан жавоб бера олишган. Улар ихтиёрий равишда Ислом сафига қўшилганлар. Бошқалар Макка раҳбарлигисиз ҳам унга қарши курашишга тайёр бўлганлар – уларни куч билан забт этиш керак эди. Бироқ, динни қабул қилганлар орасида Араб бутпарастлигига мансуб бўлмаганлар ҳам бор эди. Араб насронийлари ва яхудиylари ҳам сезиларли миқдорда Исломни қабул қилишган. Бироқ, Исломни қабул қилишдан бош тортган ва ўз иймонлари бағрида мустаҳкам қолган одамларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилмаган. Аксинча, Қуръоннинг илоҳий низомига мувофиқ ҳаракат қилиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам насронийлик, яхудийлик ва собийлар динини нозил қилинган ва ҳақиқий ёки жоиз деб тан олганлар. У уларнинг издошларига биродарлик билан муомала қилиб, динини, маданиятини, урф-одатларини ва мусулмон бўлмаган ўзига хослигини сақлаб қолишни тақиқламасдан, уларни Ислом давлатига қўшиб қўйганлар. Ислом Давлати уларнинг ҳимоячиси бўлган. Улар ўз мактаблари, ибодатхоналари, судлари ва раҳбарлари билан мухтор бирликлар ва бир бутун жамоалар сифатида диний, маданий ва ҳуқуқий жиҳатдан унинг паноҳида яшашган. Бироқ, бутун Арабистон милодий 632-йилда, Мадинага ҳижратидан 10 йил ўтгач, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганида қайғу билан бирлашдилар. Ҳамма Аллоҳнинг хабарини бутун дунё бўйлаб тарқатишга тайёр бўлган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша пайтдаги дунё раҳбарларига Исломни қабул қилишга ёки агар хоҳласалар, ўз динларини сақлаб қолишга, лекин одамларнинг эркин ҳаракатланиши, ғояларнинг эркинлиги ва очик савдо тамойиллари асосида қурилган янги Ислом дунёси тартибига қўшилишга даъват билан хабарчилар юборишга муваффақ бўлганлар.

Баъзилар дўстлик ва хуш кўриш билан, бошқалари эса хабарчиларни ўлдириш билан жавоб беришган.

Кейинги юз йил ичида дунё инсоният тарихидаги энг ажойиб фатҳларга гувоҳ бўлди. Мусулмонлар Шимолий Африка бўйлаб ғолибона юришдан сўнг Испанияни забт этиб, Францияга етиб келишган. Улар Форс империясини яшин тезлигида босиб олганидан кейин Ўрта Осиёга ва Шарқдаги Ҳинд дарёсига етиб келганлар. Ўша даврнинг энг буюк икки империяси – Форс ва Византия қулаган. Бироқ, кўп асрлар давомида Византия диний можаролари туфайли парчаланиб кетган насронийларни, шунингдек, табақавий тенгсизлик ва ўта адолатсиз ижтимоий ва диний тузумдан азият чеккан форсларни янги Исломиё дунёқараши қанчалик ўзига жалб қилгани янада ажойиб эди. Бир авлод ҳаёти давомида миллионлаб эркаклар ва аёллар Исломга кўшилишган.

Исломнинг жозибадорлиги унинг диний даъволарининг асослилиги ва мантиқийлигидадир. Дунё Ёлғиз ва Ягона Трансцендент Зот – Худо томонидан яратилган бўлиб, унга Ўз нақш-ни жорий қилган ва шу билан уни тартибли космосга айлантирган. Аллоҳ инсонни ҳам ақлли, эркин ва масъул қилиб яратган. Ўз қобилиятидан фойдаланиб, инсон бутун дунёда яхшиликка, барча одамлар учун тенглик ва биродарликка эришиши мумкин. Ҳамма одамлар тенгдир, демак, бидъат, динда мажбурлаш, шунингдек, бир халқнинг бошқаси томонидан мустамлакаси бўлмаслиги керак. Худо кишининг ўзини ўлдиришини хоҳламайди, унинг зоҳид ёки роҳиб ҳаётини кечиршини истамайди. Аксинча, инсон ҳаёти мўл-кўл, бахт ва қувончга тўла бўлиши зарур, лекин шу билан бирга, покликнинг, Худога садоқатнинг, адолат ва виждонлилиқнинг, севги ва биродарликнинг ахлоқий қонунларини амалга ошириши лозим. Инсонга Унинг ерида Худога хизмат қилиш, бу ерни жиҳозлаш ва уни унумдор қилиш насиб қилган. Дунё мўл-кўл бўлиб, инсоний идеалистик қарашларини рўёбга чиқариши мумкин. Буни амалга ошириш ва сабот-матонат кўрсатиш – бу дунёда ҳам, Қиёмат кунида ҳам ўзига муваффақият ва бахтни кафолатлашни англатади. Ба-

восита гуноҳ ва бавосита айб, билвосита азоб, билвосита жазо, бавосита мукофот ва билвосита нажот йўқ ва мумкин эмас. Ажр ёки жазо, ҳар бир жон ўз амалларига кўра ўзига муносиб бўлган нарсани олади. Мусулмонлар ҳақиқатан ҳам ўз дини доирасида ўргатганидек ҳаракат қилганликлари бутун дунё бўйлаб Исломи даъват томошабинларини курулсизлантирган ва уларнинг қалбларини забт этган. Ҳеч қандай ҳардамхаёллик, иккиланиш, иккиюзламалик ёки яширин ирқий камситиш бўлмаган. Мусулмонлар, бошқа мамлакатлар аҳолиси Иломни қабул қилишдан олдин ҳам, улар билан бажонидил турмуш қуришган, бу эса мағлуб бўлганларнинг мақомини бир зумда ғолибларнинг қариндошлари мавқеига ўзгартирган. Мусулмон рационализи ва прагматизмида деярли ҳеч қандай чекловлар бўлмаган: мусулмонлар билим ва доноликка интилишганлиги сабабли уялиш ва такаббурликсиз мусулмон бўлмаган донишмандга мурожаат қилишлари мумкин эди. Хусусан, улар Илом дини одамга ҳақиқатан ҳам бу ҳаётда ҳам, охиратда ҳам бахт-саодат беришини исботлашни истаб, ўз иймонларининг ҳақиқатини намоёиш этишга интилоқчи бўлганлар. (Қуръон, 2:201)

Мусулмонларнинг ушбу икки турдаги бахтга бўлган эҳтиросли интилиш ҳаёт донишмандлиги ва муваффақиятга, шунингдек, ахлоқий фаровонликка олиб келди. Илом илм-фани, муҳандислик, санъат ва адабиёт жадал ривожлана бошлаган, Илом империяси гуллаб-яшнаган ва уларнинг ахлоқий обрўси умуман бенуқсон бўлиб қолган эди. Буларнинг барчаси мусулмон бўлмаганларнинг қалбида Илом дини издошларига чуқур ҳурмат ва ҳайрат туйғусини, шунингдек, улардан афзал бўлиб чиқиш ёки уларга қўшилиш истагини уйғотган. Дини бошқа киши Иломга қўшилиш қарорини билдирганида, унинг мақоми ёки келиб чиқиши қанчалик паст бўлмасин, у дарҳол мусулмонлар жамоатида энг юқори даражага кўтарилган, барча иймонлилар учун биродар деб эълон қилинган, улар билан никоҳдан ўтиш имкониятига эга бўлган ва иймонлиларнинг ҳақиқий биродарлигида кучоқ очиб кутиб олинган эди. Айнан шу сабабларга кўра жизядан (ЖИЗЯ – жон солиғи) – дастлаб

араб халифалигида кейинчалик бошқа, мусулмон давлатларида мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиғи. Давлат мусулмон бўлмаган фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиши, уларни ташқи ва ички тажовузлардан сақлаши лозим бўлган. Шунинг эвазига улардан Жизя ундирилган. Жизя ба-лоғатга етганларга солинган) келадиган даромадлар фатҳдан кейинги дастлабки эллик йил ичида миллионлаб динорлардан арзимас миқдоргача камайиб кетди. Дини бошқа кишилар ҳам оммавий равишда Исломни қабул қила бошлаганлар.

Ислом империясининг баҳори ва ёзи беш юз йил давом этган, бу даврда мусулмонлар дунёнинг барча соҳаларида – астрономиядан зираворлар ишлаб чиқаришгача олдинда бўлганлар. Улар янги ерларни кашф этганлар ва янги билим соҳаларини яратишган. Шу билан бирга, уларнинг куч-қуввати сарфланган ва кўплаб соҳаларда пасайиш бошланган эди. Ички тарқоқлик мусулмонларни душманлар олдида заифлаштирган. Шахсиятпарастлик ва шахсий нажот учун бўлган ташвиш давлат ва жамиятнинг ички жипслигини заифлаштирган. Тасаввуфчиларнинг гностицизм (руҳий сирларни билиш) шаклида маънавий фаровонликни нотўғри тушунтириши мусулмоннинг аклий қобилиятини сусайтирган, уни эмпирик (тажриба йўли билан) ва прагматик (амалий) фикрлаш қобилиятидан маҳрум қилган, уни *шайх*, *пир* ёки қария-мутасаввифнинг махфий инжиқликлари асирига айлантирган.

Шу вақтнинг ўзида, бутун дунёга қарши тарихдаги энг катта қирғин (қирши) Ўрта Осиё мўғуллари томонидан бошланган. Афсуски, Ислом империяси қаттиқ жазаваси тутган қўшинлар йўлидаги биринчи тўсиқ бўлган. Улар мусулмон давлатига ғазаб ва олов билан ҳужум қилиб, шаҳар кетидан шаҳарни ер юзидан ўчириб юборганлар, вилоятларни харобазорга айлантиришган. Шу билан бирга Европалик салибчилар империяга Ғарбдан ҳужум қилганлар. Мусулмонлар салибчилар ҳужумларини даф қилишга, мўғулларни Исломга айлантиришга ва уйга қайтишни истамаган барча босқинчиларга ўз маданиятини сингдиришга муваффақ бўлишган бўлса-да, аксарият мусулмонлар ўз ди-

нини йўқ қилиш кўркуви туфайли консерватив бўлиб қолишган ва “абадият” ҳақидаги ташвишлари сабабли тарихда иштирок этишдан воз кечганлар. XIV асрнинг бошларида Европаликлар томонидан Испаниянинг қайтиши муқаррар бўлиб қолган экан, Шарқдан келган собиқ босқинчиларнинг исломийлашган қатлами ҳали ҳам куч-қувватга тўлиб, вайрон бўлган империяни қайта тиклаш учун кураш олиб боришган. Бир авлод ичида империя оёққа турди ва Европа Испания орқали ҳаракат қилганидек, яна Европага қараб ҳужум қилган. Мусулмонлар Онадўлини босиб олдилар ва 1458-йилда Константинопол қулади. Европа Испанияни қўлга киритгандан кейин тўхтаган, аммо мусулмонлар тўхтамаганлар ва давом этишган. Бир аср ўтгач, мусулмонлар ўша пайтгача улар орасидаги барча ҳудудларни, шунингдек, бутун Кавказни, Россиянинг жанубий қисмини ва Польшани эгаллаб олиб, Венани қуршаб олганлар.

Тасаввуф касаллиги икки-уч аср давомида тўхтаб турган, аммо у йўқ қилинмаган. Янги империя унинг учун осон ўлжа бўлиб, ички ва ташқи заифликнинг эски драмаси яна такрорланган. Европа нафақат тикланган, балки шу қадар кучли бўлганки, у мусулмонларни ўз ҳудудларидан қувиб чиқарган. (Албания, Югославия ва бошқа Болқон давлатларидаги мусулмон жамоалари бундан мустасно) Европа қўшинлари Марказий Арабистон ва Ямандан ташқари бутун мусулмон дунёсини эгаллаб, уни қисмларга ажратган. Мусулмон дунёси, қаердадир бир аср, қаердадир уч аср чўзилган мустамлака ҳукмронлиги юки остида нола қилган.

Ўтган даврларда бўлгани каби, Арабистоннинг қоқ марказида ҳам ислоҳот ва қайта туғилиш шамоли тебранган эди. Чўлдан тасаввуфдан воз кечиб, цивилизация ҳаёти ва равнақини биринчи ўринга қўядиган соф Ислому қарашларига қайтиш даъватлар янграган эди. Мусулмон дунёси Исломию жамиятни тозалаш ва тиклашга қаратилган бир қатор ҳаракатлар билан жавоб берган. Мустамлакачи Европа уларни тўхтатиш учун сафарбар қилинганда, бу ҳаракатлар тез орада сиёсий бўлиб қолган. Бир зумда иккита қарама-қарши томон шаклланган. Улар-



дан бири ўз мустамлакаларида насронийликни тарқатишни, мусулмон ерлари ва мусулмонлар меҳнатидан фойдаланиш имкониятини янада оширишни истаган, шунингдек, мусулмонлар орасига ўрнашиб қолган мустамлакачи кўчманчиларини ҳимоя қилишга интилган Европа эди. Бошқа курашаётган томон эса ота-боболарнинг анъанавий асл иймонини ёт тажовуздан, ўз юрти ва халқини бегоналар ҳужуми, босқинчилик ва мустамлакачиликдан ҳимоя қилган мусулмон дунёси эди.

Айни пайтда вазият кескин ўзгаргани йўқ. Ҳарбий қарама-қаршилик иқтисодий ва неоколониал (янги мустамлакачи) қарама-қаршилик билан алмаштирилди. Фойдаланиш ва кўпуровчилик фаолияти воситалари ва усуллари янада нозик ва кўринмас ҳолга келди. Мусулмон дунёси асрлар давомида сакраб ўтиб, жадал суръатларда замонавийлаштириш ва саноатлаштиришни бошдан кечирмоқда. Ғарбий христиан олами, янада ривожланган бўлиб, моддий ва инсон ресурсларига муҳтождир. Эллик йил муқаддам насроний Ғарбдаги мусулмонларнинг борлиги кичик бир гуруҳ одамлар томонидан намоиш этилган. Бугун биз фабрикаларда ҳам, университетларда ҳам ўз ўринларини эгаллаётган муҳожирларнинг кўп оқимига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳозир Европа ва Америкада кўплаб туб жойли мусулмон аҳолиси бор ва уларнинг сони, шубҳасиз, ортиб боради.

Европа ёки Америка мегаполисининг марказидаги энг яқин кўшни мусулмон бўлиши мумкин. У оқ танли ёки қора танли бўлиши мумкин. У инглиз тилидан ташқари, ўнлаб ИсломиЙ тиллардан бирида гапириши мумкин. Бундан ташқари, у шу қадар ғарблашган ва маҳаллий маданиятга шунчалик сингиб кетган бўлиши мумкинки, унинг динини фақат суҳбатдан ўрганса бўлади.

## **2-ҚИСМ**

### **Мусулмон диний ҳаётининг лаҳзалари**

## Калимаи *шаҳодат* (динга эътиқод қилиш)

МУСУЛМОН Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расули эканига иқрор қилади. Бу эътироф *шаҳодат* ёки “гувоҳлик” деб аталади. Бу нафақат унинг мусулмон жамоаси учун расмий ҳужжати, балки унинг эътиқодининг моҳияти ва ўзига хосликнинг ифодасини ташкил этади. *Шаҳодат* кунига кўп марта турли хил вазиятларда ўқилади. Шаҳодатнинг биринчи ярми биз иккинчи бобда муҳокама қилган тамойилларни назарда тутаяди. (амаллар билан оқланиш, камтарлик ва Худога бўйсунуш, золимни ва бошқа худоларни рад этиш, инсоннинг ер юзидаги *халифа*-ўринбосарлиги, ўзини ўзи амалга ошириш) Гувоҳликнинг иккинчи қисми Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлик вазифасини тан олади. Бу шуни англатадики, гувоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам етказган нарса ҳақиқатан ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинганлигини иқрор қилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари уларни овоз чиқариб ўқишни буюрган тартибда тўпланган ваҳийлар Исломининг Муқаддас Диний китоби бўлган Қуръони Каримни ташкил этади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг пайғамбари эканлигига гувоҳлик бериш Қуръон Аллоҳнинг Муқаддас Каломи эканлигига тўлиқ, айнан ва тўғри тартибда етказилганлигига ҳам гувоҳлик бериш демакдир. Гувоҳ, шунингдек, Қуръон амрлари фарз эканлигини ва улар мусулмонга абадий қонун сифатида топширилганлигини эътироф этади.

Пайғамбар сиймосининг обрўси ва аҳамияти фақат Аллоҳнинг Муқаддас Каломини айнан етказганлиги билан чекланмайди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ваҳийни ўз ҳаётига

татбиқ қилганлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёти, унинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари, у ёки бу нарсаларни маъқуллаши ва қоралаши – буларнинг барчаси Ислом хабарининг мукамал тимсолидир. Демак, Пайғамбар Суннатлари (“юрилган йўл” ёки “мисол”) мусулмон учун меъёрий намуна бўлиб, ваҳийнинг мазмунини (“нимасини”) амалда “қандай” қўллаш кераклиги ҳақидаги ибратдир. Барча мусулмон маросимлари, шунингдек, Ислом ҳуқуқи ва ахлоқ қоидаларининг муҳим қисми Суннатдан олинган. Суннат бизгача Пайғамбарнинг саҳобаларидан кейинги авлодларга етказиладиган хабарлар шаклида етиб келган. Бу хабарлар ҳадис(лар) дейилади.

Қуръон матнининг ҳақиқийлиги ва яхлитлиги ҳеч қандай тарзда шубҳа остига олинмайди. Қуръон ваҳийлари ривожланган тарихий анъана мавжуд бўлган даврда нозил қилинган. Улар бутун дунёда энг ривожланган хотирага эга бўлган минглаб одамлар томонидан ёзиб қўйилган ва ёдлаб олинган. Қуръон нозил бўлганидан бери ҳар доим омма олдида овоз чиқариб ўқилган эди. Шу билан бирга, тингловчилар мусулмон дунёсида қаерда бўлишидан қатъий назар, матн билан мукамал таниш бўлишган. Мусулмонлар Қуръон матнини овоз чиқариб ўқиш ва кўчиришга катта эътибор берганлар, сабаби улар Аллоҳнинг “*ipissima verba*” (энг саҳиҳ сўзларини) тиловат қилаётганларини билишган. Бундай қатъий ва диққатли муносабатга қуйидаги мисол бўла олади. Ибодат, фарз намоз ҳеч қандай шароитда, ҳатто намозхон хавф остида бўлса ҳам, тўхтатилмайди. Бунинг сабаби шундаки, намоз ўқиётган мусулмон Аллоҳнинг ҳузурида турганини англаши керак. Бироқ, битта ҳолатда, бу қоида бузилиши мумкин. Агар кимдир Қуръонни овоз чиқариб ўқиётганда хатога йўл қўйса, ибодат раҳбари маросимни тўхтатиб, омма олдида хатони ошқора қилиши мумкин. Ниҳоят, Усмон халифанинг (хукмронлик йиллари милодий 644-656) Қуръон матнини китобга тўплаб, кейин уни тарқатган даврда ички низолар ва ҳокимият учун курашлар мусулмонлар жамоасини парчалаб ташлаган. Фракцияларнинг қонли рақобати асрлар мобайнида давом этган ва ҳар бири ўз

фойдасига Муқаддас Битикдан далиллар ва иқтибосларни топган эди. Шу билан бирга, ҳеч бир томон рақибни матнни сохта-лаштириш ёки бузиб кўрсатишда айбламаган. Бу охириги синов эди ва Қуръон уни жуда яхши ўтди. Шунинг учун сэр Уильям Мьюр фон Хаммернинг илмий хулосасини қўллаб-қувватлади: “Биз (олимлар) Қуръон ҳам мусулмонлар Аллоҳнинг каломи эканлигига ишонганидек, Муҳаммад сўзларини ўз ичига олган тарихий манба эканлиги, деб ҳисоблаймиз”.

Суннат матнлари бундай мутлақ мўътабарга эга эмас. Мусулмонлар Суннатнинг дастлабки тўрт авлод томонидан оғзаки равишда етказилганда бузилганлигини тўлиқ биладилар. Шу боис мусулмонлар доимо эҳтиёт бўлиб, ишончли ҳадисларни “ҳақиқий” ёки “саҳиҳ” (*ас-саҳиҳа*) деб белгилашга ҳаракат қиладилар. Ишончли ҳадисларни заиф ёки сохта ҳадислардан ажратиш мақсадида мусулмонлар матнни танқид қилиш билан боғлиқ билим соҳаларини мукамаллаштирганлар. Бундан ташқари, ҳар бир ҳадисни ривоят қилган кишилар силсиласининг тарихий ҳақиқийлигини, унинг тил таърифини, матн ифодасини, матн мазмунининг келишилганлиги ва асослилигини ҳамда унинг Қуръони Карим, шунингдек, тарихий маълумотлар ва инсониятнинг тўпланган билимлари билан ўзаро боғлиқлигини танқид қилиш ва тасдиқлаш учун фанлар пухта ишлаб чиқилган. Мусулмонларнинг Пайғамбар ҳадисларига бўлган муҳаббати ва ҳурмати чегара билмас эди. Бинобарин, улар келиб чиқиши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан боғлиқ бўлган барча материалларни сақлаб қолишган, аммо уларни ортиб борувчи ёки пасайиб кетувчи ҳақиқийлик даражаси билан фарқ қиладиган бир қатор тоифаларга ажратишган.

Ўзини Аллоҳ Каломининг сўзма-сўз етказиш билан чекланган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлиги бизга сомий маданиятдаги башоратнинг бутун ҳодисасининг мукамаллигини тақдим этади. Албатта, бу тарихнинг яна бир чўққиси Мусо алайҳиссалом деб тан олиниси керак, ундан кейин Исроилдаги башорат шунчалик таназзулга учраганки, ўзларининг башоратларининг аҳамиятлилигини ишончли тас-

диқлай олмаган юзлаб сохта пайғамбарлар бозорларни айланиб чиқишган. Ислом пайғамбарликни сазовор мақомига тиклаган. Бироқ замонлар ўзгариб, энди Пайғамбар ўз мақомини инсон ақлини ҳайратга солувчи мўъжизалар билан тасдиқлай олмаган эди. Шунинг учун Ислом мўъжизаларга ишонмайди ва ҳеч қандай мўъжизани Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ёзиб қўймайди. Мусулмонларнинг фикрига кўра, Муҳаммаднинг башорати одам миясини гангитиб қўядиган ёки унинг тушунчасидан ошиб кетадиган табиат қонунларининг тушунарсиз бузилиши билан эмас, балки ваҳийнинг ўзи, Қуръони Каримнинг ҳашамати ва улуғворлиги билан тасдиқланмоқда. Қуръоннинг нозил бўлиши инсоннинг онгига ва ақлига мурожаат қилади. У ўз даъволарини танқид ёрдамида асослайди. Қуръон “васваса” (scandalon) ёки “тўсқинлик” эмас. Қуръон кўр-кўрона иймон келтиришни буюрмайди. Бунинг ўрнига, у одамни далилларни кўриб чиқишга, баёнотлар ва маълумотларни солиштириш ва қиёс этишга, уларнинг ҳақиқатига амин бўлган ва ишонч ҳосил қилган тақдирдагина хулоса чиқаришга ундайди.

Шу боис Исломда ҳеч қачон диний синод, кенгаш ёки умуман олганда, “*магистериум*” (*magisterium*) ҳуқуқига, Ислом динига нисбатан “*тахт баландлигидан*” (*ex cathedra*) қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган черков бўлмаган. Исломдаги диний ҳақиқат тортишув ва ишонтириш масаласидир. Бунда ҳар ким иштирок эта олади: ҳар ким инонтириш ва ишонч ҳосил қилиш ҳуқуқига эга. Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг пайғамбари эканлигига гувоҳлик бериш охир-оқибат гапирувчининг диний ҳақиқат исбот талаб қиладиган ва ишонтириш қобилиятига эга бўлган танқидий ҳақиқатдир деган баёнотнинг ростлигига ва мақсадга мувофиқлигига ишонганлигини англатади. Бу, албатта, “Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ” деган шаҳодатнинг биринчи қисмига таъсир қилади. Ушбу баёнот оқилона, биз ҳеч қандай эътиборлилик ёки мажбурлаш орқали унинг ҳақиқатига ишонч ҳосил қила олмаймиз. Биз жиддийлик ва масъулият билан барча далилларни кўриб чиқишимиз, мулоҳаза қилишимиз ва ўйлашимиз керак. Агар биз ушбу баёнотни инкор этишга ҳаракат

қилсак ҳам, биз буни фақат ҳақиқатни билиш мумкин бўлган ва Худо каби бу ҳақиқат битгадир деган шартга мувофиқ амалга оширишимиз мумкин бўлар эди. Лекин Худо ҳақиқат эмасми-дир?

## Намоз (сиғиниш, ибодат)

САЛОТ (salah) сўзининг янада муносиб таржимаси “ибодат” эмас, балки “намоз”, “сиғиниш”. Маълумки, ибодат расмий бўлиши шарт эмас. Унинг услуби тартибга солинмаган, уни исталган жойда ва исталган вақтда ўқиш мумкин. Христианликдаги евхаристия (насронийлик черковидаги биродарлик риштаси) ёки чўқинтириш маросимларида бўлгани каби, у мажбурий тартибга эга эмас. Ислом “ибодат” таърифига мос келадиган Худо билан алоқа шаклини билади. Бу шакл дуо деб аталади ва сўзма-сўз “илтижо”, “мурожаат”, “чақирик” деган маъносини англатади. “Ибодат” сифатида дуо ўз мазмунига қараб фарқ қилиши мумкин: у шукур, ҳамду сано, илтимоснома, кечирим сўраш ва бошқалар бўлиши мумкин.

*Дуодан* фарқли ўларок, намоз аниқ белгиланган шаклга эга. Намозни маълум вақтларда бир кеча-кундузда беш маҳал ўқиш керак. Агар намоз қолдирилган бўлса, қазо намоз вақтида ўқилмаган намозни ўрнини тўлдиради деган англаш билан уни тўлдириш мумкин. Намоз – бу Аллоҳ Таоло томонидан барча вояга етган мусулмонларга, ҳам эркак, ҳам аёлга берилган мутлақ амрининг бажарилишидир. Агар киши намойишкорона намоз ўқишдан бош тортса, у Исломга мансуб эмас. Мусулмон намозга бепарволик қилган ҳолда тавба қилиш керак бўладиган ва унинг ўрнини тўлдириш керак бўладиган оғир гуноҳ қилади. Бирок, ҳеч бир мусулмон бошқасини намозга мажбурлаш қудратига эга эмас. Бу амрни бажаришда жамоат итоатсизлиги билан бирга келмаган тақдирда ҳеч ким мусулмонни буйруққа риоя қилиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка торта олмайди ёки бидъатда айблай олмайди.



Намоздан олдин таҳорат олинади. У ҳам ҳақиқий, ҳам рамзий маънога эга бўлиб, иккала маъно даражаси Исломда зарурдир. Инсон жанобат ҳолатда ёки ифлос кийимда илоҳий ҳузурга яқинлаша олмайди. Мусулмон намоз ўқийдиган жой (ва бутун Ислом дунёсида ишлатиладиган жойнамоз гилам) каби унинг кийимлари ва танаси пок бўлиши шарт. Кир кийимларни алмаштириш керак. Қўллар, оғиз, бурун, юз, бош, бўйин ва қулоқлар, тирсагигача қўллар ва тўпиғигача оёқлар тоза, яхшиси оқар сувда ювилиши лозим. Бутун маросимдан олдин маросимни Аллоҳ номига ва фақат У учун бошлаши ҳақида ўз ниятларини жимгина баёнот бериш зарур.

Жисмоний тозалikka келсак, таҳорат қилиш жуда маъқул амалдир. Биз унинг профилактик қийматини муносиб равишда кадрлашимиз мумкин. Чўл халқлари чангдан, суғориладиган ерларда ишлайдиган деҳқонлар эса кирдан тозаланишлари керак. Таҳорат ҳам қурум ва бошқа ифлос қилувчи моддалар бизни заҳарланиш билан таҳдид қиладиган саноат шаҳарларида ҳам фойдалидир. Таҳорат кунига беш вақт: тонг отганда, пешин пайтида, кеч пешинда, кунботарда ва тунда олинганлиги сабабли, дунёнинг исталган жойида психологлар уни тетиклантирувчи ва тикловчи таъсири борлиги учун маъқуллашар эди. Таҳоратнинг рамзий маъносига келсак, маросимнинг мақсади ўзини Аллоҳ билан мулоқот қилишга тайёрлашдир. Ундан олдин маросимдаги жиддийлик ва муҳимлик кайфиятини белгилайдиган *ният* келади, зероки инсон Муқаддас ҳудудга киришга тайёрланмоқда.

Намозни ҳамма жойда ўқиш мумкин, чунки мусулмон қаерда бўлмасин, Худо мавжуддир. Муқаддас ер йўқ ва *масжид* табаррук жой бўлиб фақат ибодат қилиш учун ажратилган жойдир. Зероки, Исломда руҳонийлар ва сирли ибодатлар йўқ, инсон намозни ўзича ўқиши мумкин. Уни биродарлар билан ўқиш мақбул, лекин мажбурий эмас. *Жума* куни пешин намози вақтида ўқиладиган жума жамоат намози учун мусулмоннинг масжидда ҳозир бўлиши шарт. Имом (раҳбар) жамоат намозини бошқаради. Унинг вазифаси намознинг бошланиши ва тугаши,

шунингдек, тиз чўкиб ўтириш ва сажда қилиш ҳаракатларини мувофиқлаштиришдир. Намозни Қуръондан тўғри тиловат қилиш шарт билан ҳар қандай мусулмон бошқариши мумкин. Масжидда жума намоздан олдин имом хутба, яъни мусулмон ваъзхонлигини, диний панд-насиҳатни ҳам ўқийди. *Хутба* мавзуси мусулмонлар ҳаётининг шу кунги муҳим масаласи бўлиши даркор. Имом бу масалага алоқадор Қуръон оятлари ва ҳадисларни ҳам келтиришга ҳаракат қилиши керак.

Жамоат намози учун Қуръон барча одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ энг яхши кийим кийишни тавсия қилмоқда. Унинг бошланишидан олдин имом йиғилган мўминларнинг сафлари бир текис жойлашганлигига, улар тўлиқ ва тугаш эканлигига ишонч ҳосил қилади. Ҳамма Маккадаги Каъба томонга бурилади. Мусулмонларнинг аввал тўғри сафда туриб, кейин тиз чўкиб, кейин сажда қилган ҳолда намоз ўқиётганини кўриш ўта маъноли бўлиб, кузатувчининг кўнглига таъсир қилади. Бир текис сафлар умумбашарий тенглик, биродарлик, жамоатнинг тўлиқлиги ва яхлитлиги, шунингдек, унда мустаҳкам алоқалар мавжудлигини кўрсатади.

Тонг отганда тун тугайди ва кун бошланади. Ислом кунни Аллоҳга ҳамду санолар айтиладиган ҳамда Унинг ҳидояти, марҳамати ва раҳм-шафқати сўраладиган намоз билан бошлани буюради. Бомдод ва пешин намозларининг оралиғи одатда иш учун ишлатилиши мумкин ва ишлатилиши керак бўлган 7-8 соатни ташкил қилади. Агар меҳнат оғир бўлса, унда бу оралик ривожланган ва яхши ташкил этилган иқтисодиёт эҳтиёжларини қондириш учун етарлидир. Агар меҳнат осон бўлса, уни пешин намозидан кейин давом эттириш мумкин, бу ҳам кучларни тиклаш учун дам олиш бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фавқуллода вазият ёки ўз эҳтиёжлари ва истакларини қондиришдан ташқари, аср намозидан кейин ишлашга ҳожат йўқ. Шом намози кунни тугатади ва хуфтон намози мусулмоннинг ухлашга ётишини англатади.

Намоз бу тартиб-интизомнинг намоёнидир. Унинг барча таркибий қисмлари, чунончи таҳорат, ҳаракатлар, бажарилиш

вакти, тиз чўкиш ва сажда қилиш сони, Худонинг даъватига ўз-ўзини созлаш машқларидир. Қуръонда айтилишича, намоз ўқиш ахлоқий амалларни бажаришга ёрдам бермаса, бефойдадир. Тўғри ўқилган намоз ҳақиқатан ҳам яхши амалларни бажаришга ва олий мақсадга, яъни Худо номига ўз кучларини зўр беришга ёрдам беради. Намоз инсонга нафақат Худони эслатади. Кунига беш маҳал у одамни бир муддат юзини Раббийси ва Яратувчисига қаратишга ундайди. Такводорлик учун улканроқ ёки тўғрироқ йўл бўлиши мумкин эмас.

## Закот (бойликни бўлишиш)

СЎЗМА-СЎЗ таржима қилинганда, закот “ширинлаштирувчи” деган маънони англатиши мумкин. Унинг ғояси таъсир қилиши керак бўлган нарсани оқлаш ёки унга *ҳалол* (рухсат этилган, бегуноҳ, фазилатли) сифатини беришни билдиради. Агар атама шахсни объект сифатида назарда тутса, бу маъқуллаш ёки тавсияни англатади. Агар бойлик объект сифатида ишлатилса (бу кўпроқ тарқалган бўлади) бу бойлик шу билан адолатли, қонуний, айбсиз, яхши ва ўринли бўлишини англатади. Албатта, закотнинг бойликка берадиган қадрияти манфаатдор ва амалий эмас, балки ахлоқийдир.

Ислом динида ҳар қандай бойлик Аллоҳга тегишлидир. Инсон иқтисодиёт имкон берадиган ҳар қандай усулда ва бу ахлоқий қонунга зид келмайдиган тақдирда ўзи хоҳлаганича бойликка эга бўлиши мумкин. Агар одам пулни ўғирламаса, алдамаса ва куч билан тортиб олмаса, пул топиш қонуний амалдир. Албатта, фаровонликка интилиш тирик қолиш зарурати (озиқ-овқат, бошпана, кийим-кечак ва қулайликни излаш жиҳатида ифодаланган) ҳамда (унинг мақсади ўзининг ва бутун инсониятнинг моддий эҳтиёжларини қондириш бўлган) *халифалик* ёки ўринбосарлик туфайли кишининг табиий ташвишларидан биридир. Ушбу жараёнга жалб қилинган ҳолда, одамлар ҳар доим ва ҳамма жойда кўп куч сарфлаб, ҳаётларининг катта қисмини унга бағишламоқдалар. Ҳаёт шундан иборатдир. Ушбу жараённинг ахлоқий қонунга бўйсунishi мутлақо заруратдир. Бу ҳолда у битимда иштирок этувчи шахснинг онгли розилигисиз бирон бир мулкни ёки унинг бир қисмини ўзлаштиришни тақиқловчи аниқ ҳуқуқий меъёрлар шаклини олади. Инсон

ушбу заруратга эргашмасдан, ҳайвонот, моддий ва ишлатишга оид даражасига тушади.

Лекин бойитиш жараёнида қонуннинг ҳар қайси талабининг ҳар бир босқичида бажарилишини назорат қилган тақдирда ҳам, эришилган бойлик яна бир даражада асосланишни талаб қилади. Бу, эҳтимол, закот муассасаси талаб қиладиган нарсадир. Айтайлик, мен пул топиб қонунни бузганим йўқ, унда нима учун Исломда бойлик закот орқали қонунийлиги тасдиқланмагунча қонуний деб ҳисобланмайди?

Жавоби шу. Ахлоқий қонун бойлик қўлга киритишни тартибга солади, бироқ ундан фойдаланиш ва/ёки уни узоқ вақт эгалик қилишни бошқарувчи кўшимча қонун ҳам талаб қилинади. Агар бизнинг ҳаётимизда унинг мавжудлигидан ташқари мақсад бўлмаганида, инсон борлигидан роҳат, қулайлик ва қаноатланишдан ташқари маъно бўлмаганида, бойлик эгасидан талаб ҳам бўлмас эди. Аралашмаслик тамойили (*laissez-faire*) сиёсий либерализмнинг натижаси бўлган. Ушбу аралашмаслик тамойилининг бойликдан фойдаланишда қўлланиши гедонизм, утилитаризм, эвдемонизм ва сўзнинг дунёвий маъносида фаровонликка нисбатан муносабатда бўлган бошқа ахлоқий назарияларнинг зарурий талабидир. Ислом эзгуликни Худонинг иродаси ва Унинг амрларига, ҳар қандай ахлоқий ҳаракатнинг яқуний мақсади бўлган трансцендент намунага ишора қиладиган мутлақ қонунлар орқали белгилайди. Шунинг учун мусулмон дини бойликка эгалик қилиш ва уни истеъмол қилишни тартибга солишни зарур деб ҳисоблаган.

Бу борада Ислом ақидаси шундан иборатки, кимдир томонидан қўлга киритилган бойликни маълум даражада бошқа одамлар билан тақсимлаши керак. Азалдан мавжуд бўлаётган хайр-эҳсон ҳам худди шуни талаб қилади. Исломнинг талаби фақат хайрия билан чекланадими? Албатта, одамдан хайр-эҳсон беришни талаб қилади, лекин у бундан ҳам кўпроқ нарсани талаб қилади. Хайр-эҳсон ҳар доим бутун инсоният томонидан юқори маънавий негизларининг рамзи сифатида қабул қилинган. Қанча бериш ва умуман баҳам кўриш керакми – ҳар доим

берувчининг шахсий қарори бўлиб, унинг виждонида қолган эди. Ахлоқ ҳақиқатан ҳам доимо киши бошқалар билан қанчалик кўп баҳам кўрса, унинг хизмати шунчалик катта бўлади, деб таъкидлаган. Исо алайҳиссалом хайр-эҳсонни юқори маънавий негизларга кўтарган. У берувчининг ниятлари қанчалик пок бўлса, ҳаракатнинг ахлоқий қиймати шунчалик юқори бўлишини ўргатган. Исломот бунга тўлиқ рози бўлиб, Исо алайҳиссалом таълимотини Аллоҳдан ҳақиқий ваҳий сифатида тан олади. Исломот хайр-эҳсон муассасасини “садақа” деб атаган, чунки бу иймоннинг ўзидан келиб чиқади ва у орқали инсон Худога Худо деб эътироф қилади.

Исломотдан олдин ҳеч бир дин ва ҳеч қандай ахлоқий қонун хайр-эҳсонни йиғиш ва тарқатиш учун ваколатларни тақсимлаш муассасасига айлантириш маъносида мажбурий қилмаган. Хайр-эҳсонни ахлоқий тимсол сифатида кўриш жуда яхши. Бироқ, у фақат ҳеч ким татбиқ этмайдиган тимсол бўлиб қолган тақдирда, хайр-эҳсон нимага арзийди? Агар миллионер йўл бўйида турган тиланчи билан бир жуфт танга-чақа бўлишиш орқали ўзини муносиб деб билса. Агар унга риюя қилиш фақат бировнинг виждонига ёки охирада Худого боғлиқ бўлса, лекин бу дунёда унга тенг келадиган одамлар томонидан ҳеч қандай тартибга солинмаса. Бундай тимсолнинг нима кераги бор?

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун Исломот закот муассасасини яратган. Сиз бойлигингизни яқин қишилар билан хоҳлаган даражада, хоҳлаган вақтингизда ва хоҳлаган тарзда баҳам кўришингиз мумкин. Бу фақат ўзингиз ва Худо сизнинг қозингиз бўлган садақа. Бироқ, сиз муҳтожлар фойдасига қайта тақсимлаш учун мўлжалланган ҳар йили бутун бойлигингизнинг 2,5 фоизини мусулмон давлатига бериш мажбуриятидан қутула олмайсиз. Шундай қилиб, Исломот садақанинг ахлоқий қийматини сақлаб қолишга ва унга закот ёки бойлик тақсимотининг кам бўлмаган маънавий қийматини қўшишга интиланган. Ушбу муассасанинг иккита мақсади бор эди. Биринчиси, бой бўлиш ҳуқуқи қўшниларининг яшаш ва овқатланиш ҳуқуқи билан мувозанатланганлигига бойларни ишонтириш. Иккинчиси,

муҳтожларни кўшилари уларни қийинчиликда қолдирмасликларига ишонтиришдир. Инсонийлик, дўстлик ва биродарлик ришталари камбағал ва бойларни бир бутунга боғлайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни шундай дедилар: “Одамлар танадаги аъзоларга ўхшайди. Бир аъзо азобланганда, касалликнинг сабабини бартараф этиш учун тананинг қолган қисми ёрдамга келади”. Қуръон бу ғояни диннинг ёрдами билан альтруистик ҳаракатлар зарурлигини англаш орқали аниқлади: *“Жазо кунини ёлгонга чиқарувчини кўрдингми? Ана ўша, етимни кўполлик билан ҳайдайдир. Ва мискинларга таом беришга қизиқтирмайдир. “Намозхонлар”га вайл бўлсин. Улар ўз намозларини унутувчилардир. Ана ўшалар риё қиладиганлардир. Ва маоъунни ман қиладиганлардир”*. (Қуръон, 107:1-7)

## Ас-савм (рўза)

ОВҚАТДАН воз кечиш (рўза тутиш) қадимги диний одатдир. Уни қадимги динларда ҳамда насронийлик, яҳудийлик, буддизм ва ҳиндуийликда дунёвий кишилар ва руҳонийлар татбиқ қилган. Рўза тутишнинг мақсадлари турли динларда фарқ қилиши мумкин бўлса-да, ҳамма рўза тутиш илоҳий билан мулоқот қилиш учун ўзини ўзи тайёрлаш эканлигини тан олмақда.

Ислом барча балоғат ёшига етган соғлом мусулмонлар учун жиддий рўза фарз қилди: қамариянинг тўққизинчи ойида, яъни Рамазон ойида ҳар куни тонгдан то куёш ботгунча овқатланиш, ичиш ва жинсий алоқадан бутунлай воз кечиш. Тана ҳеч қандай тарзда рўзани бузмасдан ҳеч нарса ея олмайди ёки қарама-қарши жинс билан ҳеч қанақа алоқа қила олмайди. Болалар, оғир беморлар ёки сафарда юрганлар рўза тутишдан озод этилади. Бундай ҳолларда киши рўза тутиш фарзлигини тарк этмайди, балки рўзани дам оладиган, табиий ҳолатга қайтадиган ва кейинги Рамазонгача бўлган бошқа вақтда адо этиши мумкин.

Ислом пайдо бўлишидан анча олдин Рамазон ойи араблар орасида муқаддас ой деб ҳисобланган. Рамазон ойида уруш ва овчиликка тақиқ қўйилган, бу эса кимдир ёки бирон бир қабила ҳужумидан қўрқмасдан саёҳат қилиш ва юкларни ташишга имкон берган. Араблар Рамазон ойини маънавий қадриятларни қайта баҳолаш ойи деб ҳисоблашган. Улар ой давомида эски қарзларни тўлашга, келишмовчиликларга чек қўйишга ва яқинларига нисбатан яхши ишлар қилишга интиланлар. Улардан энг ахлоқий ва меҳрибон бўлганлар уларнинг диққатини жамлаш ва ўйга чўмишга ҳеч нарса халақит бермаслик учун ибодатхоналарда ёки уйларида вақт ўтказишган. Муҳаммад сол-



лаллоху алайҳи васалламнинг пайғамбар бўлишидан олдин, Макка яқинидаги Хиро ғорига Рамазон ойида ўзини хилватга олиш ва у ерда бир неча кун фикрга толиш одати бор эди. Хотини эрининг ибодат қилиш учун танҳо қолганлигини билиб, унга овқат билан хизматкорни юборар эди.

Ислом Рамазон ойини диний фаолиятларга бағишлаш анъанасини давом эттирган. Рўза тутишдан ташқари, Ислом анъаналари Рамазон ойида ахлоқий ва диний амалиётларни айниса мақтовга сазовор деб ҳисоблаган ва мусулмонларни бу ой давомида Худога хизмат қилишни кўпайтиришга ундаган. Рамазон ойида Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ўзининг биринчи ваҳийсини олган.

Исломда рўза тутиш икки мақсад билан боғланган: ўз-ўзини назорат қилиш ва бутун дунёдаги очларга ҳамдардлик. Биз Ислом ўзини ўзи ўлдириш ва зоҳидликни рад этишни таъкидлаган эдик. Натижада, рўза ўз манфаати учун ёки Худо номига ўзини рад этишнинг зоҳидлик амалиёти сифатида қаралмайди. Ислом тақводорликни қурбонлик ёки фидойилик билан тенглаштирмайди. Худо инсониятнинг эркин, соғлом ва бахтли бўлишини, шунингдек, инсоният ўзини амалга оширишини хоҳлайди. Бир файласуф тиш табибига бориш, шубҳасиз, оғриқли тажриба, деб айтиши мумкин. Ҳеч ким буни азоб-уқубатлар инсон ҳаётининг охири деб ўйламасдан, ўзи учун қилмайди. Бироқ, инсон керак бўлганда буни ўз хоҳиши билан амалга оширади, чунки бу азоб-уқубат ва касалликнинг аксини ташкил этадиган соғлиқнинг кафолатидир. Шунга ўхшаб, ҳеч ким рўза тутишда қийинчиликлар борлигини инкор этмайди, аммо савол бошқача. Унинг Исломдаги мақсади нима? Бу мақсад эса Рамазоннинг маъноси бўлади.

Рўза тутиш орқали ўз-ўзини назорат қилиш дин учун янги ғоя. Ижтимоий тузумнинг негизида ётадиган асосий эҳтиёжларнинг қондирилиши, чунончи озиқ-овқат ва жинсий алоқа, эҳтимол, инсон ҳаётининг энг сезгир соҳаларидир. Бошқа ҳеч қандай таҳдид одамнинг онгини ўлим таҳдиди каби безовта қилмайди. Озиқ-овқат ва жинсий алоқа чекловлари бундай таҳ-

диддир. Биринчиси, инсоннинг шахсий ҳаёти учун, иккинчиси эса унинг ижтимоий ҳаёти учун хавф туғдиради. Ушбу икки эҳтиёжни қондиришдан онгли равишда воз кечиш онгни ҳаётни ҳимоя қилишга йўналтиришга имкон берадиган, шахснинг ҳам, жамоанинг ҳам онгига яқинлашиб келаётган ўлим тасвирини олиб келади.

Ислом одамларнинг онгини фаоллаштириш, уни ҳаёт ва ўлим ҳақидаги фикрларга йўналтириш ва хавф-хатарга қарши туришга ўргатиш учун тонготардан то кунботаргача озиқ-овқат ва жинсий алоқадан тўлиқ воз кечишни буюради. Ўз ҳаёти ва жамоат ҳаётига таҳдидга қарши курашиш керак ва мусулмонлар бу қаршилиқ санъатини ўрганишлари зарур. Сабр-тоқат, вазминлик, матонат, азоб-укубат ва муҳтожликда саботлилик Исломнинг рўза орқали ривожлантирадиган фазилатларидир. Аксинча, ахлоқ ва такводорлик нуқтаи назаридан озиқ-овқат ва жинсий алоқа инсон ҳаётидаги энг заиф томонлар. Улар дунёга иллат ва ахлоқсизлик кириб борадиган иккита йўлни англатади. Одамни ахлоқсиз ишлатиш олдида бу иллатларни тўсиб қўйишга ўргатиш, одамни васвасадан ҳимоя қилиш ва руҳини мустаҳкамлаш ҳам Исломнинг тенг даражада мақсади ҳисобланади.

Шу боис Ислом рўза тутишни ўзини ўзи бошқариш ва интизом санъатида энг яхши машқ деб билади. Ислом, шом намози ўқилишидан олдин, куёш ботганда рўза тутишни тугатишни буюради, албатта бунинг ушбу машқнинг тарбиявий вазифаси ҳам юксак. Шунинг учун, Рамазоннинг ҳар бир куни Ислом томонидан куёш ботгунга қадар муваффақиятли яқунланган тақдирда, таом, байрам ва қувонч билан мукофотланиши мумкин бўлган янги синов сифатида қаралади. Куч тикланади, демак, тонгботарда рўза ёки янги машқ янгидан бошланади. Эҳтимол, Қонун чиқарувчи одатга айланиб, ўз таъсирини йўқотадиган доимий рўза тутишдан кўра, рўза тутишнинг тундаги талабчанликнинг бўшашуви кундузги рўза тутишга руҳни янада самаралироқ мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ҳисоблаган. Кундузги рўзани тунги дам олиш билан навбатлаш анчагина самарали.

Бутун мусулмон оламида Рамазон ойи хурсандчилик билан кутиб олинади. Одамлар рўза тутиб, том маънода ўзларини назорат қилишида ва ташқи қиёфасида ўзгарадилар. Мусулмонлар орасидаги ришталарни мустаҳкамлаш учун яхшироқ вақт йўқ. Кечалари шаҳару қишлоқлар бирлик ва байрам билан жонланади. Иккинчиси назоратдан чиқиб кетмаслиги ва ахлоқий сабоқ онгга сингиб кетиши учун Ислом тарових деб номланган Рамазон кечалари учун махсус намозни буюради. Энг мақбул ҳолда, узунлиги бўйича барча кундалик намозларнинг мажмуига тенг бўлган тарових намози ойнанинг 29 ёки 30 кунлари давомида бутун Қуръонни кетма-кет қироат билан ўқишни ўз ичига олади.

Рамазоннинг охири Рўза Ҳайити (*Ийд ал-Фитр* – рўза якуни байрами) деб номланган байрам билан белгиланади. Мусулмонлар уни Рамазон ойи тугаганидан кейинги биринчи тонгда жамоат намози билан нишонлашади. Байрам совғалар алмашинуви, қариндошлар ва дўстларни зиёрат қилиш, овқатланиш ва кўнгил очадиган тадбирлар билан бирга келади. Рўза Ҳайити куни иложи борича энг кам жойларда ўқиладиган жамоат Ҳайит намози учун кўпроқ мусулмонларни йиғиш; ҳам ёшлар учун, ҳам қариялар учун янги кийимларни кийиш талаб қилинади. Байрам қувончи бу ўтган ойнанинг кундалик рўза муваффақиятининг авжи. Агар Рамазон синови муваффақиятли ўтган бўлса, байрам муносиб деб ҳисобланади. Мусулмон табиий кучларни, озиқ-овқат ва жинсий алоқа эҳтиёжини ахлоқ ва дин учун бўйсундириш қобилиятини исботлаган деб ишонилади. Муваффақиятли Рамазондан сўнг, мусулмон ҳар қандай вазифани бажаришга ўзини кўпроқ қодир ва тайёр ҳис қилади ва буни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Ёй сингари, у ўқни отиш учун қаттиқроқ тортилади.

Рўза тутишнинг иккинчи мақсади бу дунёдаги камхарж, оч ва камбағалларга ҳамдардлик билдиришдир. Ўз тажрибасидан кўра нотикроқ ва самаралироқ ўқитувчи йўқ. Шубҳасиз, муҳтожлик инсон бахтсизликларининг доимий ва энг даҳшатлисидир. Рўза тутиш барча муҳтожларга ҳамдард бўлиш де-

мақдир. Ушбу сабоқни мустаҳкамлаш учун Ислом Рамазон ойининг ҳар куни ўз қўшнилари, айниқса камбағаллар билан озиқ-овқатни бўлишишни тавсия қилади. Ислом Рамазонга сажийлик, фидойилик, қўшнига муҳаббат ва меҳр-шафқат ойи мақомини бахш этган. Рўза тутишнинг ҳар бир қасддан бузилган куни учун каффорат сифатида Ислом 60 кишини овқатлантиришни буюради. Агар рўза бузилиши ҳалол бўлган бўлса, уни бошқа кунларда адо этишдан ташқари яна икки кишини тўйдириш лозим. Ниҳоят, Рамазон Ҳайитидан олдинги кечада муҳтожларга *садақа* бермаган мусулмон Ҳайит намозида қатнаша олмаслиги ҳам айтилмоқда. Бу *фитр садақа* (рўза якуни садақаси) деб аталади. Унинг миқдори мусулмон киши оиласининг ҳар бир аъзоси учун кунига икки марта овқатланишга тенг бўлиши керак. Бундай чора байрам қувончини, шу жумладан, муҳтож ва оч одамлар билан баҳам кўришга ёрдам беради.

Исломдаги рўза фалсафаси мусулмон динининг инсонпарварлигини ва унинг дунёқарабини тасвирлаш учун мўлжалланган. Рўза – барча динларнинг зоҳидлари томонидан қўлланиладиган ўз-ўзини рад этиш санъати – Исломда ўзини такомиллаштириш, шунингдек, тинчлик ва ҳаётга бўлган ирода ва интилишга мувофиқ ҳаётни яхшилаш воситасига айлантирилган бўлиб, олижаноблик ва тақводорликнинг энг юқори даражаларига кўтарилган. Инкорнинг аччиғи, ўзини ўзи ўлдиришнинг дардчиллиги, ҳаётга, маконга, замонга, шунингдек, эркак ва аёлларнинг, озиқ-овқат ва жинсий алоқанинг бу дунёсига қарши туриш – буларнинг барчаси Ислом анъанасидан ўчиб кетган. Мусулмон ўзини Аллоҳ яратган дунёда ўринбосари-*халифаси* вазифасини бутунлай бажаришга бағишлаш учун рўза тутиб, покланган ва яхшиланган ҳолда тугайди.

## Ҳаж (зиёрат)

ҲАЖ – бу диндаги мўминларнинг асосий вазифаларини ташкил этувчи Исломнинг беш рукнининг охиригиси. *Шаҳодат* – биринчи рукн бўлиб, Исломга ўзига хос “кириш гувоҳномасидир”. Намоз ўқиш ва рўза тутиш жисман заиф бўлганлардан бошқа барча мусулмонларга фарз қилинади. Закот болиғ бўлмаган ёки балоғатга етганларга тегишли бўлишдан қатъий назар, ҳар қандай бойлик учун мажбурий ҳисобланади. Сафар учун зарур бўлган маблағни топган, ўз бойлигидан закот тўлаган, яқин кишилари олдидаги барча қарзларини тўлаган ва йўқлиги пайтида қарамоғидаги барча кишиларга муносиб равишда таъминлаган вояга етган мусулмонгина Маккага зиёратига бориши мумкин.

Агар мусулмон Ҳажга боришга қарор қилса, у ўз уйида турли хил тантаналар ва тайёргарликлардан бошланади. Сафарга жўнаш вақти келганда, бутун жамоа зиёратчи билан хайрлашиб, унга Аллоҳ томонидан қабул қилинадиган Ҳаж зиёратини тилайди. Ҳижозга келгандан сўнг, Маккаи мукаррамага киришдан олдин, зиёратчи барча кийимлари ва безатмаларини ечиб, таҳорат олади ва Аллоҳга Ҳаж қилиш *ниятини* билдиради. У иккита тикилмаган зиғир ёки ип газлама оқ матоси кийиб, улардан бири танасини, иккинчиси оёқларини ёпади, бошини эса очиқ қолдиради. Бундан буён Ҳаж тугагунига қадар сочини ва соқолини олдирмаслиги, тирноқларини кесмаслиги, шунингдек, бошқа зиёратчилардан ажралиб турадиган нарсаларни киймаслиги лозим. Албатта, у хоҳлаган пайтда кийимини тоза кийимига алмаштира олади. Аёллар юз ва қўлларни очиқ қолдириб, бошдан-оёқ танани қоплайдиган узун тўн шаклида оддий кийим кийишади.

Кийимга бўлган бу талаб диний аҳамиятга эга. Ҳожи ўз Яратувчисига ибодат мақсадида Маккада. У буни бошқа барча одамларга – Худонинг мавжудотларига тенг бўлган мавжудот сифатида қилади. Унинг бойлиги ва ижтимоий табақага мансублиги, зодагон, ҳукмдор ёки подшоҳ сифатидаги сиёсий қудрати, билими, донолиги ва аввалги тақводорлиги – бу хусусиятларнинг ҳеч бири бу жойда намоён бўла олмайди. Худо олдида ҳамма одамлар яратилиш жиҳатидан тенг мавжудотлардир. Уларнинг тарихий фарқлар ўчирилади. Аллоҳ ҳамма учун бир хил даражада Раббий, Раҳм қилувчи ва мутлақо адолатли Ҳакамдир.

Зиёратчилар ўз маросимларини *ал-Масжид ал-Ҳаром* (Муқаддас Масжид) масжидни зиёрат қилиш билан бошлайдилар. Улар буни келгандан сўнг дарҳол қилишлари зарур, ўрнашиш ва ўз нарсаларини жойлаштириш эса керак бўлгандан кўпроқ вақт талаб қилмаслиги даркор. Ушбу биринчи ташриф давомида зиёратчилар Каъбани етти марта айланиб ўтадилар (тавоф қилишади), шу муносабат билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган *дуони* такрорлашади ва қисқа намоз ўқийдилар. Сўнг улар Сафо тепалигига боришади. Унга етиб боргач, Марва тепалигига ўтадилар. Тепаликлар орасидаги чопиш (*Саъй*) етти маротаба такрорланади. Бу ҳол, Иброҳим алайҳиссаломнинг яна бир кўчирилиши бўлганлиги сабабли уни чақалоғи билан ташлаб кетганидан кейин Ҳожарнинг (Исмоилнинг онаси) сув излаб юрган тажрибасини қайта тиклайди. Охир-оқибат, Ҳожар, нақлда айтилганидек, мўъжизавий тарзда кичкина Исмоил алайҳиссаломнинг оёқлари остида пайдо бўлган сувни топган. *Замзам* деб номланган булоқ ҳали ҳам зиёратчиларнинг чанқоғини қондиради ва уларнинг аксарияти яқинлари учун шишаларда сув йиғишмоқда. Иккинчи куни (Арафа куни) зиёратчилар Маккадан бир неча чақирим Шимоли-Шарқда жойлашган Арафот водийсига саёҳат қилишни бошлайдилар ва у ерда чодир тикадилар. Арафа куни зиёратчилар пешиндан то шом намозигача намозда бирга туриб, ҳижрий 10-йилда (милодий 632-йили) охири Ҳаж пайтида Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув хутбасини ўқиган жой атрофида тўпланадилар. Кейин ҳожилар Мино водийсига йўл олиб, у ерда ҳайвонни қурбон қиладилар ва унинг гўштини камбағалларга тарқатадилар. Кейин барча ҳожилар йўлда “Жамрат ул-ақоба” маконида тўхтаб, Маккага қайтиб келишади. У маконда улар шайтонни ва унинг йўлларини қоралаш белгиси сифатида тошни устунга отишади ва васвасага берилмаслик қарор қилишларини тасдиқлайдилар. Маккага қайтгач, ҳожилар *Саъйни* такрорлайдилар, Каъбани бошида бўлгани каби етти маротаба айланиб ўтишади ва ўзларнинг руҳий покликка хос ҳолатидан (*эхром*) чиқадиладар. Шундан сўнг улар тирноқлари ва сочларини кесиб, одатдаги кийимларини кийишади. Улар биргаликда Қурбон Ҳайитининг (қурбонлик байрами) улуғвор байрамига қўшилишади ва Аллоҳнинг хабарини етказган ва уларни Исломга олиб келган ва Масжиди Набавийда дафн этилган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эҳтиром кўрсатиш учун Мадинаи Мунавварани (Пайғамбарнинг нурафшон шаҳри) ташриф буюришга тайёргарлик кўришади. Энди улар уйга қайтишга тайёрланмоқда. Уларнинг қариндошлари ва жамоалари уларни кутиб, ҳажларини Аллоҳ қабул қилиши учун дуолар қилишади.

Касаллик, бахтсиз ҳодиса ёки ўлим туфайли зиёрат маросимларининг бирортасини бажармаслик Ҳажни бекор қилмайди. Бирок, ҳожи Арафотда тўхтаб туролмаса, Ҳаж ҳақиқий деб ҳисобланмайди. Шубҳасиз, бу маросим Ҳажнинг ўзаги ва моҳиятидир. Унинг маъноси содда бўлиб, ҳожи туриш пайтида ва бутун ҳаж давомида ўқийдиган дуода намоён бўлади. “*Лаббайкаллоҳумма лаббайк!*” (маъноси: “Лаббай Сенга Аллоҳим, лаббай!”) деган дуо талбия номи билан машҳур ва кўп марта такрорланади. Аллоҳ инсонни Ўзини Яратгувчиси ва Раббийси деб тан олишга, Унинг амрларига бўйсунушга ва Унга хизмат қилишга чақирган. Бутун маросим ҳожининг илоҳий даъватга жавобидан бошқа нарса эмас.

Ҳожи ўзининг Ҳаж сафари билан дунё ва унинг барча мавжудотлари Аллоҳ томонидан яратилганлигини эътироф этиши-

ни тасдиқлайди. Шундай қилиб, у барча одамлар Худо томонидан яратилганлигини ва уларнинг барчаси тенг эканлигини ҳам тасдиқлайди. Шу сабабдан Ҳаж Исломнинг эгалитаризм (тенглик) ва универсализм (ҳартомонламалик) тушунчаларнинг энг буюк ва нотик тимсолини ифодаламакда. Ҳозирда ҳар йили икки миллионга яқин мусулмон Ҳаж зиёратига боради. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажидан буён бутун дунё мусулмонлари бу ерга 1432 маротаба бир хил маросимларни бажариш учун тўпланишган. Худо томонидан ўзларининг инсоний яратилишини тан олган мусулмонлар – барча ирқлар, табақалар, маданиятлар, халқлар, жамоа тузилишилар вакиллари – бу ерда Худонинг даъватига итоаткор ва ижобий жавобларини тасдиқлаш ва янгилаш учун ҳозир бўлишади. Мусулмонларнинг Маккага Ҳаж зиёратига бориши каби таъсирчан диний тадбирни ҳеч қаерда кўриш мумкин эмас. Бошқа ҳеч қандай воқеа бунчалик кўп одамларни жалб қилмаган, шунингдек, уларнинг ҳеч бири ўзларининг маънавий моҳиятини шунчалик аниқ ва муваффақиятли ифода этмаган. Дарҳақиқат, Ҳаж томошаси Малколм Иксни унинг қора ирқчилиги оқ ирқчиликка муносиб жавоб эмаслигига, шунингдек, англо-саксон насронийлигига қаршилик кўрсатган қора танлиларнинг ўзига хослиги Аллоҳга, Унинг иродасига ва шариатига (қонунга) бўйсунгани ўз ичига олгунча бўш қобиқ бўлиб қолганига ишонтирган.



## **3-ҚИСМ**

### **Бошқа мусулмон байрамлари**

## **Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд куни**

ЗИЁРАТЧИЛАРНИНГ Мадина шаҳрига ва Пайғамбар қабрларига ташрифи барча мусулмонлар томонидан Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган иззат-ҳурмат ва эҳтиромдан далолат бермоқда. Ҳар бир мусулмон ҳар қачон ва қерда бўлмасин унинг исми тилга олинса, у зотга Аллоҳ таоло Ўз раҳматини юбориш учун саловот ва салом айтиши керак. Бундай саловотлар ҳар куни сон-саноксиз айтилади ва намоз уни ибодат унсури сифатида ўз ичига олади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин ўз халқларининг севгиси ва ҳайратига сазовор бўлган кўплаб пайғамбарлар ва харизматик раҳбарлар бўлган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар томонидан энг катта муҳаббат, шараф ва ҳурматга сазовор бўлганлар.

Албатта, баъзи одамлар ўз тарафдорлари томонидан шунчалик меҳр ва ҳурматга сазовор бўлишганки, эргашувчилари уларни онгида ўзгартириб, уларнинг илоҳийликлари ҳақида эълон қилганлар. Бу ҳодиса қадимги даврларда ҳамда Ҳиндистон, Хитой, Япония ва Африкада кенг тарқалган. Ҳатто инсон табиатида олижаноб деб қабул қилинган ҳаммасини илоҳий билан боғлашга мойил бўлган нарса бор деб тахмин қилиш мумкин. Аслида, Ислом бундай амалиётни қанчалик қораламасин, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи саҳобалари барибир шундай васвасага тушиб қолишган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз хонасида ўлим тўшагида ётганларида, улар у ўлмаган, балки Худо билан бирга бўлиш учун осмонга кўтарилган деб бақиришган. У зотнинг ўлими-

ни инкор этиш уни илоҳийлаштириш йўлидаги биринчи, аммо етарли қадам эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитган Абу Бакр, унинг энг яқин дўсти ва доимий сафдоши, бунга ишонч ҳосил қилиш учун у зотнинг хонасига кириб, *масжид* залига кирган ва у ерда бу хабарни Умардан бошқа ҳеч ким эълон қилмаган. Умарнинг оғзини юмиш учун бир неча мулойим, аммо муваффақиятсиз уринишлардан сўнг, Абу Бакр ўрнидан туриб, уни четга суриб қўйган ва йиғилган мусулмонларга шундай айтган: “Агар сизларнинг орангизда кимдир Муҳаммадга сиғинган бўлса, билингки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлганлар. Аммо сизлар Аллоҳга сажда қилган бўлсангиз, билингки, Аллоҳ абадийдир ва ҳеч қачон ўлмайди”. Бу мусулмонлар учун Аллоҳгина Илоҳдир ва фақат У ўлмас эканлиги, шунингдек, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам худди ҳамма кишилардек одам ва ўлимга маҳкум эканлиги ҳақида хижолатда қолдирадиган эслатма бўлган. Бу охириги марта мусулмонлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни илоҳийлаштириш ва инсоният устидан кўтариш ғояси билан ўзларига тасалли беришган.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг инсоний фазилатлари унинг камчилиги эмас, аксинча, унинг қадр-қимматини оширмақда. Одам сифатида у Аллоҳнинг ваҳийсини олганлар ва одам сифатида уни инсониятга етказганлар. Одам сифатида у ваҳийни тушунганлар, уни талқин қилганлар ва ўз ҳаёти мисолида намоёиш этганлар. Ваҳий Аллоҳнинг иродаси эканлигини инобатга олсак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мисоли илоҳий моҳиятга эга бўлганда, бунчалик ибратли бўлмас эди. Шунда одамлар илоҳий қўлланмани инсон учун мақбул бўлган, инсон томонидан амалга оширишга қодир бўлган нарсага айлантириш билан курашишлари зарур бўлар эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг инсонийлиги у тақдим этган диний ва ахлоқий қатъий талабни амалга оширишни одатий ҳолга айлантирган. Мусулмонлар бунинг учун ҳар доим шукр қилишади. Дудмоллик (ноаниқлик) ва янглиш фикрлар инсоннинг энг зарарли диний душманларидир. Худо Одам Ато алайҳисса-

ломдан бошлаб ҳар доим кишига маълум бўлган. У алайҳиссалом ҳар доим “дин”, “ахлоқ” ва “бурч” деб номланган нарсани эътироф этган ҳамда уни амалга ошириш ва мавжуд бўлишга лойиқ деб билган. Аммо у доимо қоқилган, курашган, қидириб, кундалик ташвишларини енгиллаштириш учун бу илоҳий бурчнинг аниқ қўлланилишини топа олмаган эди.

Исломда айтилишича, Аллоҳ Таоло Ўз раҳмати билан ҳар бир миллатга пайғамбарларни юборган ва барча пайғамбарлар аслида бир хил таълимотни олиб юришган. Аллоҳнинг ўзгармаслигини ҳисобга олган тақдирда, Унинг барча ваҳийларнинг матнларида ифодаланган иродаси ҳам бир хил бўлиши лозим. Қодир, ҳамма нарсани Билувчи ва Трансцендент Аллоҳнинг инсонга нисбатан иродаси макон ва замонга қараб ўзгариши номуносибдир. Албатта, конунлар ўзгариши мумкин эди ва ўзгарилган, лекин инсоннинг итоаткорлиги жавоб бўлган қонунлар эмас, балки илоҳий амрлар.

Шунга қарамай, илоҳий амрнинг ўзида ўзгариши мумкин бўлган маъно бор. Бу амр яхшилик, адолат ёки раҳм-шафқатнинг қатъий талаби эмас, балки яхшилик, адолат ва раҳм-шафқатни аниқ амаллар шаклида қандай рўёбга чиқариш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма бўлиши мумкин. Тасдиқланган диний қонунлар қўлланилиши керак бўлган аниқ вазиятларга боғлиқлиги сабабли ўзгарган. Бироқ, бу ҳолатларда ўзгаришлар ваҳийнинг мазмунига эмас, балки унинг шароитларига тегишли бўлган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин ваҳийлар маълум қадриятларга эга бўлган илоҳий ироданинг мазмунидан ва тарихий ўзгаришлар билан белгиланадиган қармон қилинган низомларини ўз ичига олган шароитлардан иборат бўлган. Ислом ўтмишдаги барча ваҳийларнинг мазмуни бир хил бўлганлигини таъкидлайди ва ўз даъвосини илоҳий трансцендентликнинг ўзгариш билан мос келмаслигига асослайди. У диний “нимасига” эмас, балки “қандай қилишига” таъсир қиладиган ўзгаришларга бўлган тарихий эҳтиёжни тан олади. Ислом ўтмишдаги пайғамбарларнинг мерос бўлиб қолишини шароитнинг ўзгариши ёки ваҳийнинг моҳиятини бу-

зиш ва ногўғри тушуниш билан белгиланадиган зарурат сифатида тушунтиради.

Шунинг учун Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам мусулмонлар томонидан ўтмишдаги пайғамбарларнинг ваҳийларига янги нарса олиб келган деб ҳисобланмайди. Унга туширилган ваҳий аввалги барча ваҳийларнинг тасдиғидир. Бундан ташқари, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга нозил қилинган ваҳий, яъни Қуръон, ўзгармасдир, сабаби деганда Аллоҳ Таоло Ўзини унинг ҳимоячиси ва қўриқчиси деб эълон қилган. Мусулмонлар бунга жавобан у ҳеч қачон ер юзидан йўқолмаслиги учун миллионлаб одамлар уни асрлар давомида ёдлаб келмоқдалар. Араб тили ўзининг барча грамматикаси, синтаксиси ва лексикографияси билан қотиб қолган бўлиб, ваҳий тилини тушуниш ҳамиша мумкин ва осон бўлади.

Аммо Қуръон барча тасдиқланган низомларга таъсир қиладиган ўзгаришларга муҳтож эмасми? Мусулмонлар Қуръон аслида диний мақсадларнинг баёноти, илоҳий ироданинг моҳияти эканлигига ишонишади. Улар Қуръонда баъзи ҳуқуқий низомлар мавжудлигини инкор этмайдилар, аммо улар бу унсур қолганларга қараганда камроқ аҳамиятга эга деб ҳисоблашади. 6236 оятнинг деярли 500 меъёрий бўлса, қолганлари тақводорлик ва фазилат бўйича кўлланмаларни ўз ичига олади. Мусулмонларнинг фикрига кўра, қисман У инсониятга битмас-туганмас ва якуний Ўз иродасини, яъни Қуръони Каримни бергани учун ва қисман инсон Унинг иродаси тимсоли бўладиган йўлларни кашф этишини ва ривожланишини хоҳлагани учун Аллоҳ Таолога бошқа ваҳийни юборишига ҳожат қолмайди. Шундай экан, Қуръон ваҳийси меъёрий бўлмаслиги бежиз эмас. Бунинг сабаби шундаки, илоҳий режа қонун ижодкорлигини инсонга меъёрий қонунларда мужассам бўлган тамойиллар ва қадриятлар Худонинг ваҳийси билан мазмунли боғлиқ бўлган даражада топширган.

Ушбу қарашдан учта муҳим хулоса келиб чиқади. Биринчидан, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламдан кейин пайғамбарларга эҳтиёж йўқ. Бошқа пайғамбарнинг келишини та-

лаб қиладиган шароитлар, чунончи ваҳийнинг бузилиши ёки йўқолиши ёки низомларни мос равишда ўзгартиришни назарда тутадиган вазиятларнинг ўзгариши – бундай шароитлар юзага келиши мумкин эмас. Қуръон ўзгармасдир ва у буюрган нарса инсоннинг бурчи ва алоҳида ҳуқуқдир. Иккинчидан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қавмга эмас, балки бутун инсониятга юборилган пайғамбарларнинг охиргисидир. Аллоҳдан олган диннинг ҳақиқий издоши сифатида Муҳаммад Исломнинг намунасидир ва унинг Суннати ёки муайян ўрнаги меъёрийдир.

Шундай қилиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам нафақат Раббийсининг хабарини сўзма-сўз етказган элчи эди. У илоҳий хабарни конкретлаштирган, тафсилотлар билан аниқлаган ва ойдинлаштирган, шунингдек, унинг қўлланмаларини қоидага айлантирган. Аллоҳ Таоло уни бу вазифани бажаришга тайёрлаб қўйган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматлари унинг феъл-атворидаги бирон бир нуқсонни ҳам билмас эдилар. Шу боис Аллоҳ Таоло Қуръони Каримда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хатти-ҳаракати мусулмонлар учун гўзал ўрناق эканлигини айтган. Шу тарзда, унинг иккита алоҳида хизмати, чунончи хабарни сўзма-сўз етказиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш илоҳий тақдир эди. Иккала хизмат ҳам унинг туғилган кунида ёдга олинади, қайтадан тилга олинади ва мақтовга сазовор бўлади.

Шу куни, бошқа кунларда бўлгани каби, лекин ундан ҳам катта ғайрат билан мусулмонлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келишини нишонлашади. Улар Суннатни ёки Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намунасини кўплаб кундалик тадбирларда нишонлайдилар. Бу кунда мусулмонлар, айниқса, Суннатга бўлган эҳтиёжларини англашга интилишади. Пайғамбар саҳобалари, уларнинг фарзандлари, набиралари ва чеваралари томонидан Суннатни соф ва ўзгармас тарзда, яъни яхши ниятли бузиб юборишдан ёки онгсиз равишда беғараз етказишдан сақлаш учун қилинган улкан саъй-ҳаракатларини тан олишга интилишади. Қуръон матнини

сақлаш ва узатишда, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳеч қандай муаммо бўлмаган. Унинг тили ва услуби Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ёки бошқа бирон бир кишининг сўзларидан шу қадар тубдан фарқ қиладики, илоҳий тилни инсон тилидан ажратиш учун кўп ҳаракат талаб этилмайди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тили ҳақиқатан ҳам инсон тилидир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарихан ишончли нақлларини ўрганиш катта машаққатли меҳнатни талаб қиладиган вазифа эди.

Мусулмонлар ушбу вазифа учун бир қатор фанларни ишлаб чиққанлар. Улардан айримлари тил билан боғлиқ. Асосан араб бўлмаган, кўчманчи бўлмаган мусулмонлар ва кейинги авлодларнинг барча мусулмонларига Қуръон матнини тушунишга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган грамматика, синтаксис, лексикография, этимология ва филология, таҳририят ва адабий эстетика билан бир қаторда, мусулмонлар ҳадис матнларини ўрганиш учун куйидаги фанларини яратганлар: матн танқиди, шакл танқиди, таҳририй танқид, мавзули танқид ва тарихий танқид. Улар ровийларнинг (ҳадис узатувчиларнинг) ҳаққонийлигини текшириш учун бошқа янги фанларни, чунончи биографик усул, тарихшунослик, шахсий ва ижтимоий таҳлилларни ишлаб чиқишган ва тасдиқлаганлар. Улар шахсий таҳлил учун ички танқид канонларини ва ижтимоий таҳлил учун ташқи танқид канонларини ўрнатишган.

Олимларнинг иши ўз табиатига кўра мутлақо аниқ ва якуний эмас эди. Шунинг учун, улар мутлақ ишончлилик мезонларига жавоб бермайдиган ҳадисларни бекор қилмаганлар, балки ўқувчига Аллоҳ улардан кўра яхшироқ билишини эслаиб, ҳадисларни тоифаларга ажратиш билан мамнун бўлишган. Уларнинг тадқиқотлари Пайғамбарнинг сўзлари ва амаллари ҳақидаги барча ҳадисларни саҳиҳлик даражасига кўра камайиш тартибида таснифлашга имконият берган. Биринчидан, бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мусулмонларга ўргатган ва ўша пайдан бери мусулмонлар томонидан бир неча бор адо қилинган хатти-ҳаракатлари ва ишлари ҳақида ха-

бар берувчи ҳадислардир. Бу мусулмонларнинг фикрига кўра, ҳартомонлама такрорладиган ва оммавий табиатини ҳисобга олган ҳолда, хатоларга йўл қўйиши мумкин эмас бўлган “ҳаракат” Суннатидир. Иккинчидан, бу кўзга кўринадиган ва оммавий оқибатларга олиб келган ва шу боис рад қилиб бўлмайдиган тарихда бўлган воқеалар билан тасдиқланган ҳуқуқий хусусиятга эга ҳадислардир. Учинчидан, бу Қуръон билан аниқ келишилган ва шунинг учун унинг ғоялари ва амрларини тасвирлаш учун мўлжалланган диний ёки ахлоқий хусусиятдаги ҳадислардир. Охиргиси, қандайдир ижодий, новаторлик йўналишни ўз ичига олган ёки бошқа таниқли нақллар ёки урф-одатлар ҳақида хабар бермаган нарсаларни айтиб берадиган ҳадислардир.

Мусулмон Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини ана шу тоифаларга мувофиқ кўриб чиқади. У *ас-сунна ас-саҳиҳа* (ишончли суннат) деб аталган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қуръон қонунларига мувофиқ фаолиятининг аниқ мисолларини синчковлик билан танлаб олади ва инсон хатоси эҳтимолини эътироф қилади. Бироқ, аслида, инсон учун ягона дин ва қатъий талаб бўлган илоҳий ирода соҳасидаги мумкин бўлган хатони йўқ қилмоқда.



## Ҳижрат

ПАЙҒАМБАР соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд куни муҳимлигига қарамай, мусулмонлар уни Ислому тақвимининг бошланиши учун мос сана деб ҳисобламаганлар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи пайғамбар бўлмаганлигини ёдда тутиш керак. Ундан аввал ҳам сон-саноксиз пайғамбарлар худди шундай хабар билан келишган. Гарчи у Қуръонда “пайғамбарлик муҳри” ёки пайғамбарларнинг сўнггиси сифатида унинг илоҳий тавсифига кўра (Қуръон, 33:40), охиргиси деб қаралса да. У келтирган ваҳий, аввалги ваҳийлар каби, илоҳий ироданинг бир хил мазмунини ўз ичига олади. У томонидан узатилган сўзма-сўз мазмун яхлит ва ўзгармас ҳолда қолган ва унинг давом этаётган мавжудлиги янги ваҳийга бўлган эҳтиёжни йўқ қилади. Худонинг иродаси ўз моҳиятига кўра ўзгармасдир, у ўзгаришларнинг бевафолигига тобе эмас. У Қуръонда ифодаланган тамойиллар ва қадриятлар мажмуидир. Қуръонни яхлит ҳолда сақлаш мажбуриятини мусулмонлар тўлиқ бажарадилар, яъни уни ёдлаб олишади, инсон яратган китоб санъатининг энг яхши намуналарида энг юксак хаттотлик билан нашр этадилар, дунё бўйлаб миллионлаб одамлар уни ҳар куни бошдан-оёқ ўқишади. Аллоҳ Таоло Ўзи ҳам уни асл шаклида абадий сақлашга ваъда бергандир.

Шундай қилиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайдо бўлиши инсониятга Унинг иродаси ҳақидаги билимларни олиб келган илоҳий билан алоқадан далолат беради. Шунингдек, бу иродани Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мисоли орқали амалга ошириш учун тайёрлашни кўрсатади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўри-

нишининг аҳамияти инсоннинг эмас, балки Худонинг ваколат доирасидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуди, албатта, тарихда Исломий ҳаракатнинг бошланишини англатмайди. Шу боис Ислом тақвими бошқача қилиб бошланиши лозим эди.

Иккинчи *халифа* Умар ибн ал-Хаттоб (ҳижрий 12/634 – милодий 22/644) Ислом тақвимининг биринчи кунини пайғамбарлик ҳижрати (милодий 622-йил, 16 июль), яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинага кўчиши куни сифатида белгилаган шахсдир. Сабаби аниқ ва яққол эди. Ислом нафақат илоҳий васият ва алоҳида шахслар томонидан эътиқод қиладиган дин, балки жамият, давлат ва дунё тартиби учун умумий ҳидоятдир. Бу Маккадан ташқарига чиқадиган, бутун ер юзига ва бутун инсониятга ёйиладиган кенг қамровли ҳаракат учун мафкурага айланишга мўлжалланган. Бу ҳартомонлама вазифа қачон юзага келган? Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган кунини эмас. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзи нима бўлаётганини тўлиқ тушунмаганларида. Ваҳийнинг биринчи кунини эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи саҳобалари Ҳабашистонга қочиб кетиш кунини эмас. Бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижрат қилганлар пайтида ёки, аслида, ундан кейинги куни, у зот Исломий давлат барпо этганини эълон қилиб, Исломни бутун дунё бўйлаб ҳаракатга ва умумбашарий вазифага айлантирганларида рўй бўлган.

Дин учун бундай бошланиш керакмиди? Бу тарихий тасодифми ёки инсоний қасддан қилинган интилиш ва шунинг учун инсоний хоҳиш бўлганми?

Мусулмонлар “йўқ”, деб жавоб беришади. Тарихга қўшилиш Ислом ва унинг якуний мақсади учун зарур эди. Ислом, диндорлик, маънавийлик ва диний бахт-саодат битта мавзу (шахс) учун мўлжалланган бўлган тақдирда, беҳуда ва бўш, деб ўргатади. Бу ахлоққа нисбатан аниқ кўринади. Ният ахлоқи ҳақида ўйлаш мумкин, бунда яхшилик ёки қадрият субъектнинг руҳий ҳолатлари, яъни унинг шахсий лаҳзасидаги иродасини

аниқловчи омилларда белгиланади. Бундай субъектив ахлоқ бўлар эдики, унинг ер юзидаги якуний ҳаками субъектнинг ўз виждони бўлар эди, чунки фақат виждон шахсий онгнинг якуний мотивлар жойлашган ички қатламларига кириб боради. Масалан, оқибатлар ахлоқига, яъни утилитаризмга бундай қарама-қаршилик бўлар эди. Утилитар ёндашув ҳаракатнинг яхшилигини, бас, ахлоқий қийматини у яратадиган макон ва замоннинг ташқи, аниқ, ўлчанадиган афзалликлари нуқтаи назардан белгилайди.

Шундай қилиб, умуман олганда дин сифатида, Ислом христианлик каби ўзининг йигирма асрлик тарихининг муҳим қисми давомида кўп ҳолларда кўриб чиқилган шахсий ва субъектив дин эмасдир. Аксинча, Ислом инсонни тарихга кириш, унинг жараёнларига аралashiш, ўз кучларини ва шу тарика одамлар ва табиатни Аллоҳ нозил қилган нақш асосида коинотни ислоҳ қилиш учун сафарбар қилишни назарда тутди. Мусулмон ўз лаёқатини айнан шундан кўради: тарихга кириб дунёни ўзгартириш.

Яратилишдаги ҳеч нарса муқаддас бўлмаганлиги сабабли (фақатгина Аллоҳ субҳондир ва У яратилишдан ташқаридадир) яратилишдаги ҳамма нарса бир хил даражада зарур, қимматли ва Аллоҳ Таолонинг ер юзидаги ўринбосари-*халифаси* топшириғи учун мос келади. Дунёни муқаддас ва дунёвий нарсаларга ажратадиган динлар охир-оқибат инсон ҳаётини турлича бўлишади. Уларнинг фикрига кўра, ибодат баъзи кунларда долзарб, бошқа кунларда бундай эмас; черков ёки маъбадда ибодат пайтида тегишли бўлиб, лекин улардан ташқарида эмас; кексаликда, лекин ёшлиқда эмас; шахсий эҳтиёжлар учун, лекин умумий иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар учун эмас; яқин қўшнилар учун, лекин давлатнинг қарорлари ва амаллари учун эмас.

Буларнинг барчаси мусулмонлар томонидан ҳижратни нишонлашда назарда тутилган. Бу эса одамга бир йил ўтганини ва бошқаси бошланганини эслатиб туради. Бу шахсий ҳаёт соҳасида эмас, балки Ислом жаҳон ҳаракати ва жаҳон давлати сифатида бўлган ижтимоий ҳаёт соҳасида хулоса чиқариш пайтидир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада бошлаган дунё ҳаракати Аллоҳ васият қилган мақсадни амалга оширишга қанчалик яқин? Бу инсониятни жалб қилиш ва сафарбар қилишдан қанчалик узоқда? Бу инсониятни даҳо, қаҳрамонлик ва муқаддаслик ёдгорлигига айлантиришдан қанчалик йироқ? Бу табиатни жаннатга айлантиришдан қанчалик узоқдир?

## Исро ва Меърож

Яхудийлик ва насронийликнинг қадимги цивилизациялари бешигида туғилган дунё динларининг энг ёши сифатида Ислом ушбу динлар билан алоқани эътиборсиз қолдиролмаган эди. Исломнинг башорат назарияси яхудий пайғамбарларининг башоратини, шунингдек, хотираси тирик бўлган Исо алайҳиссаломнинг башоратини тан олиш билан боғлаган. Қуръонда уларнинг кўплари тилга олинади ва Иброҳим, Яъқуб, Шуайб, Мусо, Довуд, Сулаймон, Юнус ва Исога (алайҳиссалом) алоҳида эътибор берилади. Улар ва уларнинг издошлари Қуръонда *ҳанифлар*, яъни на яхудийлар, на насронийлар ва на Макка динига эътиқод қилувчилар бўлган, бироқ ўзларининг ахлокий поклиги, диний қарашлари ва маънавияти учун жуда ҳурматга сазовор бўлган кишилар сифатида кўрсатилган. Шу боис Ислом уларга нисбатан муносабатини билдириши лозим эди.

Аввалам бор, Қуръонда Иброҳим пайғамбар алайҳиссалом *ҳаниф* деб аталади. *Ҳанифлар* Липит-Иштар давридан Саргон ва Хаммурапигача, Иброҳим ва Мусога ва ниҳоят Исогача (алайҳиссалом) бўлган сомиий диний онги бутун меросининг араб ташувчилари бўлган. Албатта, уларнинг сафлари диний элита кўпинча ортодоксал яхудийлик ва ортодоксал насронийлик билан тўқнаш келган Фаластин, Иордания ва Суриядаги таъқиблардан қочганлар томонидан тўлдирилган. Довуднинг давлат дини, яхудийларнинг Бобил асирлигидан кейин пайдо бўлган, Езра ва Нахимиё томонидан қонунийлаштирилган версия, Фарзийлар, Маккабийлар ва раввинлар мактаблари давридаги сўзма-сўз, қонуний версия – буларнинг барчаси фақат муртадларнинг такрорий тўлқинларидан кейин содир бўлган.

Улардан баъзилари яқин қарашларга эга бўлган араблар орасида бошпана топганлар. Христианликда ҳам худди шундай, черков ичидаги Христология ҳақидаги келишмовчиликлар деярли ҳар доим баъзи тарафдорларни қувиб чиқаришга ва/ёки таъқиб қилишга олиб келади. Искандарнинг меросхўрлари томонидан зўраки Эллинизациядан қочган яҳудий қочқинлар, шунингдек, Рим ва Яҳудийларнинг таъқибларидан қочган насроний қочқинлар ҳақида эслатиб ўтиш керак. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “*ҳаниф*” оромий “*ханепай*” (*hanepai*) сўзининг араб шакли бўлиб, “бидъатчи”, “рад этилган” ёки “ажралган” деган маънони англатади. Диний элита нуқтаи назаридан эса қочқинлар бундай бўлишган. Аммо кўплаб *ҳанифлар* бундай қочқин бўлмаган бўлиши мумкин. Ахир, арабларнинг динидан бошқа ҳар қандай динга эътиқод қилувчи қочқинлар, агарки арабларнинг баъзилари аллақачон ана шу дин тарафдорлари бўлмаса ёки унга ҳамдард бўлмаса, айнан араблардан бошпана излашлари мумкин эмас. Бундай маҳаллий *ҳанифларнинг* аксарияти вақт ўтиши билан натурализация бўлган ва араблашган кўчманчилар томонидан кенгайтирилган бўлиши мумкин.

Исломнинг *ҳанифлар* билан ўзини ўзи идентификациялаш тўлиқ эди. Этник жиҳатдан улар ўзларини Иброҳим алайҳиссаломнинг аждоди деб ҳисоблашган ва уни биринчи *ҳаниф* деб даъво қилишган. *Ҳанифларда* Исломни улар билан аниқлашга ҳисса қўшган таниқли битик йўқ эди. Уларнинг дини ҳақида Маккаликлар орасида маълум бўлган нарсалар билан Ислом сўзсиз рози бўлган. Бунга яккахудолилик, Худонинг трансцендентлиги, ҳартомонламалик ҳамда ҳарбий, тақводор ва инсонпарвар қадриятларнинг қатъий ахлоқи кирган.

Яҳудийлик ва насронийлик билан вазият бошқача эди. Бу динларнинг ҳар бири узоқ вақтдан бери ўз муқаддас диний битиклари, черков таълимотлари ва муассасаларига эга бўлганлар. Уларнинг баъзи таълимотлари мутлақо тўғри ва ҳақиқий бўлганлиги туфайли улар билан тенглаштиришга отлантирган. Айрим қарашлар эса, аксинча, бутун сомий анъаналарга бегона эди, бас, Исломга ҳам зид бўлган. Бу динларнинг Қуръон танқиди Мак-

кадаги ваҳий даврига бориб тақаладики, ўшанда мусулмонлар Маккаликлардан бошқа динга мансуб одамлар билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаганлар. Бинобарин, бу икки диннинг Исломи танқиди мусулмонларнинг яҳудийлар ва насронийлар билан ижтимоий-сиёсий ўзаро муносабатига боғлиқ эмасдир. Ислому ҳеч иккиланмасдан уларга мерос бўлиб қолишлик, шунингдек, уларнинг моҳиятан бирдайлигини эълон қилган. Ислому уларни асл манбаи Аллоҳ бўлган қонуний динлар деб тан олган. Бироқ, у уларнинг ёзувлари ҳақиқий ваҳий билан бир қаторда инсоний уйдирмаларни ўз ичига олган тарзда ўзгартирилганлигини шафқатсиз танқид қилган. Бундан ташқари, у ўз тарафдорлари ушбу динларнинг кўрсатмаларига етарлича ёки умуман риоя қилмасликларини қоралаган. Шу билан Ислому иккита мақсадга эришган: у бу динларга манбаи бир хил Худо бўлган бир оиланинг аъзолари сифатида қараган ва у ўзини уларнинг инсоний бузилишларидан ажратиб, уларнинг тарафдорларини соғлом фикр юритишга, шунингдек, Эски ва Янги Аҳдларни маълум даражада танқид остига олишни таклиф қилган.

*Исро* ва *Меърож* – Исломининг ўзини яҳудийлик ва насронийлик билан бир занжирда таърифлаш байрамидир. Ҳикояда баён қилинишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ажойиб тунги саёҳатида ташриф буюрганлар. Қуддус ҳақида ва ўша кечада Қуддусдан осмонга кўтарилганларида Раббий пайғамбарлари билан суҳбатлашганлар. Албатта, ҳар қандай бошқа узоқ шаҳарга тунги саёҳат ҳам худди шундай ажойиб бўлар эди. Бошқа томондан, осмонга ер юзидаги ҳар қандай аҳоли яшаган жойда ҳам эришиш мумкин бўлар эди. Нима сабабдан Қуддус танланган эди? Шубҳасиз, бу шаҳар яҳудийлик ва насронийликнинг диний пойтахти, шунингдек, Ислому ўзини тенглаштиришга интилган пайғамбарлар маскани бўлганлиги сабабли. Мусулмонлар аввалдан шимолга, Қуддус томонга ўғрилиб, ибодат қилаётган эдилар.

Ушбу воқеа тафсилотлари Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек ривоят қилинган. Кечаси унга аввал бир неча бор ваҳий олиб келган фаришта уйғотган. Фаришта Пайғамбар

соллаллоҳу алайҳи васалламга махсус от олиб келиб, у отга минган. От осмон бўйлаб учиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга йўлларда саёҳатчиларни ва уларнинг карвонларини кўришга имкон берган. Қуддусга етиб боргач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам отни *Ал-Ақсо* масжидига туташ “Йиғи деворига” боғлаганлар ва ҳозир “Қуббат ас-Саҳро” остида жойлашган қоядан осмонга кўтарилганлар. У ерда уни кутиб олиш учун йиғилган барча пайғамбарлар (алайҳиссалом) билан учрашиб, ибодат қилганлар ва Аллоҳ Таолога ҳамду-санолар айтганлар. Аллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва бутун мусулмон умматига намозни фарз қилган. Кейин у жаннат ва дўзах бўйлаб саёҳатга чиқиб кетганлар, шундай қилиб, мусулмонларнинг ҳикоялари мусулмон дунёсида ва Ғарбда жаннат ҳақидаги кўплаб романтик ва мавҳум қиссаларнинг манбаи бўлган. Шунини таъкидлаш жоизки, Дантенинг “*Илоҳий комедия*” асари бу мусулмон мавзусининг насронийларга мослашувидир.

*Исро* ва *Меърож* байрамида мусулмонлар барча пайғамбарларнинг, бинобарин, барча динларнинг, хусусан, Қуддус ва унинг атрофлари билан боғлиқ динларнинг буюк бирлигини нишонлайдилар. Пайғамбарлар орасида сомиий динлар оиласининг учта асосий оқимининг асосчилари – Иброҳим, Мусо ва Исога (алайҳиссалом) алоҳида ўрин берилган.



## **4-ҚИСМ**

### **Мусулмон оиласи**

### Аёл

ИСЛОМГА кўра, аёлни Аллоҳ Таоло эркакнинг дўсти ва йўлдоши бўлиш учун яратган. Аллоҳ, ҳар ким тинчлик ва мамнуният топиши учун эркак ва аёлга шундай ўзаро мувофиқликни кўйган. Куръон эркак ва аёлни бир-бирлари учун “либос” деб атади, бу уларнинг ўзаро яқинлиги ва ўзаро боғлиқлигини англатади. (Куръон, 2:187: жисмоний ва доимий равишда кийимдан кўра яқинроқ нима бўлиши мумкин?) Диний бурчлар масаласида Ислом иккала жинсни ҳам мутлақо тенглаштирмакда. У ҳайз, ҳомиладорлик ва туғруқдан кейин тикланиш пайтларида аёлни бу вазифалардан озод қилади. Инсоният тарихида илк бор аёлга Аллоҳ инкор этиб бўлмайдиган ва мустақил ҳуқуқдорлик ва фуқаролик ҳуқуқларининг тўлиқлигини ато қилган. Аёллар озодлик ҳаракатларининг энг юқори интилишига милодий 625 йилдаёқ Исломда эришилган.

Исломда юридик шахс сифатида вояга етган аёл ўз исми-ни умрбод сақлаш ҳуқуқини олади; ўз хоҳишига кўра кўчар ва кўчмас мулкка эгалик қилиш, сақлаш ва сотиш ҳуқуқига тўсқинликсиз эга. Аёлнинг қандайдир тарзда иштирок этадиган ҳар қандай битим учун, хоҳ ўз мулкнинг энг кичик улушидан фойдаланиш, ерларини етиштириш ёки, аввало, никоҳ учун унинг онгли розилиги зарурдир. Уни ҳеч нарсага мажбурлаб бўлмайди. Агар у вояга етган бўлса ва шу боис ота-онасига ёки васийларига қарам бўлмаса ёки бошқа шахсни ўзига ҳимоячиси ёки вакили этиб тайинламаган бўлса, у ҳолда битим қонуний кучга кириши учун аёл ўз ҳуқуқларидан шахсан фойдаланиши керак.

Исломда аёл ёвузлик манбаи эмасдир. У Одам Ато алайҳиссаломни васвасага солмаган; на шайтон, на ўлим, хоҳ жисмоний, хоҳ ахлоқий бўлсин, у орқали дунёга келган. Одам Ато алайҳиссалом ва Момо Ҳавво ҳақидаги Қуръон ҳикоясида ҳатто итоатсизлик ҳаракатида Момо Ҳавво тўғрисида ҳам айтилмаган. Итоатсизлик ҳаракати жинсий келиб чиқишни ўз ичига олмаган ва “билим дараҳти” билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Исломда билимга интилиш ёвузлик эмас, балки энг аҳамиятли вазифадир. Қуръонда айтилишича, ҳам Одам Ато алайҳиссалом, ҳам Момо Ҳавво жаннатдан қувилган; аммо улар тавба қилганликларини ва Аллоҳ уларни кечирганлигини қўшимча қилади. Бинобарин, Исломда ҳеч қандай шаклда “тушиш” ва “асл гуноҳ” йўқ. Ҳаворий Павелнинг аёлларни ўлим дунёга кирадиган восита сифатида қоралаши, хоҳ жисмоний, хоҳ ахлоқий бўлсин, Исломда умуман йўқ.

Шунинг учун аёл беайбдир. Аёл эркак учун барака, тасалли берувчи, бахт-саодат ва мамнуният манбаи; эркак унинг учун ҳам худди шундайдир. Мусулмонларда жинсий алоқада муаммо йўқ; бу озик-овқат ва сув, ўсиш ва ўлим каби табиийдир. Жинсий алоқа Худо томонидан яратилган, Худо томонидан марҳамат қилинган ва Худо томонидан ўрнатилган. У айб билан боғлиқ эмас; у, худди аёлнинг ўзи каби, бегуноҳдир. Дарҳақиқат, жинсий алоқа жуда матлуб. Қуръон Аллоҳ номига никоҳсизликни тақиқлаган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эса никоҳни ўзининг суннати ва намунаси қилиб, ҳар бир муслим эркак ва муслима аёл учун меъёрга айлантирганлар. Ер юзидаги ҳаёт билан боғлиқ бўлган барча нарсалар сингари, Ислом эркаклар ва аёлларнинг жинсий қониқишини ҳам тақводорлик, фазилат ва бахтнинг бир қисмига айлантирган.

Демак, аёл кўчар мулк эмас; у тўлиқ ҳуқуқдорликка эга бўлганлиги сабабли, у билан жинсий алоқа эндиликда тасодифий амал бўлиши мумкин эмас, балки, биринчидан, унинг розилиги билан содир бўлиши лозим; иккинчидан, унинг жавобгарлиги остида бўлиши керак. Масъулият нафақат эркакда, балки ҳам аёлдадир. Жинсий бузуқлик аслида ҳар бир томоннинг жавоб-

гарлигини бузиш бўлганлиги туфайли жон аччиғи билан қораланади.

Агар биз ахлоқий жавобгарлик талабига риоя қилишни истасак, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларни тартибга солишимиз ва тўғрилашимиз даркор. Шу мақсадда Ислом бу муносабатларни тартибга солувчи бутун бир қонунлар тизимини ишлаб чиққан. Ислом эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларни тасодифан ёки бошқа шахсларнинг назорати остида қолдириб бўлмас, деб ҳисоблайди, шунинг учун вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳолда жинсий алоқа мавзуси ноўрин, чунки бу катталар орасидаги муносабатлардир. Никоҳнинг ўзи, институт сифатида, Ислом томонидан жавобгарликнинг ахлоқий талабларига қатъий риоя қилиш сифатида қаралади. Ислом никоҳдан ташқари жинсий алоқани қоралаб, уни жазоланадиган жиноят деб ҳисобласа, у бунинг жинсий алоқанинг ўзига нисбатан эмас, балки жавобгарликни бузиш ҳаракати учун қилади.

Нима учун Ислом турмуш қурмаган катталар ўртасидаги ўзаро келишуви билан жинсий алоқаларни масъулиятсиз деб билишни тушуниш қийин бўлиши мумкин. Эҳтироснинг ёрқинлиги ва жазаваси одамнинг ақлини қочириши мумкин. Бироқ, совуққонли ақл доимо эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларда жисмоний томон, ҳиссий томон ва руҳий томон борлигини аниқлайди. Зино эса бу томонлардан фақат биттасини, яъни жисмоний томонни қондиради, шунингдек, бу кўпинча узоқ муддатли ҳиссий томон эвазига ва ҳамиша руҳий томон ҳисобига содир бўлади. Бу шундай нарсаки, зинода иштирокчи айнан бошқасидан фойдаланадиган ёки ўзини ишлатишга рухсат этадиган кишидир. Албатта, шерик ўзини ва бошқа шахсни яқуний иттифоқнинг бир қисми деб ҳисоблайдиган муносабатларда, ушбу муносабатларни никоҳга айлантириш учун ҳамма нарса тайёр. Исломда никоҳ сирли ибодат эмас, балки фуқаролик шартномаси бўлиб, у орқали шериклар барча эркинлик ва масъулият билан бундан буён бир-бирларини восита эмас, балки яқуний эр-хотин деб ҳисоблаш ниятларини эълон қилишади. Келинг, эндиликда никоҳ қонунларига ўтайлик.

## Никоҳ

ИСЛОМДА НИКОҲ сирли ибодат эмас. Бу осмонда эмас, балки ер юзида тузилган никоҳ иттифокидир. Ҳар қандай инсон иттифоки сингари, у бузилиши мумкин. Бу эр-хотин ўзаро муносабатларини тартибга соладиган ваъда ёки шартнома. Бошқа ҳар қандай шартнома каби, у бир нечта таркибий қисмларга ёки зарурий қоидаларга эга. Улар қаноат ҳосил қилган тақдирда, шартнома иккала томон ҳам унга киритишга рози бўлган бошқа қоидаларни ўз ичига олиши мумкин. Никоҳ учун тўлик эркинлик билан бир-бирига уйланишга рози бўлган иккита катталар бўлиши шарт. Вояга етмаган шахсни ота-онаси уйлантириши ёки хотин олиб бериши мумкин, аммо у вояга етганида никоҳ шартномасини тузиш ёки уни рад этиш ҳуқуқига тўлик эга бўлади. Агар никоҳ аввал амалга оширилган бўлса ҳам, Ислом эр-хотинлардан бирига, агар хоҳласа, балоғат ёшига етганида уни бекор қилиш ҳуқуқини беради.

Иккинчи талаб шундаки, шартномада эркак зиммасига юкланадиган ва аёлга тўлаш шарт бўлган икки турдаги сеп тавсифи бўлиши керак. Биринчиси никоҳдан олдин берилиши лозим. Бу одатда аёлнинг шахсий мулкига айланадиган ва бундан бўён унинг розилигисиз ажралмас ҳисобланадиган заргарлик буюмлари ва кийим-кечак совғаларидан иборатдир. Иккинчиси тахмин қилинган бўлиб, никоҳ ажралиш билан тугаган тақдирдагина тўланади. Исломда ажралиш эркак учун рад этиш йўли билан мумкин бўлганлиги сабабли, иккинчи сеп эркакнинг маъсулиятсиз хатти-ҳаракатларига қарши аёлнинг “суғурта бадали” вазифасини бажармоқда. Исломий никоҳ шартномасининг учинчи таркибий қисми икки гувоҳнинг иштирок этиши, шу-

нингдек, уларнинг шартнома мазмуни ва шартларини тасдиқлашидир. Мабодо шартнома оммавий бўлмаса, ҳақиқий эмасдир, чунки жавобгарлик мажбурияти ошқора қабул қилинганида, уни бажариш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

Шартнома тарафлари ушбу учта таркибий қисмдан ташқари, ўз хоҳишларига кўра, ахлоқ қонунларини бузмайдиган бошқа қоидаларни ҳам қўшишлари мумкин. Никоҳ шартномаси эркак ёки аёл ҳуқуқига эга бўлган турмуш тарзини белгилаши мумкин. У ҳам ушбу эр-хотинлик бир никоҳли бўлишини назарда тутиши ва агар эр такроран уйланса, унинг тугатилишини ( иккинчи ёки кечиктирилган сепни тўлашни) ўз ичига олиши мумкин.

Ислом ажралишга рухсат беради. Ажралиш эрнинг расмий рад этиши билан рўй бериши мумкин, аммо қонун бундай талокни уч марта эълон қилишни талаб қилади. Қонун биринчи ва иккинчи талокдан кейин қариндошлари ёки эр-хотин томонидан тайинланган бошқа шахслардан низони ҳал қилишни ва уйдаги уйғунликни тиклашни талаб қилади. Гарчи Аллоҳ буни “энг манфур” деб атаган бўлса ҳам, учинчи талокдан сўнг ажралиш якуний бўлади. Бепарво ва масъулиятсиз ажралишларнинг олдини олиш учун Ислом қўйидагиларни буюради: ҳеч бир эркак талок қилган хотинини, ўша аёл бошқа эркакка турмушга чиқмагунча ва ундан ажрашмагунча, қайтара олмайди. Бундай никоҳ иккаласи учун ҳам даҳшатли хўрликдир ва бу кўрсатма иккинчи сепдан кейин иккинчи тутиб қолувчи воситанинг вазифасини бажаради. Хотин эридан рад этиш йўли билан эмас, балки суд қарори билан ажрашиши мумкин. Бундай ҳолда, у судда ажралишни оқлайдиган қонуний сабаблардан бирини, чунончи юқумли касаллик, узоқ вақт йўқлиги, жинсий заифлик, шафқатсизлик, зино ва ҳоказо белгилаши керак. Суд чиқарган ажралиш ҳақидаги ҳукми ҳар доим якуний ҳисобланади.

Ислом кўпхотинлиликка ҳам рухсат беради. Эркак бир нечта аёлга уйланиши мумкин. Инсоннинг шахсий ишларида энг яхши ечим кўпхотинлилик шакли бўлган ҳолатлар мавжуд. Одамзот жамиятида аёллар сонининг эркаклар сонидан устун

қилиши мумкин, бундан ташқари, шундай вазият бўлиши мумкинки, кўпинча фарзандли ва қўллаб-қувватлашдан махрум бўлган бева ёки ажрашган аёллар кўпхотинлиликни ўзлари ҳақида қайғуришдан афзал кўришади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга барча болаларини туғиб, чорак аср давомида уни хурсанд қилган биринчи хотини вафотидан кейин Мадинадаги кўп никоҳлари шундай эди. Ҳеч ким олишни истамаган бешта фарзандли бўлган қочкин бева аёл, ҳамма такаббурлик билан муомала қилган собиқ қулнинг ажрашган хотини, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қариндошлари яраштирмоқчи бўлган кекса аёл ва ҳоказо. Кейинчалик у зот уйланган аёллар шундай эдилар. Аёлга барча фуқаролик ҳуқуқларини бериш, никоҳ шартларини белгилаш учун тўлиқ эркинлик бериш, шунингдек, “бўш сатрлар” фақат у томонидан тўлдириладиган унга ажралишдан “суғурта бадалини” тақдим этиш орқали Ислом аёлнинг энг яхши “дўсти” сифатида номланиши мумкин.

Ушбу қонуний қоидаларга қўшимча равишда, Ислом бир қатор ахлоқий кўрсатмаларни белгилаб берган. Аёллар Аллоҳнинг инъоми бўлганлиги сабабли уларга севги ва меҳр билан муносабатда бўлиш даркор. Улар ўзларига юклатилган вазифалар билан бир хил даражада барча ҳуқуқларга эга. Улар ўзларининг ифбатларини пок сақлашлари, уй хўжалигига қараб туришлари ва эрлари билан биргаликда Ислом жамоати ва давлатининг энг олий кўрсатмаларини бажаришлари лозим.

## Кенгайтирилган оила

Ислом назарда тутганидек, айрим аёллар оилавий ҳаётга ва бахтга мойил эмаслар. Баъзи аёллар ҳар хил мартаба, санъат, фан ёки одатда оилавий ҳаётни эслатадиган ишдан ташқари бошқа ишларга мойиллар. Бундай ҳолат янгилик эмас. Бу аёлни офис ва корхоналарда ишлаш учун уйдан олиб чиққан саноат инқилобидан бошланмаган. Бу эҳтиёж инсоният каби қадимги ва уни амалга ошириш имконияти пайдо бўлишидан олдин ҳам муаммоларни келтириб чиқарган. Бироқ, муаммо кўпинча мансабпараст аёлнинг мартаба билан бир қаторда оиласи, уйи ва фарзандлари бўлишни хоҳлаши ва бу икки томонни бир-бирига мос келмайдиган деб ҳисоблашида ётади.

Ислом аёлни ўзини ўзи боқиш учун меҳнат қилиш заруратидан халос қилиш мақсадида энг яқин эркак қариндошларига, хоҳ вояга етмаган, хоҳ балоғатга етган аёлларни ўзлари билан бир хил даражада қўллаб-қувватлашни буюрмоқда. Ушбу кўрсатма фақат аёл турмушга чиққанида тўхтатилади. Кейин уни таъминлаш маъсулияти эрнинг зиммасига тушади. Ажралиш ёки бева қолгандан сўнг, аёл ҳомиладор бўлган ёки болани эмизган ҳоллардан мустасно, буйруқ қайтадан сақланиб қолади. Бундай ҳолда, унинг “эри” қонунга биноан уни ва боласини туғишдан кейин икки йил давомида боқишга мажбурдир. Умр давомида бундай боқишни ҳисобга олган ҳолда, Ислом аёлга эркак улушининг фақат ярмини мерос қилиб олишини буюрган.

Шунга қарамай, баъзи аёллар бу иқтисодий кафолатдан қониқишмайди. Айрим аёллар ижодий шахслардир ва уларнинг ижодкорлиги учун ташқи фаолият билан таъминлашни талаб қилиши мумкин. Агар у кичик оиладаги ягона вояга ет-



ган аёл бўлса, унда унинг мартабаси ёки уйи зарар кўриши зарур, яъни, у иккисининг биридан воз кечиши керак. Альтернатив қарор сифатида, у иккаласи билан ҳам навбат билан шуғуллана олади: уй ва болалар билан оилавий ҳаётининг дастлабки даврида; мартаба билан эса кейинги даврда. Аммо амалиётнинг узок вақт йўқ бўлганлиги ва ёши унинг ёрқин ижодий мартаба имкониятларини чиппакка чиқариши мумкин. Бундай ҳолда, у катта эҳтимол билан котиб, ассистент аёл, сотувчи ёки фабрика ишчиси сифатида фақат ёрдамчи хизматларни кўрсатиши мумкин. Агар у ёшлигида мартабасини бошласа, унда фарзандлар ҳам, оилавий бахт ҳам азоб чекиши муқаррар бўлса керак. Уй бу ётоқхона ва ошхонадан юқори ўринда турган нарсадир. Қониқиш ҳисси учун одамлар шароитнинг гўзаллиги дўстона суҳбат ва ёқимли фаолият билан бирлаштирилган ҳолда шинамлиқка ва маълум миқдорда уйдаги бўш вақтга муҳтож. Бу иккала ота-она ҳам ишлайдиган уйларда мавжуд бўлиши даргумон. Бундай ота-оналар ҳар бири учун зарур бўлган хотиржамликни бир-бирларига беришга тайёр эмаслар.

Агар уйда бошқа катта ёшлилар, хоҳ эркаклар, хоҳ аёллар бўлса, бу “кенгайтирилган оила” бўлган уй бўлса, ҳамма нарса бошқача бўлиши мумкин. Ота-оналар, опа-сингиллар ва ака-укалар, бобо-бувилар, амакилар ҳамда холалар, уни кераксиз буюм қатори ҳис қилдирмасдан, мансабпараст аёлнинг уйида керак бўлган барча ғамхўрлик билан таъминлаши мумкин. Ахир, уй ҳаммага тенг даражада тегишлидир. Агар аёлнинг фарзанди бўлса, унда қариндошлар берадиган севги ва эътибор яқин муносабатлар натижасида барақадир. Бу унинг оиласининг бир қисмига ёки умуман уйига бўлган ташвишларини, шунингдек, иш кунидан кейин болаларига оналик ғамхўрлигини истисно қилишни англатмайди. Моҳият шуки, унинг йўқлигида уй қаровсиз ёки бегона хизматкорлари қарамоғида қолмайди; болаларни эса интернетнинг, телевизорнинг, ёт энгагининг ёки “болалар боғчасининг” ихтиёрига топширмайди.

Бундан ташқари, кенгайтирилган оиладаги турли хил феъл-атворлар ва ўзига хос хусусиятлар, кайфиятлар ҳамда мижозлар ҳар кимга уни энг яхши кўрадиганлар даврасида ўзи ёқтирган нарсани қилиш имкониятига эга бўлишни таъминлайди. Бирор кишининг кайфияти қувноқ ва хурсандчилик, маъюс ва ғамгин бўладими, у дўстона суҳбат ёки мулоҳаза юритишга, машаққатли меҳнат қилиш ёки дам олишга, сайр ёки ёлғизликка хафсала қиладими, кенгайтирилган оилада эр, хотин, ўғил ёки қиз деярли хамиша бу ҳолатларда унга қўшилиш учун кимнидир топади. Агар кимдир ёлғизлик ва ғамхўрликни талаб қиладиган ҳолатда бўлса, гап севикли ва яқин қариндошлар ҳақида кетганлиги туфайли бунга хафагарчилик ва айбловлар ҳам йўл қўйилади. Бундай яқинлар доираси соғлом психика ва ижтимоий саломатлик учун мутлақо зарурдир. Одамлар озиқ-овқат ва ҳавога муҳтож бўлганидек, севги, маслаҳат, яқинлар доираси ва беғараз ғамхўрликка муҳтож. Ҳаётда тўлиқ махфийликка фақат ёлғизлик эвазига эришиш мумкин. Ғариблик ёки ёлғизликдаги ҳаёт оқибатлари шунчаки ёлғизлик берадиган коникишдан анча устундир.

Кенгайтирилган оила худди уйда иш олиб борилганидек, нафақат уйдан ташқарида мансабни амалга оширишга имкон беради, балки бутун жамиятни соғлом қиладди. Кенгайтирилган оила руҳий касалликлар ва барча турдаги оғишларга қарши энг яхши кафолатдир. Ислом буни фақат яхшилик сифатида тавсия қилмайди. У буни қонунлар билан қўллаб-қувватлайди. Бунга муҳтож бўлган ҳар бир кишига энг яқин қариндошидан ёрдам олиш ҳуқуқини белгилаб қўйган. Бундан ташқари, шахснинг қонуний меросхўрлари нафақат турмуш ўртоғи ва фарзандлари, балки вертикал равишда ҳар иккала йўналишда ҳам – унинг барча тирик ота-оналари, бобо-бувилари, шунингдек, барча набиралари ва эваралари бўлиши белгиланган. Бинобарин, оила аъзоларининг барчаси ҳам севги, ҳам қонун ёрдамида бирлашади.

## **5-ҚИСМ**

### **Мусулмон Ишчи**

## Табиатдан оқилона фойдаланиш

ЮҚОРИДА айтиб ўтилганидек, одам ер юзида Аллоҳнинг *халифаси* ёки ўринбосари сифатида, шунингдек, дунёни нима бўлишидан, нима бўлиши кераклигига айлантириш учун яратилган. Табиатдаги Худонинг иродаси, албатта, табиий қонунлар иши билан амалга оширилишини ҳам айтдик. Ниҳоят, Аллоҳ Таоло Қуръонда яратилишдаги ҳамма нарса инсон бахтига хизмат қилиш ва уни фаровонликка олиб бориш учун яратилганлиги ва ёки ўзгартирилиши мумкинлиги ҳақида эслайлик.

Бундан келиб чиқадики, табиат кишининг душмани эмас. Бу одамга қарши турадиган ва уни забт этишга ва бўйсундиришга ундайдиган шайтоний куч эмас. Бундай фикр космогониялар дунёнинг ўзини яхши ёки ёмон, лекин кўпинча ёмон Худога айлантирадиган динларга тегишли. Бундай худолар ёки хтоник (иблисона) кучлар тинчитиб қўйилиши лозим, агар бўйсундирилмаган ёки манипуляция қилинмаган бўлса, инсон манфаати учун ишлаши керак. Ислом эса табиатни инерт ва нейтрал, энг яхши ҳолатда катта ижобий неъмат, деб билади, шунингдек, у берадиган қувонч бу жаннат мукофотининг олдиндан тўланадиган ҳақлари. Бу Аллоҳ томонидан инсон ўзининг яхши ишларини қилиши керак бўлган ҳаракат майдони сифатида яратилган тартибли коинот. У Яратувчи томонидан энг яхши ўлчовларга, энг яхши шаклларга, энг яхши намуналарга мувофиқ мукамал тарзда мослаштирилган ва ташкил этилган ва шу боис ҳар қандай нуқсонлардан мутлақо маҳрумдир.

Табиатда ҳодисалар табиий қонунларга биноан, яъни Худонинг иродасига мувофиқ содир бўлади. У қатъий тартибга солинган. Аммо унинг тартиби унинг Яратувчисига боғлиқ

бўлиб, Унинг иродасига бўйсунди. Ушбу ироданинг инжиқлик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ – Қуръон иродани абадий ва ўзгармас деб таърифлайди. Шундай қилиб, табиатда сабабли ният ва аниқлаш ишлаб туради деб ишонишимиз мумкин. Табиат тартибининг асоси бўлган бу ишонч инсоннинг халифа-ўринбосарлик вазифасини бажаради. Агар инсон табиатда ҳаракат қилишга мажбур бўлса, тизим аниқ ва олдиндан айтиб бўладиган натижаларга эришиш учун инсоннинг самарали аралашувини қабул қилишга қодир ва ишончли бўлиши даркор. Акс ҳолда, агар одамнинг сабабли самарадорлигини олдиндан айтиб бўладиган натижаларга эришиш ишониб топширилмаса, унда мақсадга мувофиқлик ва шу билан илоҳий тайинланган халифа-ўринбосарлик бузилади.

Ушбу тамойилларга риоя қилган ҳолда, мусулмонлар табиатни очик китоб, зарур билим ва интизомни сақлаган ҳар бир киши ўқиши мумкин бўлган Аллоҳнинг иккинчи ваҳийси сифатида қабул қилганлар. Улар Қуръонни ўқиш осонроқ эканлигига ишонишган. Унинг Аллоҳнинг иродасини ифодалаши очикдан-очик ва нотикдир. Табиатнинг сирини, қонунини очиб бера олиш учун унга илмий тадқиқотлар ва тажрибалар билан қуролланган ҳолда “яқинлашиш” керак. Бироқ маълум бир тайёргарлик билан унинг ҳақиқати Қуръондек равшан бўлади.

Бу илм-фанни ҳеч қачон ривожлантирмаган Арабистон ярим оролидаги араблар классик қадимги даврнинг илмий меросига шундай иштиёқ билан астойдил киришганини, шунингдек, милодий 700 йил атрофида кимё ва ботаника бўйича қўлёзмалар Шарқий Форсдан Искандарияга юборилганини ва мамнуният билан минг олтин пулга алмаштирилганини тушунтиради. 800 йилга келиб, мусулмонлар томонидан қадимги даврнинг яхши таниш бўлмаган ва ўзлаштирилмаган илмий ва фалсафий ютуқлари қолмаган. Аста-секин, бу Аллоҳ тўғрисида Исломиёй тушунчасига зид бўлган юнон табиатшунослик дастлабки шартлари билан тўқнашувга олиб келган.

Ушбу муаммо олимларни ташвишга солмаган, улар чуқурроқ масалалар ҳақида қайғурмасдан ишлашни давом эттиришган. Бу муаммони файласуфлар ўз зиммаларига олиб, уларнинг қўлларида ноаниқ тахминлар аниқланган ва якуний хулосаларга келтирилган. Космик тартиб космик детерминизмга айланган, модда абадий бўлиб, илоҳий ташаббус ва башорат рад этилган. Арасту тоифалари гўёки инкор этиб бўлмайдиган асос эдилар. Агар табиий қонун ҳақиқий қонун бўлса, уни қўллаш ҳартомонлама бўлиши лозим. Бу бизга ёпиқ маконни берадики, у ерда содир бўлиши учун етарли сабабдан бошқа ҳеч нарса рўй бермайди. Аммо агар бундай сабаб мавжуд бўлса, унда унинг кетидан албатта таъсири юз бериши керак. Шундай қилиб, сабаблар занжири дунёни ўраб олади. Эҳтимол, Худо тизимни яратган, лекин у буни бошқармайди. Соат механизми каби, у ўз-ўзидан ишлайди. Ҳамма нарсанинг дастлабки шарти бўлиб, моддани йўқ қилиб бўлмайди. У шунчаки шаклини ўзгартиради. Бинобарин, у пайдо бўла олмайди, яъни яратилиши мумкин эмас. У абадий, Худо билан бирга абадийдир.

Буюк Ал-Ғаззолий бу фалсафага машъум зарба берган. Қарийб минг йил ўтгач, унга эргашган Дэвид Юм сингари, Ал-Ғаззолий ҳам сабабли боғланишларни таҳлил қилиб, уни керакисиз деб топган. У шундай фикр юритган: “А”нинг “Б”га эргашиши илм-фаннинг кузатувлари томонидан аниқланган нарсадир, лекин бу “А”нинг “Б” натижасида юз беришини билдирмайди ёки назарда тутмайди. “Б - Анинг сабаби” деган муҳокамаси фақат мумкин бўлган воқеликнинг умумлаштириши бўлиб, биз “А”нинг “Б”дан келиб чиқадиган вазиятга қанчалик тез-тез дуч келсак, эҳтимоллик ортиб боради, лекин ҳеч қачон “1”га тенг бўлган мукамал қийматга эришмайди. Агар олим “А”нинг “Б”га эргашишига тўлиқ амин бўлса, унинг ишончи қардан келади? Бу унинг дунё тартиби ёки баёотнинг якуний қисми келиб чиқадиган онтологик мувозанат келажакда доимо ишлайди деган ишончидан келиб чиқади. Бу ишонч илм-фаннинг эмас, балки дин маҳсулидир. Модда барча ҳодисаларнинг асосида бўлган ва ҳатто улардан олдин юз берган бўлиши мум-

кин. Аммо у ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин эмас эди. Агар бунинг сабаби бўлса, унинг сабаби, ўз навбатида, орқага қайтишдан қочиш керак бўлган тақдирда, бошқа сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин эмас. Замонавий астрономия ва космик фан кенгайиб бораётган коинот ҳақидаги таълимотга зид эмас. Бу хулоса замонавий фан фалсафасига тенг даражада тааллуқлидир, сабаби ёпиқ макон назарияси XX аср томонидан путур етказилган XIX асрнинг инжиқлигидир.

Табиат мослашувчан ва ўзгаришга қодир, деб хулоса чиқаришимиз мумкин. Инсон табиатнинг шаклларини улар бўлиши керак бўлган ҳолатга келтира олади. Қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, муҳандислик ва меъморчилик, бир сўз билан айтганда, бутун цивилизация айнан шундай бошқарувдан иборат. Бироқ, табиатга нисбатан ўч олиш ниятида ёки хафалик билан ёки табиат Яратувчиси олдида жавобгарликсиз қилинган ҳеч қандай ўзгаришлар узок вақт давомида жазосиз қола олмайди. Чунки табиатдан ахлоқий мақсадларда берилган Аллоҳнинг инъоми сифатида фойдаланилмаса, уни суиистеъмол қилиш аён бўлади. Агар Аллоҳнинг ахлоқий мақсади рад этилса, замонавий одам қилган зўравонлик ёки ҳалокат содир бўлмаслиги мумкинми? Ислолда табиатга бундай зарар етказиш ёки шахсий талаби нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш ножоиздир. Зероки, мусулмон учун табиатнинг махфий иши Аллоҳ Таолонинг намунаси ва иродасини ўз ичига олади, табиатнинг фойдалилиги эса фақат ахлоқий қонунни бажариш учун мўлжалланган илоҳий совғадир.

## Бойлик

ИСЛОМДА ахлоқий қонун чегараларидан мустасно инсон томонидан табиат неъматларидан фойдаланишнинг ҳеч қандай чегараси йўқ. Ушбу қонун қўшнига зарар етказиши мумкин бўлган табиатдан фойдаланишни тақиқлайди. Шу билан бирга, Исломиё ҳартомонламалик қўшнини ҳозирги ва келажакдаги барча кишилар сифатида белгилайди. Ушбу талаб доирасида инсон табиатдан хоҳлаганча олиши мумкин. Демак, Ислом табиат, инсон меҳнати, тўпланган билим ва бойликнинг бирлашган кучлари бошқаларга зарар етказмасдан тўлиқ ишлатилиши мумкин бўлган бозор тизимини тарғиб қилади. Ислом шайтоннинг иши деб эълон қилган қашшоқликка қаршидир. Одам ўзининг қамбағаллиги учун жавобгардир, гарчи у қашшоқликдан азоб чекса, у раҳм-шафқатга лойиқдир.

Пуританлар Худонинг инсонга бўлган розилигининг аломати – Унинг унга берган омади, деб ишонишган. Улар ҳаёт, табиат ва нажот ҳақида детерминистик (биргина маънога эга бўлган) қарашга эга эдилар. Худо қарор қабул қилувчидир. Бирор кишидан рози бўлса, унга моддий фаровонлик беради. Ушбу илоҳий предетерминизмга қарамай, пуританлик Американинг иқтисодий тикланишида муваффақият қозонган. Худонинг марҳаматига сазовор бўлган одамлар бўлишга интилиб, пуританлар моддий фаровонликда ҳам, Худонинг марҳаматида ҳам бойлик ва фаровонликка эришиш учун ҳаддан ташқари ғайрат кўрсатишган. Ахир пуританлар ўзларининг таълимотларига ишонганлар. Ўзининг фаровонлигини кўриб, кишининг иймони уни янада кўпроқ ғайратга илҳомлантирган ва у қанчалик кўп ҳаракат қилган ва ишлаб чиқарган бўлса, шунча кўп муваф-



фақиятга эришган. Мусулмон бу эътиқодни ўртоқлашган ва уни ўз халифа-ўринбосарлигининг маъноси амалга ошиши учун табиат ва дунёни ўзгартиришга мажбур, деган ишонч билан мустаҳкамлаган. Унинг тушунчасига кўра, Аллоҳ унга ва бошқа одамларга яшаш ва гуллаб-яшнаш учун имкон берадиган бойлик ишлаб чиқаришни буюрган. Агар унинг саъй-ҳаракатлари оқланган бўлса, у Худога шукур айтган, агар у муваффақиятсиз бўлса, ўзининг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги сўзсиз (яъни тўлиқ ва нукул) унинг шахсий ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиши шарт эмас деб ҳисоблаб, ўзини тута олган. У Худонинг қарорини ва ер юзида эришилган натижани тесқари жиҳатда қабул қилган. У муваффақиятга эришган ва бунинг ўз-ўзидан амалга оширган тақдирда, Аллоҳ уни келажакда муқофотлайди. Агар у муваффақиятсизликка учраган бўлса, унда Аллоҳ эмас, балки фақат ўзи айбдор бўлар эди.

Шундай қилиб, ҳар бир мусулмон ўз иймонига жиддий ёндашса, “миллионер” бўлишни хоҳлайди ва режалаштиради. Бироқ, Исломи унинг ҳалол ишлаб топиш орқали бойлик тўплаши кераклиги ҳақида огоҳлантиради. У ўз биродарларини алдамаслиги керак, балки ўзининг бойлигини яратиши керак. Бу бахтли воқеа бўлганлиги ва ундан орттирилган бойлик зўр бериш ва самарали меҳнат натижаси бўлмаслиги сабабли Исломи қиморни ҳаром қилади. Улар инсоният бойлигини оширмайди. Бу одамни янги бойлик ишлаб чиқаришга ундайди ва “ўзини ўзи яратган” одамни алоҳида ҳурмат билан қўллаб-қувватлайди. Саноати маҳсулотларини истеъмол қилиш, оқим сифатида чиқадиган янги маҳсулотларга кераксиз эҳтиёжларни яратиш, шунингдек, саноатнинг ишлашини таъминлаш учун ҳамма нарсанинг қисқа вақт ичида режалаштирилган маънавий эскирганлигига қаратилган замонавий рекламанинг нафислиги ва сохта васвасалар – буларнинг барчаси Исломи учун қабул қилиниши мумкин эмас. Маҳсулотларни тақсимлашда кўпроқ конструктив ва камроқ истеъмолчи, кўп қиррали бошқа усулларни топиш зарур.

Ислом ортиқча бойликнинг тўпланишига қаршидир. Бунинг олдини олиш учун у закотни ўрнатган. Закот тўпланган бойликка изчил татбиқ этилган тақдирда, уни бир авлодда “ейди”. Бошқача қилиб айтганда, 2,5% солиғи қўзғалмас капитални тугатиш учун йилларни тақозо қилади. Бундай бойлик ишлаши лозим, яъни инсониятнинг умумий бойлигини оширадиган, кўп сонли одамларни иш билан таъминлайдиган ва шу билан ерни Жаннатга яқинлаштирадиган ишлаб чиқариш корхоналарига сармоя киритилиши керак. Бойликни ишлаб чиқаришга қайтариш закотнинг фойдали таъсирларидан биридир. Бойликнинг бундай кўпайишини таъминлаш ва натижада бандликни ошириш ва чин бойлик, яъни моллар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун Ислом фоизни (фойдани) тақиқлайди. Фоизлар хавф-хатарсиз фойда тўплашни назарда тутади, бу ҳолда у бутунлай қарз олувчига тушади. Маълум маънода, қарз берувчи ҳам одатда ўз пулини қарзга бериш хавфини ўз зиммасига олади. Бироқ, биринчидан, ўргача ҳисобда, “ёмон қарзлар” даражаси паст бўлишига қарамай, унинг бойлиги ўсиб бормоқда. Акс ҳолда, ҳеч бир банкир бизнесда узок вақт қолмайди. Иккинчидан, қарз берувчининг таваккалчилиги кўпинча “қийин” тўплашига қарши “осон” нарсалардан биридир, чунки у қарз олувчидан у тақдим этиши мумкин бўлган барча гаров ва кафолатларни талаб қилиши керак. Ислом қарз берувчини ўз бойлигини ишлаб чиқаришга бевосита сармоя қилишга ундаш орқали “молиячи” синфини йўқ қилишга интилади. Ислом, шубҳасиз, кооператив қарз ва хайрия жамиятини ташкил этувчи ҳар қандай гуруҳ аъзоларининг жамғармаларини тўплаш ва улар орасида муҳтожларга фоизсиз ва иштирокчилар қарорига биноан пул беришни мақсад қилган ҳар қандай гуруҳнинг саъй-ҳаракатларига барака беради.

Бойлик ишлаб чиқарилганда ва ўзлаштирилганда Ислом уни яна ишлаб топишни, лекин бу сафар ахлоқий жиҳатдан талаб қилади. У закотни (ёки “ширинлаштирувчи”) буюрадики, бир марта жамиятга тўланганда бойликни *ҳалол* (ёки “ширин”) қилади, бас, у мос равишда тўлиқ мақбул ва эгаси хоҳла-

ган тарзда сармоя қила олади. Бу эгасини қўшимча равишда, аммо бу сафар белгиланган миқдорсиз ёки маълум вақтсиз ва у хоҳлаган ҳар бир кишига беришга ундайди. Бунга *садақа* дейилади. Зақотдан фарқли ўларок, бу ихтиёрий ва ажойиб бўлиши мумкин. Уни ўрнатиб, Ислоом бой одамга қўшнисига бўлган ҳурматини унинг атрофдагилар орасида самарали қилиш йўлини тақдим этишга интилган.

Ислоом барча “божхоналарга” қаршидир. Ушбу муассаса бутун дунё бўйлаб бойликни эркин тақсимлаш йўлида девор ёки тўсиқ қуришни англайди. Бу мамлакатда ҳимояланган саноатни яратиш ёки қишлоқ хўжалиги учун дастлаб яроқсиз бўлган шароитларда “иссиқхона” каби нарса яратишга ўхшайди. Бироқ, бутун дунё бўйлаб меҳнат кучини эркин тақсимламасдан туриб, бойлик ва молларнинг дунё бўйлаб эркин тақсимланиши самарали бўлмайди. Дарҳақиқат, Ислоом барча “божхона” ва “иммиграцион” институтларининг йўқолишини истайди. Эркалар ва аёллар хоҳлаган жойда, текширувларсиз, рухсатсиз ва тўсиқларсиз эркин яшашлари ва ишлашлари лозим. Улар эркин жойини ўзгартиришлари, турмуш қуришлари ва бир-бирларидан ўрганишлари керак. Энг яхши далил, табиийки, одамлар онги учун курашда ғалаба қозонади ва энг яхши ҳаракатлар охир-оқибат уларнинг муаллифига муносиб етакчиликни қўлга киритишга ёрдам беради.

## **6-ҚИСМ**

### **Исломий дунё тартиби**

## Қонунга биноан умумжаҳон биродарлик

ИСЛОМНИНГ Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ деган қарашининг жуда муҳим натижаси (ҳар бир инсон Аллоҳ томонидан табиий дин билан таъминланган деган априор тахмин билан) унинг кўп қирралигидир. Унинг фикрига кўра, барча одамлар ер юзида Аллоҳнинг *халифа*-ўринбосарлари. Ҳаммаси ахлоқий мажбурият субъектлари ва бир-бирларининг ахлоқий таъсир объектларидир. Шубҳасиз, Исламга энг катта таҳдид бу тор маҳаллийчилик ёки провинциализм, яъни баъзи одамлар бошқа инсониятдан ўзларининг фарқларини улар билан умумийлигидан кўра кўпроқ кадрлашлари керак деган қарашдир.

Одамлар ҳақиқатан ҳам бир-биридан фарқ қилиши – бу сийқалиқдир. Фарқларнинг бир қанча турлари мавжуд. Улардан баъзилари ранги, шакли, баландлиги ва гавда тузилиши каби табиийдир. Бошқалар табиий, аммо вазн ва ташқи кўриниш, тил ҳамда кўплаб урф-одатлар каби ўз хоҳишига кўра ўзгартирилиши мумкин. Бошқалар эса, масалан, ақл, кўриш, ҳид билиш қобилияти, таъм сезгиси ва хотира ривожланиши мумкин, аммо қасддан ўзгаришларга камроқ берилувчандир. Исламнинг шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган фикри шундан иборатки, бу фарқларнинг барчаси инсоннинг кадр-қимматини ўлчаш, унинг ижтимоий фаолияти ва ҳаётини режалаштириш ва ташкил этиш учун аҳамиятга эга эмас. Инсоннинг Аллоҳ олдида яратилиши, уни барча одамлар билан бирлаштирадиган асос, анча муҳимроқдир. Бунинг тескарисига риоя қилиш одамзотни алоҳида этник гуруҳларга бўлиш ва этник ўтакетган худбинлик ёки миллатчиликка чақиришни англатади. Ушбу қарашлар инсоннинг фақат ўз этник гуруҳи аъзоларига бўлган муҳаббати

ва ғамхўрлигини назарда тутеди, шунингдек, эзгуликларни бегона одамдан ўз фойдасига тортиб олиш имкониятини тан олади. Этник ўтакетган худбинлик, бегона очлик ва адолатсизликдан ўлишидан ёки маданият ва фаровонликка тўла бўлишидан қатъий назар, этник гуруҳга тегишли бўлган ҳар қандай нарса учун бегоналарнинг аҳамиятини инкор этиб, ўзига асосланиб, соф сепаратив ва изоляционистик бўлиши мумкин.

Ислом хайрия уйдан бошланишини рад этмайди. Бу тамойил нафақат этник ўтакетган худбинлик учун мавжуд, балки этник ўтакетган худбинлик, миллатчиликнинг барча турлари сингари, этник ёки миллий гуруҳ яхшилик чегараларини ҳамда унинг фаровонлиги ва ривожланишини таъминлаш учун барча белгиланган идоралар олдидаги мажбурият чегараларини ташкил этишини таъкидлайди. Аслида, у ҳатто ўз халқининг бошқалардан устунлигини таъкидлайди ва шу устунликка асосланиб, ўз гуруҳи фойдасига бошқалардан неъматлар олиб кўйишга ижозат этади. Ислом нуқтаи назаридан, бу қораланадиган оғишдир. Яқин қариндошлар учун устуворлик тамойилига рози бўлган Ислом яхшиликни барча одамлар фаровонлиги нуқтаи назаридан белгилашни, жамоат ҳаёти ва фаолиятини ҳартомонлама асосда режалаштириш ва ташкил этишни талаб қилади.

Дарҳақиқат, Ислом этник ўтакетган худбинликда қандайдир даҳшатли нарсани кўради. Бу деярли ҳар доим “уйдан бошланган хайрия” асосида оқланиши мумкин бўлган этник ўтакетган худбинликнинг ҳаракати эмас. Аммо у таянадиган умумий қабул қилинган дастлабки шарт шундан иборат: унинг халқи “хукмрон ирқ”, “Худонинг ўғиллари”, “Худо сайлаганларидир”; бошқалари эса “бўйсунувчи ирқлар”, “иблиснинг болалари” ва бошқа “қуйи худоларнинг ўғиллари” ёки ўша Худонинг яратганлари, лекин “Унинг ўғиллари” ва “У танлаганлари” билан бир хил муносабатда эмаслардир. Бу бутун инсоният билан баҳам кўрган инсоннинг Худо олдида ўзининг яратилганлигини англашига қақшатқич таъсири туфайли ва инсоннинг одамзот номидан ҳаракат қилиш иродасига гипноз таъсири

сабабли даҳшатли. Бундан ташқари, у Худога ва Унинг яратилишига ички қарашлари туфайли даҳшатлидир. Ушбу қарашга кўра, ёки икки хил яратганга эга бўлган бир нечта Худо бор, улардан бири олий, иккинчиси паст, ёки битта Худо бир-бирига ҳукмронлик қила оладиган икки жонзотни яратган. Биринчи нуқтаи назар кўп худолидир, иккинчиси эса Худонинг адолатига ва охир-оқибат унинг трансцендентлигига зид келади.

Исломий кўп қирралик барча кишилар табиатан ҳар қандай инсоният жамоасига тўла аъзолик ҳуқуқига эга бўлишини талаб қилади, зероки уларнинг ҳар бири бир хил ахлоқий қонуннинг субъекти ва объектидир. Аллоҳнинг бирлиги ахлоқий қонун бўлган иродасининг бирлигидан ажралмас. Ушбу қонунга мувофиқ, Ислом бутун инсониятни тенг шароитларда бирлаштиришга интилади. У сайлаш таълимотига риоя қилган ҳар бир кишига тоқат қилмайди. Унинг таъкидлашича, ҳеч кимнинг мавқеи олдиндан белгиланмаган. Бу кишининг ахлоқий табиатига ва яратилиш мақсади бўлган илоҳий ниятга зид келар эди, чунончи киши – ҳар бир киши – ахлоқий қонунни бажариши ва бахт-саодатга эришиши мумкин. Ислом, этник гуруҳнинг айрим ёки аксарият аъзолари нотўғри ҳаракат қилишлари, йўлдан адашишлари ёки танланган ҳолатдан четга чиқишлари мумкин бўлса-да, ҳар доим ҳам шундай қилмайдиган қолдиқлар бўлади ва шу билан улар даъво қилганидек этник гуруҳнинг сайлашини оқлайди, деган бирон бир “қолдиқ таълимотини” маъқулламайди.

Исломнинг ҳартомонламалиги одамларни ахлоқий саъй-ҳаракатлари ва эришган ютуқларига қараб фарқлашни истисно этмайди. Бу одамларнинг маънавий ютуқларига тўғридан-тўғри мутаносиб равишда “баландлик” ёки “ахлоқий кадрият” белгилайдиган ахлоқий қонунга зид бўлар эди. Дарҳақиқат, бундай камситиш нафақат асосли ва мақбул, балки мажбурийдир. Билимдонни жоҳил устидан, донони аҳмоқ устидан, фазилатлини бузуқ устидан, тақводорни атеист ёки исёнчи устидан, солиҳ, меҳрибон ва раҳмдил кўшнини ноҳақ, ёмон кўрувчи, ранжиган устидан кўтариш дегани шу. Бундай камситиш нафақат

қонуний, балки умумий ахлоқий фаровонликка ҳисса қўшадиган, одамларни тиришқоқликка ва амалларда муваффақият қозонишга ундайдиган ижобий хусусиятга эга. Яратилганнинг мақсади амалларда муваффақиятга эришишдир. Бу ҳаммаси муҳим.



## Исломий Давлат ва *Pax Islamica*

ҒАРБ сиёсий назарияси давлатни тўрт унсурдан иборат деб белгилайди: ҳудуд, умумий хусусиятларга эга одамлар, ҳукумат ва мустақиллик. У ҳудудсиз ёки ноаниқ, чексиз ҳудуд билан бўлиши мумкин эмас. У ҳартомонлама бўлиши ёки ирқий хусусиятлар, тил, урф-одатлар ва тарих каби умумий ҳислатларга эга бўлмаган одамларни ўз ичига олиши мумкин эмас. Ниҳоят, у биргаликда мустақилликни амалга оширадиган, яъни ҳаётнинг барча жабҳаларида бир бутуннинг ягона иродаси бўлган умумий иродага риоя қилишни таъминлайдиган корпоратив институтлар ва ҳукуматга эга бўлиши керак. Бу Ғарб миллий давлатининг сўнги тўрт-беш асрлик Ғарб тарихининг маҳсули бўлган таърифидир.

Бундай Ғарб давлати Ислом давлатидан тубдан фарқ қилади. Иккинчисининг ҳудуди бор, лекин у муҳим эмас. У ҳудудсиз, шунингдек, мавжуд бўлмаган ёки аниқланмаган чегаралар билан мавжуд бўлиши мумкин. Аслида, Исломий Давлат ҳудуди бутун ер юзи ёки, аниқроғи, бутун космосдир, чунки космосга саёҳат қилиш имконияти биздан унчалик узоқ эмас. Гарчи Ер юзининг бир қисми Ислом давлатининг бевосита раҳбарлиги остида бўлиши мумкин, қолганлари эса ҳали киритилмаслиги мумкин бўлса-да, Исломий Давлат мавжуддир ва у мустақил равишда фаолият юритмоқда. Ҳақиқатан унинг ҳудуди доимий равишда кенгайиб бормоқда. Худди шу нарса унинг халқига ёки “гинч аҳолига” ҳам тегишли. Зеро, унинг мақсади бутун одамзотни қамраб олишдир. Агар ҳар қандай вақтда у дунёда бир нечта одам билан чекланган бўлса, у бутун инсониятни қамраб олишга интилаётган экан, бу муҳим эмас. Кейинроқ кўрамизки,

унинг фуқаролари мусулмон бўлишлари шарт эмас. Барча Исломий давлатларнинг фуқаролари мусулмон эканлиги деярли ҳеч қачон содир бўлмаган. Муҳими, фуқаролар унинг ҳомийлигида яшашга рози бўлган барча одамларни ўз ичига олади, чунки улар унинг буйруғи ва сиёсатини маъқуллашади. Исломий Давлат асло ҳеч кимни унинг иродасига қарши ўз фуқаролигига боғламайди. Киши доимо барча қариндошлари, қарамоғида бўлганлар ва барча мол-мулки билан эркиндир.

Исломий Давлат ўз Конституциясини Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам милодий 622-йилда хижрат қилганларидан кейин шаҳарга тақдим этган Мадина шартномасига асослайди. Ушбу шартнома руҳи тарихдаги ҳар бир Ислом давлатини белгилаб берган. Унда (турли қабила ва миллатларга мансуб бўлган) мусулмонларнинг келиб чиқишидан қатъий назар битта уммат бўлиши кўзда тутилади. Яъни, улар Ислом қонунлари билан тартибга солинадиган ягона корпоратив бирликни ташкил қилади. Бошқалардан фарқли ўлароқ, унинг ўз муассасалари, судлари, болаларини ўқитиш учун мактаблари бор. Умматни ўз дини, руҳи, қонунлари, ахлоқи ва маданияти тўлиқлигида ўзини ўзи амалга оширишга интилишда бошқариш кафолатланмоқда. Бу эса чексиздир. Зероки уммат ўз авлодларга ўзининг диний ва маданий меросини бойитилган ҳолда бўлмаса, яхлит ҳолда етказиш эркинлигига эга бўлиши даркор. Бу тарзда, таърифга кўра, уммат ўз юксак орзуларига жавоб берадиган ёки ҳеч бўлмаганда буни мутлақо эркинлик билан амалга оширишга интиладиган жамоадир.

Мадина келишуви мусулмонларни уммат деб тан олиш ва белгилаш, шу боис Исломнинг ҳартомонламалиги орқали ирқий ва қабилавий фарқларни бартараф этишдан ташқари, яхудийларни мусулмон умматига тенг келадиган бошқа бир уммат деб эътироф этган ва белгиланган. Улар ҳам ўз мероси ва руҳига мувофиқ ўзини англаш учун тўлиқ эркинлик берилиши керак бўлган жамоани ташкил қилади. Унинг ўз дини, ижтимоий институтлари, бошқаруви учун ўз қонунлари ва судлари, ўз тили ва маданияти, ўз муҳити ва болаларни ўз руҳига қараб

тарбиялашга мажбур бўлган мактаблари бўлиши лозим. У ўзини абадийликда давом эттириш учун зарур бўлган ҳамма нарсадан фойдаланиши керак.

Бир неча йил ўтгач, милодий 630-йилда Арабистон насронийлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўз мақомларини муҳокама қилиш учун Мадинага келишди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг вакилларини кучоқ очиб қабул қилдилар. У зот уларга масжидида ибодат қилишга ҳам рухсат бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни араблар одатига кўра уч кун давомида меҳмондўстликни кўрсатдилар сўнг Исломи билан таништирдилар ва кейин уларни ишонтирдилар. Улардан баъзилари ишониб, мусулмон бўлишди ва дарҳол бошқа барча мусулмонларга тенг равишда иймонлиларнинг биродарлигига қабул қилинди. Улар мусулмон умматига аъзо бўлишди. Қолганларни кўндиролмадилар ва улар насроний бўлиб қолишди. Аммо улар Исломи давлатга унинг фуқаролари сифатида киришга қарор қилишди. Шунга кўра, уларга мусулмонлар билан бир хил мақом берилган. Бундан буён улар ўзларининг диний ва маданий мероси ва абадийлик иродасига мувофиқ насронийлар сифатида яшаш имтиёздан баҳраманд бўлиб, қолганлари билан тенг равишда уммат бўлишлари керак эди. Улар яҳудийларга ўхшаб Мадинада эмас, балки Мадинадан узоқроқ ерларда яшашган. Шундай бўлса-да, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни давлатга киритдилар ва шу билан унинг ваколатини кенгайтirdилар, шунингдек, улар билан бирга ишончли саҳобаларидан бирини ўз ҳудудларига вакили қилиб юбордилар. Шу пайтдан бошлаб уларни ташқи тажовуздан ва ички бузғунчилик фаолиятдан ҳимоя қилиш Исломи давлатнинг зиммасига тушган. Бу уларнинг эркинлиги, насроний эътиқодини сақлаб қолиш ва тарихда ўзларининг кетма-кетлигининг кафолати эди.

Худди шу мантикка кўра, форс зардуштийлари, ҳинд ҳиндуийликлар ва буддистлар мусулмонлар, яҳудийлар ва насронийларнинг умматлари билан бир қаторда Исломи давлатга

уммат сифатида киритилган. ИсломиЙ Давлат уларнинг кафили ва ҳимоячиси бўлиб, унинг бурчи ҳар кимга ўз дини, ахлоқи ва маданиятига мувофиқ яшашга, ўзларини авлодлар орқали тўлиқ эркинликда абадийлаштиришга имкон берган ўз Конституцияси билан белгиланган. Шунинг учун ИсломиЙ давлат нафақат мусулмон давлати, балки бир-бири билан уйғун ва тинч-тотув яшаш ғоясини баҳам кўрадиган турли хил динлар, маданиятлар ва урф-одатлар жамоалари федерациясидир.

Бирок, Ислom хусусан миссионер динидир. Қай тарзда бу федератив тизимни мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганлар ўртасида бирга яшаш усули сифатида қабул қилса бўлади? Миссионер иши, албатта, Ислom учун жайдаридир. Бу умум-башарий дин сифатидаги моҳиятидан келиб чиқади. Ҳар бир мусулмон ўзини Ислom динида бўлишини хоҳлайди, чунки у ушбу тарбия ва тарих бошқа нарсага айланган ҳар бир одамнинг дини эканлигини тушунади. Ислom ҳам миссионер фаолиятини ҳар бир муслим эркак ва муслима аёлга бурч сифатида юклайди. Бу миссионер руҳи ёки даъват (сўзма-сўз одамларни Ислomга “таклиф қилиш”) ИсломиЙ давлатга зид келмайди. Бу унинг якуний мақсадидир. ИсломиЙ давлатда ҳам, ундан ташқарида ҳам мусулмонлар ўз вазифасини бажаришлари керак. Қуръони Карим оятига кўра<sup>1</sup> Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи уммат бўлмиш араблар олдида бурчи бор ва ушбу уммат ИсломиЙ давлатдаги бошқа умматларга нисбатан мажбуриятга эга. Худди шу кенгайиш мантиғига кўра, мусулмонлар, шу жумладан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, ИсломиЙ Давлат бошқа давлатларга нисбатан бир хил бурчга эга эканлигини англаганлар.

Буларнинг барчаси биз ҳозиргача гапирган ҳеч нарсага зид бўлмаган ҳолда амалга оширишга имкон берадиган тамойил – бу шахсий эркинлик. Ислomга кўра, диний эътиқод бутунлай шахсий масаладир. Ҳар бир инсон ишонтириш ва ишонч ҳосил қилишда эркиндир. Токи у ИсломиЙ даъватга ишонч ҳосил қил-

---

1 Гарчи ал-Форуқий қайси оятни назарда тутганини аниқламаган бўлса-да, эҳтимол, бу ерда 2:143 оятига ишора қилади.

магунча, у қандай бўлса, шундай бўлишга ва авлоддан-авлодга шундай қолишга ҳақли. Шунинг учун мусулмон вазифани давом эттириши мумкин, лекин мажбур қила олмайди. Мажбурлаш (*икро*) ёки бузғунчилик (*фитна*) Исломда жазоланадиган қаттиқ жиноятлардир. Ғайримусулмон мусулмон каби, ўз иймонига тўлиқ эътиқод қилиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ҳеч бири ўз ишларини ёки уммат ишларини бошқа бировнинг диний ва маданий ҳаётига аралашадиган тарзда бошқаришга ҳақли эмас. Ушбу амалиётларнинг ҳар бири этноцентризм, кинизм ёки бир умматнинг бошқасидан устунлик туйғусидан келиб чиқади. Исломий Давлат ўз ичида бир умматнинг бошқасига бостириб киришига тоқат қилмайди. Унинг ҳамма олдидаги бурчи бир хил, чунончи: тинчликни сақлаш, давлат хизматларини бошқариш, яхлитликни, шунингдек, шахслар ва уларнинг жамоаларининг ҳуқуқ ва имтиёзларини ҳимоя қилиш.

Сиртдан кўринишда, Исломий давлат мафкуравийдир, яъни унинг ихтиёрида бўлган барча куч-қувват билан кўзлайдиган умумжаҳон мақсади бор. У бошқа давлатларга, қабиаларга, халқларга, миллатларга ёки гуруҳларга уммат сифатида кириш таклифи билан мурожаат қилади. Унга кўра, бундай кириш халқнинг Ислом динини қабул қилишини ёки шу пайтгача мавжуд бўлган ички ташкилий тартиб ёки келишувларнинг қисқариши ёки ҳатто ўзгаришини англамайди. Бу, шунингдек, унинг иқтисодий мавқеи ёки қирол, ҳукумат ёки ҳукумат муассасаларининг сиёсий мустақиллигининг ўзгаришини англамайди. Уларнинг барчаси мутлақо ўзгаришсиз қолади ҳамда кафолат ва ҳимоя олади. Исломий давлатга қўшилиш фақат бу давлат билан муносабатлар бундан буён тинчлик муносабатлари бўлишини, шунингдек, давлат ўз фуқароларига Ислом даъватини эшитиш ва тинглаш ҳамда мусулмонларни ўз динлари ва дунёқарашларидан бошқа хоҳлаган нарсаларига чақиришга руҳсат беришга тайёрлигини англатади. Қисқасини айтганда, бу Исломий давлатга қарши уруш олиб бормаслигини ва Исломий давлат унга қарши уруш қилмаслигини ҳамда инсониятнинг қолган қисмидан ажралиб турадиган ҳолатда яшамаслигини билдиради.

Шундай қилиб, Исломий давлат ўз-ўзидан давлат эмас, балки ҳукумат, суд, конституция ва қўшин билан дунё тартибидир, “танаси” ва “тишлари” бўлган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг” бир туридир, Рах Islamica. (Ислом оламидир) Унга қўшилиш – ватандошлар билан тинч мулоқот қилиш ва жамоалар ўртасидаги урушдан узил-кесил воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилишни англатади. Унга киришдан бош тортиш, ундан ташқарида қолиш қарори чамаси бунинг аксини тасдиқлашни ва натижада миллий яққаланиб қолишни ёки уруш ҳамда тажовузни билдиради. Шу боис мусулмон назариётчилари Исломий давлатни “тинчлик уйи”, ҳақиқий дунё тартиби ёки Рах Islamica (Ислом олами) деб аташади.

Куч (зўравонлик) ҳеч бир умматнинг, ҳатто мусулмон умматининг қўлида бўлмаслиги керак. У ҳар қандай умматда ўзининг ўрнатилган институтлари ва кучларига қарши исённи бостириш учун, ҳар қандай умматда бошқа ҳар қандай уммат бузиши мумкин бўлган ҳуқуқлар, имтиёзлар ёки сифатларни тиклаш учун, ва ниҳоят, дунё тартибини душманлардан ҳимоя қилиш учун ишлатилиши даркор. Бошқа ҳеч қандай куч ишлатиш қонуний эмас. Дарҳақиқат, Исломда кўзда тутилган дунё тартиби миллий ва халқаро муносабатларнинг беками-кўст тартиби бўлиб, давом этаётган халқаро нотинчлик ва қаноатланмаганликларга ягона жавобдир. У билан солиштирганда, атом террорига, кучлар мувозанатига ёки ҳар қандай умматнинг қолганларга нисбатан олий ҳокимият зулмига асосланган бутун дунёда тинчлик шайтоний ҳодисадан бошқа нарса эмас.

Исломий давлат қўшини мусулмон, сабаби, жиҳод ёки мудофаа уруши фақат мусулмонлар зиммасига тушадиган диний бурчдир. Бошқалар, агар хоҳласалар, қўшилишлари мумкин, бу ҳолда улар жизядан озод қилинади ва уларга айнан мусулмонлар билан бир хил муносабатда бўлишади. Бироқ ҳукумат уларни ҳарбий хизматга чақира олмайди. Уларнинг иштироки батамом ихтиёрий бўлиши лозим.

Исломий давлат фақат битта қонун, турмуш тарзи, маданияти, дини ва дунёқараши мумкин бўлган бир бутун тизим

бўлмаслиги зарур. Ушбу талаб умматга нисбатан қўлланилиб, айнан уммат ўз маданиятини сингдиради, барча унсурларни Исломиё бирликка бирлаштиради ва ўзлаштиради ҳамда Исломиё мавжудлигини сақлайди. Бошқа умматлар Исломиё бўлмаган аъзоларига нисбатан худди шундай қилишади. Шунинг учун Исломиё давлат либерал ва кўп миллатли бўлишга қодир. Аслида, унинг конституцияси “миллий интеграция” ва “миллий бирлик” баҳонасида умматлар ўртасидаги фарқларни йўқ қилишга уринмасдан, унга чинакам кўп миллатли бўлишга имкон берадиган ягона конституциядир.

Исломиё давлат аъзоларининг маданий савияни ошириш ва уларни бирлаштириш вазифаси бошқа умматларга ўз аъзолари билан ҳам шундай қилишлари учун очик қолиши керак бўлган Исломиё давлатга эмас, балки умматга тушади. Исломиё давлатдаги мусулмон уммати ҳақиқатан ҳам Исломиё қонунлари билан бошқариладиган бутун бирликдир. Исломиё давлат фуқароси ундаги ҳар қандай динни, ҳар қандай умматни бемалол танлаши мумкин. Агар у Исломиё давлатдан ташқарида умматни танласа, дарҳол у жойга кўчиб ўтиши керак.

Ниҳоят, шунни таъкидлаш керакки, Исломиё давлат Исломиё ғоянинг тимсолидир, бас унинг одамлари, куч-қувватлари ва онги – ҳаммаси мусулмонларга оиддир. Бундан ташқари, бу ер юзидаги ноёб ҳодиса. Тарих унинг ўхшашликларини билмайди. Агар бундай давлатлар ғайримусулмонлар томонидан тузилган бўлса, бу узоқ кутилган воқеа бўлар эди. Бундай ҳолда, гарчи уларнинг динлари бошқача бўлса-да, уларнинг конституциялари ўхшаш бўлганлиги туфайли Исломиё давлат Исломиё бўлмаган давлат билан бирлаша оладиган кун узоқ эмаслигига амин бўлар эди. Зеро иккала давлат конституциялари учун уларнинг ўзаро келишмовчиликларини тинч йўл билан ҳал қилишга интилишлари муҳимдир.

## **7-ҚИСМ**

### **Ислом тарихи ва маданияти**



## Ислом маданияти

БИЗ олдинги бобда уммат ўз аъзоларининг маданий савиясини ошириш ва исломлаштириш, шунингдек, Ислом уларнинг эътиқодини сақлаб қолиш вазифасини бажараётганини кўрдик. Уммат ичидаги тизим яхлит, аммо ижодий ўзини янгилаш ва ислоҳ қилиш учун ўрнатилган механизмларга эга. Ислом кенг камровли ҳаёт тарзидир. У кундалик ҳаётнинг ҳар бир жиҳати, ҳар бир ҳаракат учун долзарбдир. Уммат шахсий ва жамоат (корпоратив) ҳаётнинг барча соҳаларида ўзини намоён қилиши ажабланарли эмас. Ислом ўзини турмуш тарзида, уйда, жамиятда, кўчада, муассасаларда, шаҳарда – ҳамма жойда намоён қилишга интилноқда.

Ислом Аллоҳ ҳақиқатан ҳам бизнинг Раббиймиз ва Ҳидоят кўрсатувчимиз эканлигини ўргатади. Уни тан олиш биринчи ва охириги талабдир. Чунки Уни Худо, яъни Яратувчи, Раббий ва Ҳукм қилувчи сифатида, ҳамма нарсанинг мақсади сифатида билиш мавжудлик ва фаровонлик учун курашнинг ярмидан кўпроқдир. Аллоҳни Аллоҳ деб билиш уни севиш ва ҳурмат қилишдир; бу Унинг иродасининг қарорларига очиқ бўлишни англатади. Зероки бунинг ўзи Ислом ёки итоаткорликдир. Бинобарин, Аллоҳни англаш барча саъй-ҳаракатларнинг мақсади эканлиги ва мусулмон ўзини Аллоҳни эслатадиган ҳамма нарса билан ўраб олганлиги, шунингдек, уммат ичида ҳамма нарса Аллоҳга йўналтирилган бўлганлиги табиийдир.

Натурализм ёки якуний воқеликни табиат шаклида идрок этиш, табиат ўзининг меъёри ва ўлчови, эзгулик, ҳақиқат ва гўзаллик табиатда борлиги ва ундан келиб чиқади, деган тахмин Исломга хилофдир. Ислом табиатни Худо сифатида идрок

этишга ва шу билан унинг трансцендентлигини камайтиришга қарши туради. Табиат Худонинг ўрнига энг кучли даъвогардир. Уйғониш давридан бери унинг мавқеи ғарбликларнинг онгида доимий равишда ўсиб бормоқда ва бу маънода у деярли “Худони ўз мансабидан туширди”. Ҳар бир нарсанинг манбаи ва ўлчови бўлган Худонинг ўрнига у табиат тожи сифатида инсонни белгилаганки, айнан инсон “ҳамма нарсанинг ўлчови” ролини ўйнаши керак эди.

Бу бошланғич нуқта Ғарб ва Ислом маданиятларига ўзига хос гўзаллик туйғусини берган. Уйғониш давридан таъсирланган Ғарбий христиан учун одам гўзалдир. Улуғворликнинг маъноси инсон билан тамом бўлади. Мужассамланиш ҳақидаги насроний таълимоти танада ва шунинг учун табиатда доимо турган Худо ҳақидаги тушунчаси орқали гўзаллик, ҳақиқат ва ахлоқнинг мутлақ стандарти бўлган трансцендент Худо ҳақидаги сомий тушунчасини инсонга мутлақ стандарт сифатида ўтказишга ёрдам берган. Бундан буён бутун христиан маданияти ушбу тамойил билан ўзгариши керак эди. Худди шу вақтда Ислом маданияти фақат Аллоҳ Илоҳдир, бас фақат Аллоҳ ҳамма нарсанинг мутлақ меъёри, ўлчови ва мезонидир деган асл сомий қарашларига содиқ қолган.

Уйғониш давридан бошлаб ғарбий одам юқорида айтиб ўтилган натурализмни ифодаловчи тарзда чизиш, ўйиб нақш солиш ва лойиҳани тузишни бошлаган. Черков оталари, насроний қарашларнинг қўриқчилари дастлаб, айниқса, яланғоч таналарни тасвирлаш билан ҳайратда қолишган, аммо улар тезда бутпараст ва натуралистик Юнонистон ва Римнинг Ғарб онгига бостириб киришини тан олишган. Бу босқинчилик ҳамма жойда олиб бориладиган эди; у нафақат кўзга кўринадиган санъатда, балки маданиятнинг бошқа барча жиҳатларида ҳам кенг тарқалган. Бироқ, маданиятнинг турли соҳалари бир вақтнинг ўзида забт этилмаган эди. Айтиш жоизки, фалсафа – Декартни, адабиёт – Эразмни, мусиқа Йозеф Гайднни кутишига тўғри келиши эди.

Мусулмонлар, ўз навбатида, безак ва меъморчилик, расомлик ва хаттотлик, шаҳарсозлик, адабиёт, боғдорчилик, сув маданияти ва хатто фалсафа учун қўлланиладиган ислимийни ишлаб чиқишган. Ислимий дизайни тўлиқ бўлмаган ривожланиш, такрорлаш, симметрия ва импульс қонунларига асосланмоқда. Биринчиси, қонуни, пайдо бўлиш ҳолатидан, улардан ташқарида ҳеч нарса кўриб чиқиладиган табиий жараёнга тегишли бўлмаганига ўхшайдиган етилиш, авж нуқтаси ёки тугатиш билан тугайдиган ўсиш ва ривожланишнинг кетма-кет ҳолатлари орқали ривожланиш ёки ҳаракат бўлган табиатни инкор этишни англатади. Ислом дунёқараши “Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ” деган инкор билан бошлангани каби, Ислом санъати, тили, тафаккури ва услубининг ҳартомонлама намуналари ҳам табиатни ўлчов ва меъёр сифатида, улуғвор нарсанинг мужассами, жойлашган ери ёки ташувчиси сифатида инкор этишдан бошланмоқда.

Ислимийнинг иккинчи тамойили – такрорлаш, учинчиси эса – симметриядир. Табиат ўзини такрорланмайди ва симметрик эмас. Битта дарахтнинг барглари бир хил кўриниши мумкин, лекин уларнинг ҳар бири бошқалардан фарқ қилади. Симметрия билан вазият худди шундайдир. Ислимий натурализмни ушбу тамойиллар билан инкор этади, аммо бу унинг ягона вазифаси эмас. Унсурлардан ислимий такрорланадиган нақшдан иккинчисига, чексизгача импульс ёки ҳаракат яратади. Бу ислимийнинг тўртинчи тамойили. Ёшиқ қаторлари, ипдан ёки похолдан тўқилган саватлар такрорланадиган ва симметрикдир. Ислимий симметрик тарзда такрорланадиган унсурларни ёки нақшларни ҳаракатни яратадиган, томошабинни бир безак бирлигидан иккинчисига судраб борадиган ва уни бу жараённинг табиатига кўра ҳеч қачон табиий ҳулосага кела олмайдиган йўналишга кўядиган тарзда тартибга солади. Санъат асари, жадвал, фасад, ҳикоя ёки шеър, бўлиши керак бўлгандек тугайди. Аммо ислимий ёки унинг тузилиши ҳеч қачон тугалланмайди. Деворда, гиламда, миниатюрада, ёғочдан ясалган панелда, ёшиқ терилган деворда график тасвирда суртилган арабеск

объектнинг табиий чегараларидан чексизликка боргандай туюлади. Худди шу нарса мусикий ёки шеърий композициясига ҳам тегишли бўлиб, бу ерда ижрочи ёки сўз устасининг тўхташи билан ҳеч қачон тугамайдиган, балки бошдан кечирган нарсаларни абадий давом эттириш заруриятини яратадиган дизайн эмас, балки унсурлар ва намуналар фаркланади.

Ривожланаётган санъатнинг мақсади инсоннинг ҳолати ёки мавқеини бевосита ёки билвосита ифодаловчи объектга каби бўлган эътиборни тўхтатиш ва шу билан унинг тугалланганлиги ва нормативлиги ҳақида фикр юритишдир. Бу ҳатто ўз-ўзидан эмас, балки уларнинг орқасида турган киши феъл-атвори ёки шахсияти орқали узатиладиган натюрморт ва ландшафтлар учун ҳам тўғри келади. Ислимийнинг тўлиқ ривожланмаган табиати тескари мақсадга қаратилган. Эътиборни тўхтатиш эмас, аксинча, расмни томошабиннинг тасаввурида сақлаб қолиш ва гўё томошабинни тасвир ритми томонидан яратилган импульс бўйлаб, тақдим этилган санъат асаридан ташқарига олиб боришдир. Буларнинг барчаси онгни чексиз ҳаракатини белгилайдики, у ҳеч қачон охиригача етиб бормади, чунки охири йўқ. Бу ерда сезги трансцендент воқеликнинг салбий томонидан олинади, яъни у чексиздир, ҳеч қачон инсоннинг ҳиссий идрокига берилмайди, ҳеч қачон табиатда ич-ичдан акс этмайди ва шунинг учун ҳеч қачон ифода этилмайди. Ислимий Аллоҳни ифодаламайди, лекин у Аллоҳнинг таърифдан ташқари бўлганлигини хушли ва чиройли тарзда кўрсатади.

Шунинг учун мусулмон ўзини, хоҳ хаттотлик орқали ақл-идрок тарзда, хоҳ ислимий орқали эстетик тарзда (яъни ҳис-туйғуга берилган) “Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ”, деб бир хил мавзуни такрорлайдиган санъат объектлари билан ўраб олиши бежиз эмас. Унинг уйи, унинг олд томони, жойлашуви, бионинг ташқи кўриниши, қават режаси, ички ва сиртқи безаши – буларнинг ҳаммаси табиатни қатъиян инкор этади ва нима бўлганда ҳам, табиатда ҳеч нарса Худо эмас ёки Худонинг ўтказгичи эмаслигини айтади. Исломий гўзаллик ва шу билан бирга чексизлик импульсларини ўрнатадиган ислимий билан

таъминланган нарса янада маънодор ифодалиликка эга бўлади. Мусулмон тинглашни яхши кўрадиган нарса, хоҳ у чолғу ёки вокал мусиқаси бўлсин, хоҳ Қуръон тиловати ёки шеър ўқиши бўлсин, худди шу тамойилларни ўзида мужассам этади ва ягона трансцендент Худо ҳақидаги бир хил тасаввурини ифодалайди. Исломнинг энг олий санъати бўлган хаттотлик трансцендент воқеликнинг чексизлиги ва ифодалаб бўлмаслигининг ҳиссий ифодасига тўлқинсимон чизиқлар ва ислимий безаклар билан Худо, Унинг иродаси, ишлари ва яратилишнинг илоҳий тартибда инсоннинг ўрнининг бевосита ақл-идроқка асосланган ифодасини қўшиб, ушбу таъсирни икки баробар оширади.

Шу сабабдан Исломнинг энг юқори ижтимоий ифодаси бўлган, *масжид* бу деворлари масса, вазн, ёруғ ўтмаслик ва шунинг учун ёпиқ маконни рад этувчи бўш бинодир. Ихота ўрнига *масжид* деворлари масжидни чексиз макон билан боғлайдиган сузувчи нақшлар билан шаффоф экранларнинг ҳаводорлик ҳиссини яратади. Унинг ерини қоплаган гилам, капитель билан тугалланган устунлари, барча сиртларни қоплайдиган (ёғоч, тош, сувоқ ёки ўйилган мрамрдан ясалган) декоратив панель, кунгурадор ташқи кўринишлари – буларнинг барчаси бир овозда бир хил чексизлик ва трансцендентлик мавзусини ифодалайди. Ниҳоят, одатда унинг деворлари ичида эшитиладиган Қуръон тиловати тўғридан-тўғри ва дарҳол бир хил мавзуни такрорлаганлиги сабабли Араб хаттотлиги билан чизиқлар, панеллар ва юмалоқ дераза-розеткалар Қуръон оятларини акс эттиради.

Трансцендентлик ёки якуний воқелик, яъни Аллоҳ мусулмон ҳаётининг ҳар бир жабҳасига таъсир қилади, бунинг сабаби У ўз маданиятининг ҳар бир маҳсулига сингиб кетади ва онгининг барча бурчакларида ҳукмронлик қилади. Мусулмон ҳам, замонавий ғарбий насроний ҳам бутун вужуди билан мияга ўрнашиб қолган катта ғояга берилган: иккинчиси инсондаги Худо ғояга ёпишиб олган, мусулмон эса фақат Худодаги Худо ғояси билан оворадир.

## Ислом тарихи

ИСЛОМ Арабистонда пайдо бўлган. Қайсидир маънода, бу олдиндан белгилаб қўйилган эди. Қадимги Месопотамия (сомий) дини ва донолигининг кристалланиши бўлиб, у фақатгина Арабистонда иккита сабабга кўра қайта туғилиши мумкин эди. Биринчидан, Арабистон Миср, Юнон ва Зардуштийлик маданияти таъсирига тушмасдан ўз меросини сақлаб қолишда давом этган қадимги дунёнинг ягона гўшаси бўлган. Арабистонга ушбу турдаги таъсир қандай бўлмасин, у аҳамиятсиз бўлган ва фақат периферияда, шимолда Петра ва Пальмирада, жанубда Яманда мавжуд эди. Марказ ўзгаришсиз қолган.

Иккинчидан, Арабистонда Месопотамия меросидан қолган ҳамма нарса Исломдан олдинги арабларнинг диний урф-одатларида эмас, балки уларнинг тили ва шеъриятида бор бўлган, тутилиб турган ва асраб қўйилган эди. Бу ерда уларнинг трансцендентлик ҳақидаги тушуниши онгсиз равишда акс эттирилган. Уларнинг тили ўзининг луғатшунослиги, синтаксиси, грамматикаси ва адабий эстетикаси жиҳатидан ислимий бўлган. Уларнинг шеърияти Исломдан анча олдин симметрия, такрорлаш, тўлиқ бўлмаган ривожланиш ва импульс чўққиси бўлган. Ҳеч нарса Исломиё хабарга араб адабий муҳитидан яхшироқ мос кела олмас эди. Улар орасидаги мукамал мосликни энг кам идроклилик қобилиятига эга бўлган ҳар қандай талаба муқаррар равишда кўради. Бошқа ҳеч бир жойда бундай онг ҳеч қандай тилда акс эттирмаган. Ислом ўзининг пайдо бўлиши билан ҳамма нарсани араблар (ва фақат араблар) осонгина ва мукамал кадрлай оладиган муҳит бўлган ваҳийларининг адабий юксак табиати асосида қурган. Улар бу муҳитда нима

ажойиб ва улуғворлигини, нима бўлмаслигини билишган. Ҳатто маккаликлар орасидаги Ислом душманлари ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳийидаги сирли ибодатни (мистерияни) дарҳол тан олганлар. Уларнинг худбин манфаатлари ва ҳаяжонлари гарчи жуда қисқа вақт ичида бўлса-да, уларни унинг илоҳийлигини тан олишдан ҳам чалғитган эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотидан олдин ҳам бутун Арабистон ўзининг ички, ҳатто онгсиз донолигининг янги кристалланишини тан олган. У Исломда Ислом ўзини эълон қилган нарсани, чунончи бутун қадимги сомиий тарихининг, аввалги барча ваҳийлар ва башоратларнинг асосий моҳиятини, шунингдек, араб онги ягона олий ва чинакам трансцендент деб тан олган трансценденлик ва ҳақиқат тўғрисида тезисини кўрган. Энди Ислом Арабистонга дунёга илоҳий трансцендентлик хабарининг етказувчиси сифатида унинг ўзига хослигини ва тақдирини очиб берган экан, у мувозанат ҳолатига келган.

Араб тили ва шеърлятида акс этган “арабийлик” ёки бу трансцендентлик онги Исломдан олдин унинг Осиё ва Африка билан Шимолий куруклик кўприги бўлган Баракали Ҳилол ҳудудига маълум даражада кириб келган. Дарҳақиқат, Баракали Ҳилол бу маънода Аккада бошланган милоддан аввал 3000 йили ва ундан олдинроқ такрорланган кўчишлар билан араблаштирилган. Босқинчи Филистимликлар ва “тоғликлар”, Хеттлар, Мисрликлар, Юнонлар ва Форсларнинг кейинги таъсири хижолатга солиш ва забт этишга ёрдам берган бўлса-да, лекин бу онгни йўқ қилмаган ёки қатъий ўзгартирмаган. Араб трансценденталистик онг мисрлаштириш, форслаштириш ва эллинлаштириш ҳужумига қаршилик кўрсатган. Бу исломгача бўлган Баракали Ҳилол давридан бизгача етиб келган ҳамма нарсада, хоҳ тил, хоҳ санъат асарлари, хоҳ қонунлар ва қоидалар ёки адабиёт бўлсин буни қаҳрамонларча қилган. Трансцендентлик онги, ҳатто унинг ташувчилари насронийлар, яҳудийлар ёки зардуштийлар бўлса ҳам, албатта, ярадор бўлган, аммо у кўркмасдан қолган эди.

Ислом уларга тушунтирилгач, улар этноцентрик раввин яхудийлиги, христианликнинг Муқаддас учлик ақидасига асосланган имманентизми, каста элитаризми ва монийлик Зардуштийлигининг дуалистик натурализми чалкашликлари ва унсурларидан халос бўлишган. Улар Исломни бегона нарса сифатида эмас, балки ўзлари ҳамиша амал қилиб келган, лекин Қуръон сингари аниқ ифода эта олмаган нарса сифатида осонгина қабул қилишган.

Бир авлод ичида Ислом сафлари Атлантикадан Ҳинди-стонгача бўлган мўътадил минтақадаги кўпчилик одамлар билан тўлдирилган. Шундан сўнг, фатҳлар тўхтаб қолганлар ва миллионлаб кишилар илоҳий трансцендентлик ҳақидаги янги тушунчани кўринадиган цивилизацияга айлантириш вазифасини бошлашган. Кейинги тўрт аср давомида бутун ер юзи бўйлаб Ислом маданияти ва цивилизациясининг гуллаб-яшнаши кузатилган. Ҳар бир этник бирлик Исломнинг ўзгартирувчи тамойилларига мувофиқ бор кучни ишга солган. Албатта, хилма-хиллик бор эди, аммо умумий бирдамлик аён эди.

Дастлаб, тил ва бадиий адабиёт ҳақидаги фанлар, ваҳийни етказиш воситалари ривожланган. Ислом томонидан шартланган онг энди Араб тили ва ёзуви трансцендентлик ёювчи сифатида қандай ҳаракат қилиш мумкинлиги тўғрисида хабардор бўлишни талаб қилган. Шу билан бирга, бу Аллоҳнинг каломи, Қуръонни араб тилини билмайдиган одамлар ва чўл аҳолиси тушуниши учун зарур эди. Грамматика, лексикография ва этимологик луғатлар, барча турдаги синтактик таҳлиллар, адабий танқид ва Қуръон таҳлили, хотирада сақланган ҳар бир шеър, умумий ифода ёки нотиклик намунаси инсониятнинг маданияти ва таълими тарихида илк бор минглаб кишилар томонидан ёзилган.

Исломий диний қарашлари ваҳийда, Қуръони Каримда тўлиғи билан акс этган. Шу боис Исломнинг диний тарихи, яъни унинг дин сифатида шаклланиш тарихи йўқ. Бундай “тарих” Қуръон нозил бўлиши тугаллаган даври бўлган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийрати билан, унинг



хаётининг сўнгги 22 йили билан чекланган. Ислоннинг ана шу қарашлари билан мафтун бўлган мусулмонлар Ислоннинг меъёрий тамойилларини инсоний хулқ-атворининг йўналишларига, шунингдек, бундай таржиманинг яшашга қобил услубиятни ишлаб чиқиш ва яратишга айлантириш учун амалга ошириш ва аниқлашга киришганлар. Бу ерда Ислоний даҳоси ўзини намоён қилган. Шариат, яъни Ислон ҳуқуқ тизими бугунги кунгача мисли йўқ бўлиб, унинг ҳуқуқий тафаккур асослари шахсий маком, тартиб, фуқаролик ҳуқуқбузарликлар ва шартномалар, халқаро муносабатлар, жиноят ва жазо жиҳатидан тенгсиздир.

Табиатдаги Аллоҳнинг иродасини билишга иштиёқ билан интилаётган мусулмонлар қадимги давр меросини тезда ўрганиб, ўзлаштирганлар ва унинг чегараларидан анча узоққа чиқишган. Ал-Беруний бизнинг кунимизнинг энг аниқ ўлчовларидан атиги бир неча дюйм фарқ қиладиган Ернинг радиусини ҳисоблаб чиққан; Ибн Синонинг “*Тиб қонунлари*”, Ар-Розийнинг “*Тиббиётга оид билимлар мажмуаси*” ва “*Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб*” асарлари XVIII асрга қадар тиббиёт касбининг қўлланмалари бўлиб келган; Ибн ал-Байторнинг Фармакопеяси (фармацевтик қомуси) 1866-йилдаёқ асосий Европа тилларида босилиб чиқарган. Араб рақамлари арифметикани ривожлантирган ва алжабр расмий математикани тараққиёт ва ютуқларнинг янги соҳаларига айлантирган.

Ҳамма жойда Қуръон ўзининг асл араб тилида тиловат қилинар эди. Унинг оятлари ҳар бир хона ва уйни безатиб, ҳар суҳбат ва ҳар қайси рисолани таъкидлар эди. Ислимийни янги шаклларда, мармар, сувоқ, ғишт ёки бўёқларда тасвирлайдиган масжидлар, мадрасалар ва бошқа жамоат бинолари ҳар ёқда барпо этилган. Ҳамма ерда *муаззин* минорадан азонда акс этган эшитиб қилинадиган ислимий миллионлаб одамларнинг кунини тўхтатган. Рамазон ойида рўза тутиш вақти ва амалиётига эргашган ҳолда бутун ҳаёт суръати ўзгарган бўлади. Иккита Ҳайитлардан бирининг вақти келганида, бирга араб тилида Қуръоннинг гўзал оятларини тиловат қилиб,

ягона трансцендент Аллоҳга тиз чўқиб, сажда қилиш учун энг яхши ва янги кийимларида келган кўплаб одамларни энг катта очик майдонгина сиғдириши мумкин.

Ислом таъсири остида шаҳарсозлик, фойдалилик, тозалик ва интеграция намунаси бўлган шаҳарлар пайдо бўлган. Коллежлар ва мактаблар, жамоат кутубхоналари, умумий ҳаммомлар, дам олиш масканлари ва боғлар, сув таъминоти ва сув ташлайдиган тизимлари ҳатто замонавий шаҳарларимизни ҳам улар билан солиштирганда умидсиз бўлмаса ҳам камбағал қилиши мумкин эди. Буларнинг барчаси IX ва X асрларда, Европа шаҳарлари, классик антик давр меросхўрлари, ойдан ташқари битта тунги ёруғликнинг жамоат манбаи билан ёки битта тош йўл билан мақтанишлари қийин бўлган пайтда рўй берган.

XI асрда мусулмон маънавияти ўзгара бошлаган. Машхур тасаввуф шоираси Робия ал-Адавиянинг араб шеъриясида ифодаланган Худога бўлган ҳаддан ташқари қувончли муҳаббат билан суриб, гностик насронийликдан ва яҳудийликдан, Упанишад ҳиндуийлик тасаввудан ва буддизмдан динни қабул қилганлар, Исломни тасаввуф маънода талқин қила бошлашган ва ўзларининг урғуларини илоҳий иродани маънавий деб белгилаши керак бўлган ҳақиқатдан узоқлаштиришган. Исломни тарих, макон ва замон билан боғлаб турган ҳамда мусулмоннинг хотиржам бўлишига имкон берган кўприк қарсиллаб кетган. Маънавий ва интроспектив (ўз-ўзини кузатишга асосланган) таҳлил қонуний ва ҳуқуқий тадқиқотлар ўрнини эгаллаган. Алкимё, илми нужум ва нумерология аста-секин кимё, астрономия ва математикани алмаштирар эди. Ҳатто Исломий оиланинг ижтимоий саломатлиги ҳам четлашишга, тасаввуф биродарликка йўл очган. Жамият ва давлат ишларида иштирок этиш, мусулмоннинг ўз *халифалик*-ўринбосарлигини шунчалик ифодали англаши аста-секин шахсиятпараст ва персоналистнинг кузатувчан бахт-саодати ва тасаввуф тажрибаси фойдасига тўхтар эди. Ҳокимият унга эга бўлишни истаган ҳар бирига берилган ва халифа-

лар қудратли, аммо бўлувчи қўшин генералларининг қўғир-чокларига айланишган. Чингизхоннинг мўғул (татар) босқини пайтида мусулмон дунёси жанг қилмай таслим бўлган. Унинг қимматбаҳо шаҳарлари бирин-кетин ёндириб юборилган, халқи эса хонавайрон бўлган ва ўлдирилган.

Кейинчалик бу олов кўплаб йўналишларга тарқалган, чунончи Хитой, Ҳиндистон, Россия ва Жануби-Ғарбий Осиё. Жануби-Ғарбий Осиё мисолида, оқим биринчи ва энг буюк мусулмон ислохотчиси Ибн Таймия Миср қўшини билан мўғулларнинг ҳужумини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлган Фаластиндаги Айн Жолутда тўхтатилган. Илгари у мусулмонларни бу хавф ҳақида огоҳлантириш учун кўп маротаба беҳуда ҳаракат қилар эди. Мутасаввифлар ҳар доим уни мағлуб этиб, ҳукуматнинг унга қарши ҳаракатларига эрк беришган. Ибн Таймия, Айн Жолутдаги ҳарбий муваффақиятларига қарамай сўфийлар фитналари қурбони бўлиб, Дамашқ қамокхонасида вафот этган.

Бироқ Ибн Таймиянинг машаққатли меҳнати ва ўлими бежиз кетмаган. У ҳаётнинг барча соҳаларидаги мусулмон касаллигини 300 дан ортиқ асарларида аниқлаб, бутун бир кутубхонани яратган. Асосий ёвузлик, албатта, мусулмонни тарих, дунё, ақл ва соғлом фикрдан узоқлаштиришга муваффақ бўлган ҳамда уни интроспектив медитацияга олиб келган тасаввуф эди. Тасаввуф унинг реализмини хиралаштирган, уни жамиятдан, ишларидан, ҳатто оиласидан чалғитган. Сўфийлик Аллоҳнинг иродасини қонун сифатида амалга ошириш ўрнига, мусулмонларга гностицизмда ёки “тасаввуф тажрибада” Аллоҳ билан бирлашиш ҳақида ушалмайдиган орзусини рўёбга чиқаришга ўргатган.

Ибн Таймиянинг гаплари эшитилмаган эди. Аммо, шунга қарамай, мўъжиза юз берган. Қирғинни олиб борган татар ўрдлари шомонлар бўлган. Улар бир-икки авлоддан кейин ўзлари босиб олган халқларнинг дини ва маданияти бўлган Исломни қабул қилганлар. Босқинчилар оммавий равишда Онадўлига жойлашишган ва бир авлоддан кейин бу сафар

Ислом байроғи остида яна юришларга тайёр бўлганлар. Ўша пайтда Усмонлилар сулоласи (шунинг учун “Усмонлилар империяси” номи олган) раҳбарлигида ташкил этилган, ҳали ҳам жонли жанговар рух билан асли Ўрта Осиёдан Исломни қабул қилганлар Европага қараб юришар эдилар. Византия ва Россия империялари уларнинг юришлари билан қулаб тушишган. Улар Вена шаҳрини XVII асрнинг охири чорагида қуршаб олишган. Қора ва Каспий денгизлари мусулмон бўлган. Улар Вена ва ( аввал Исломбул, кейинчалик Истанбул деб ўзгартирилган) Константинополь ўртасида кўплаб мусулмон жамоаларини, кўплаб мусулмон шаҳарларини барпо этишган ва Византия меъморчилиги асосида Ислом меъморчилигининг янги услубини яратганлар.

Фақат XVIII асрда Усмонлилар Империяси илгари Араб (Аббосийлар) Империясининг йўқ қилинишига олиб келган сабабларга кўра ичкаридан парчалана бошлаган. Шунингдек, XVIII асрда Ибн Таймиянинг ғоялари, Усмонлилар Империяси парчаланиши ёки Ғарб ҳукмронлиги таъсиридан ўтказилмаган Арабистоннинг қоқ марказида яна сирли равишда қайта тикланган. Ислохотлар ҳаракатини Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб бошқарган. У сўфийликка нафрат билан қараб, ғазабини унга қаратган. Ҳаракат ижобий томондан ўзини “салафий”, яъни анъанавий деб атаган. Унинг тасаввуфга таъсир қилишдан олдин мавжуд бўлган Исломнинг асл қарашларини тиклашдан бошқа мақсади бўлмаган. Айти пайтда ёки ундан кўп ўтмай, шунга ўхшаш ҳаракатлар бутун мусулмон дунёсини қамраб олишган. Кейин Ғарб мустамлакачилиги ҳукмронлик қила бошлаган ва мусулмон дунёси қайта бегоналар ҳукмронлиги остида қолган: у шафқатсизларча парчаланиб, ишлатилган, унинг айрим қисмларида хорижий мустамлакачилар истиқомат қилишган ва мусулмон аҳолиси тарқалиб, мунтазам равишда йўқ қилинган.

Бугунги кунда мустамлакачилик ниҳоясига етмоқда, аммо унинг қолдиқлари ва таъсири ҳамон бор. Бироқ, дунёнинг мусулмон халқлари иқтисодий ва ҳарбий кучда, шунингдек,

сиёсий онг, бирлик ва мувофиқлаштиришда дунёнинг қолган қисмига етиб бориш учун елдек учиб бормоқдалар. Уларнинг Исломи улар билган энг кучли мафкура бўлиб қолмоқда, агар улар ақлларини унинг ҳикматига ва қалбларини унинг чақириғига очсалар, уларни ва шу билан бирга бутун дунёни яна тараққий эттиришга тайёр.



*И*сломни дин сифатида чинакам тушуниш ... бу яхудийлик ва насронийликни вужудга келтирган онг ривожланишининг кейинги босқичини англатиши ошкора қилади. Шунингдек, Ислом маданият сифатида қадимги Юнонистон ва Рим билан тенг равишда сўнги минг йилликдаги Ғарб цивилизациясининг манбаи эканлигини фош этади... Бундан ташқари, Исломий антиклерикализм биринчи “протенстантлик” инқилоби эканлигини, Исломий мулоҳазакорлик биринчи “маориф” эканлигини, Исломий прагматизм биринчи “технократия” эканлигини, унинг уруш ва тинчлик қонунлари эса Ислом дунёсини “Бирлашган Миллатлар Ташилотининг” биринчи намунасига айлантирганлигини ҳам очиб беради.

*П*рофессор Исмоил Рожи ал-Форуқий – фаластинлик-америкалик файласуф, кўрувчи, қиёсий диниунослик бўйича эътиборли одам ва XX асрнинг буюк мусулмон алломаларидан биридир. Ушбу илмий ишда ал-Форуқий бутун дунё ҳамжамиятига Исломнинг маъноси ва хабарини тақдим этмоқда. Иймоннинг асосий ўзақлари умумий мавзу нуқтаи назаридан умумлаштирилади ва тушунтирилади. Китоб етти қисмдан иборат бўлиб, 21 бобни ўз ичига олади. Ушбу китобнинг боблари мусулмон халқлари ва ортодоксал (анъанавий) амалиётларининг оддий тавсифидан кўпроқдир. Ал-Форуқий буюк мутафаккир бўлган ва ҳар қандай турдаги, айниқса унинг мавзуси Ислом ва бошиқа динлар бўлганда, ақлий иштирок этишидан роҳатланган. Бундай ноёб фикрлаш ва мулоҳаза юритиш жараёни Ал-Форуқийнинг исломиуносликка қўшган ноёб ҳиссаси бўлган бу асарда акс эттирилган. Ушбу китоб нафақат Исломни руҳий иймон ва амал сифатида тасвирлайди, балки Исломни ақл бовар қилмайдиган тажриба сифатида ҳам талқин қилади.

